

323  
Д-53

21823.28

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚўМИТА  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

# ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МУТААССИБЛИК

(юз саволга - юз жавоб)

Тўлдирилган, қайта ишланган нашри

2032203

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti  
П.2757  
Axborot Resurs Markazi

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2013

УДК:323

86.38

Д53

Диний багрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга - юз жавоб) / Масъул муҳаррир О.Юсупов. – ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети, Ўзбекистон муслмонлари идораси. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 156 б.

КБК 86.38

Масъул муҳаррир:

О.Юсупов – фалсафа фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор

Ш.Акмалов – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Китобда истиклол туфайли диний соҳада эришилган ижобий натижалар, миллий-маънавий кадрият, урф-одат, анъана ва маросимларнинг тикланиши аниқ ва кенг камровли маълумотлар асосида ёритилган. Шунингдек, ислом дини асосини Қуръон оятлари, ҳадислар билан бир қаторда, одоб-ахлоқ мезонлари, умумбашарий кадриятлар мажмуи ташкил этиши, соф исломий тушунчаларнинг соғлом ва маърифий талкиллари ҳамда турли диний экстремистик оқим ва фиркалар, уларнинг келиб чиқиши, жамиятдаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдиди каби масалалар киска савол-жавоблар шаклида ўз ифодасини топган.

Китоб дин ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ муаммоларга кизикувчилар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва кенг китобхонлар оммасига мулжалланган.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2013 йил 11 январь № 79 рақамли  
тавсияси билан чоп этилди.*

ISBN 978-9943-306-15-8

© «Тошкент ислом университети»  
нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013

## КИРИШ

*Ислом динини шиқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузогига илиптириб, бош-қўзини айланптириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ноэўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг таъғнига доғ бўлиши, охиروقибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарур.*

*Ислом Каримов*

Кишилик жамияти тараққиётнинг ҳозирги даврини турлича тавсифлаш мумкин. Ахборот оқимининг суръати ва қўламин ошганини инобатга олиб, «Ахборот асри» дейишдан ташқари генетика соҳасидаги оламшумул кашфиётларни инобатга олган ҳолда, ХХI аср «Генетика асри» деб ҳам баҳоланмоқда. Бундай тавсифларда, шубҳасиз, ҳақиқат унсурлари бор ва уларнинг ҳар бири ўзича тўғри. Аммо бугунги воқеликка кенгроқ назар билан қараладиган бўлса, кишилик жамияти ривожига кучли таъсир кўрсатиб, унга ўзига хослик бахш этаётган ва инсониятнинг яқин истиқболи қандай бўлишини белгилаб берадиган қатор ижтимоий омиллар мавжудлигини ҳам кўриш мумкин. Ана шундай омиллар қаторида диний омилнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаш зарур.

Ўтмишда муайян кучлар ва шахслар динни асос қилиб, ўзаро қонли урушларга даъват этганлар. Афсуски, бундай уринишлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Аммо қурол эмас, ундан фойдаланадиган инсон ўқ отишини, динлар эмас, одамлар ўзаро урушишини ёдда тутиш зарур. Ҳатто «динни

тарқатиш шиори» остида олиб борилган урушларда ҳам дин эмас, балки ана шу шиорнинг амалга оширувчиси бўлган инсонлар айбдор экани аниқ. Зеро, дин доимо инсониятни тараққиёт сари чорлаб келган.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «XX аср ажойиб илмий кашфиётлар асри, инсон Коинот сирлари қўйнига кириб бораётган аср, ахборот ва ғоят улкан техникавий имкониятлар асри бўлди. Шу билан бирга, бу асрнинг охири диний кадриятларнинг уйғониш даври, вазмин, беҳуда уринишлардан ҳоли диний маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлди».

Ислом дини, унинг мазмун-моҳияти, шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни каби масалалар юзасидан кўплаб илмий ишлар амалга оширилган. Бу соҳадаги илмий изланишлар изчил ва тизимли тарзда ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда.

Мустақиллик ислом маърифатининг ривожини учун шароит яратди. Маълумки, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришда, цивилизациялар мулоқотида азалдан муҳим ўрин эгаллаб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ва ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятининг нафақат ислом цивилизацияси, балки бутун Шарқ ва Осиё қитъасида етакчи мавқе ва ўринга эгаллиги шубҳасиз. Бу республикамизда маърифий исломнинг ривожини билан боғлиқ жараёнларни аниқ мисоллар асосида ёритиб бериш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга эканини билдиради.

Замонавий воқелик диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг салоҳияти сифат ва миқдор жиҳатидан жиддий ўсганини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида диний терроризмнинг глобал хавфсизликка йўналтирилган жиддий таҳдидга айланишига замин яратмоқда. Диний-экстремистик ва террористик гуруҳлар глобаллашув жараёнлари ва йирик давлатлар орасидаги геосиёсий манфаатлар тўқнашувидан ҳамда фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда экстремизм ва

терроризмга қарши кенг кўламли кураш олиб борилаётган муҳитга мослашишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, диний шиорлар остида сиёсий ҳокимиятга интилаётган диний экстремистик ташкилотлар Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказишга уринмоқда. 2009 йилнинг 26 майида Андижон вилоятида содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракати оқибатида бир нафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходими ҳалок бўлди. Бир неча фуқаро ярадор бўлди. Бундай жиноий ҳаракатлар Ўзбекистондаги тинч-осойишта ҳаёт ҳамда барқарор ривожланишни кўра олмайдиган гараз ниятли кучлар ўзларининг разил мақсадлари йўлида бегуноҳ одамларнинг қонини тўкишдан тап тортмаслигини кўрсатмоқда.

Қайд этилган ҳолатлар диний экстремизм ва терроризмнинг жамият барқарорлигига таҳдиди, турли оқим ва фирқаларнинг гаразли гоё ва мақсадларини тегишли манбалар ва аниқ далилларга таянган ҳолда кўрсатиб бериш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, реал воқелик бугунги кунда ёшлар ва аёллар диний экстремистик ҳаракатларнинг асосий объектларига айланиб қолаётганининг сабаблари, бундай уринишларнинг олдини олиш борасида ҳар бир киши ва жамият олдида турган долзарб вазифалар, миллий ва диний урф-одатлар, маросимларнинг мазмун-моҳияти, исломий манбаларда Ватанга садоқат масаласининг ёритилиши билан боғлиқ мавзулар ҳам ҳамон долзарб бўлиб қолаётганини аён этмоқда.

Қайд этилган масалаларга ойдинлик киритиш йўлидаги бир уриниш сифатида «Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга – юз жавоб)» рисоласи яратилиб, биринчи марта 2007 йилда чоп этилган эди. Унда китобхон ўзини қизиқтирган саволларга осонликча жавоб топа олиши учун анъанавий монографик тадқиқот усулидан воз кечилиб, суҳбат шакли танлаб олинган ва ҳар бири катта мавзунини ўз ичига олган суҳбатларда долзарб саволларга жавоб берилган эди.

Ўтган йиллар давомида рисолада муҳокама қилинган масалалар билан боғлиқ кўплаб ўзгаришлар содир бўлди. Айни пайтда, айрим саволларга жавобни кенгроқ мушоҳада қилишга ва воқелик кун тартибига қўяётган баъзи масалаларни, хусусан, тариқатчилар фаолияти билан боғлиқ муаммоларни алоҳида ва тизимли таҳлил этишга эҳтиёж мавжудлиги ҳам сезила бошланди. Шу билан бирга, китобнинг аввалги нашрида битта суҳбат доирасида муҳокама қилинган миссионерлик ва унинг оқибатлари билан боғлиқ масалалар бўйича алоҳида китоб яратилганини ҳам таъкидлаш зарур<sup>1</sup>. Рисола кенг ўқувчилар оммаси томонидан катта қизиқиш билан қабул қилингани ҳамда юқорида қайд қилинган омилларни инобатга олиб, унинг тўлдирилган ва қайта ишланган ушбу нашри тайёрланди.

Рисолада кўтарилган масалаларнинг савол-жавоб шаклида ёритилиши китобхонлар учун маълум даражада қулайлик туғдириши табиий. Албатта, умуман дин, хусусан, исломнинг жамият ҳаёти ва тараққиётидаги ўрни, диний экстремизмнинг моҳияти ва ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги масалалар мураккаб бўлиш билан бирга серқирра муаммодир. Битта китоб доирасида уларнинг барчасига жавоб бериш ниҳоятда қийин.

О.Юсупов, К.Комилов, Н.Абулҳасан, Ў.Ҳасанбоев, У.Алимов, А.Мансуров, Ҳ.Йўлдошхўжаев, А.Очилдиев, А.Ҳасанов, У.Ғафуров, Д.Раҳимжоновлардан иборат муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган ва имкон даражасида ёритилган долзарб масалаларнинг ўзинёқ кенг китобхонлар оммасида қизиқиш уйғотишига, исломнинг инсонпарварлиги ва бағрикенглигини, уни ниқоб қилиб фаолият юритаётган оқим ва ташкилотларнинг гайриисломий ва мутаассиб характери ҳамда гаразли мақсадларини чуқурроқ англаб етишга хизмат қилишига умид қиламиз.

<sup>1</sup> Қаранг: А.Очилдиев, Ж.Нажмиддинов. «Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга-юз жавоб)». – Тошкент, «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

## *Биринчи суҳбат*

### МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪРИФИЙ ИСЛОМ РИВОЖИ

*Ҳозирги пайтда дунёда ва минтақамизда  
исломнинг ўрни ва мавқеи ҳақида нима дейиш  
мумкин?*

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва давлатларида ислом динига инсбатан қизиқиш ва интилиш кучайиб, унга хайрихоҳ ва тарафдор бўлганлар сони кўпайиб бормоқда. Республикамиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаганларидек, «Бунинг асосий сабаби – биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзодни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оклаган кадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда, бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига кўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади».

Ислам (араб. – бўйсуниш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш) буддавийлик ва христианлик билан бирга жаҳонда кенг тарқалган уч диндан биридир. Унга эътиқод қилувчилар арабча «муслим» («исломни қабул қилган», «итоатли»); кўплиги «муслимун») деб аталади.

Ислам VII аерда Ҳижоз (гарбий Арабистон)да пайдо бўлди. Ҳозирда жаҳонда қарийб 1,7 млрд. киши бу динга эътиқод қилади. Муслмонларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи Осиёда, қарийб 30 фоизи Африкада истиқомат қилади. Дунёдаги муслмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатларнинг 40 дан зиёдида муслмонлар аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилади. Маълумотларга

кўра, Индонезияда 210 миллион, Покистонда 150 миллион, Бангладешда 110 миллион, Нигерияда 80 миллион, Эрон ва Туркияда 65 миллион, Мисрда 60 миллион, Марокаш ва Жазоирда 30 миллиондан мусулмон истикомат қилади. Россиядаги мусулмонларнинг сони 20 миллиондан, Ҳиндистонда эса 140 миллиондан ортган.

Аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлмаган бошқа айрим ўлкаларда ҳам исломга эътиқод қилувчилар сони ортиб бормоқда. Масалан, АҚШда 10 миллион, Францияда 6 миллион, Бразилияда 5 миллион, Германияда 3,5 миллион, Буюк Британияда 1,5 Италияда 1 миллиондан ортиқ мусулмонлар яшайди. Европа Иттифоқи бўйича жами динга эътиқод қилувчиларнинг 15 миллиони мусулмонлардан иборат. Маълумотларга кўра, 2015 йилга келиб уларнинг сони 40 миллионгача ўсиши мумкин.

Умуман олганда, XX асрда мусулмонлар дунё аҳолисининг 15-16 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 24 фоизни ташкил этмоқда.

Миср, Кувайт, Саудия Арабистони каби бир қатор мамлакатларда ислом давлат дини (ёки расмий дин) сифатида тан олинган бўлса, айримларида «ислом» сўзи давлатнинг расмий номи таркибига киритилган: Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охири – 80-йилларининг бошида халқаро майдонда ҳукумат ёки ноҳукумат даражасида иш олиб борувчи халқаро мусулмон ташкилотларининг мавқеи орта бошлади. Бундай ташкилотларнинг энг нуфузлиси 1969 йилда тузилган Ислом конференцияси ташкилоти (ҳозирда Ислом ҳамкорлик ташкилоти) ҳисобланади. Унга 57 мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси 1996 йилдан аъзодир. Бундан ташқари, халқаро ноҳукумат мусулмон ташкилотлари орасида Ислом олами уюшмаси, Ислом олами конгресси, Ислом олами ташкилоти, Европа ислом кенгаши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.



Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон ҳудудида тарқалган шиаликнинг исмоилийлик оқимини ҳисобга олмаганда, минтақамиз давлатлари аҳолиси асосан суннийликнинг ханафийлик мазҳабига эътиқод қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 2009 йил 1 январига бўлган сонига таяниб, мамлакатимиз аҳолисининг тахминан 92 фоизини мусулмонлар ташкил этади, дейиш мумкин.

Ўзбекистон ислом маданиятининг нафақат минтақадаги, балки бутун дунёдаги асосий марказларидан бири бўлиб келган. Хорижий таҳлилчилар ҳам Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги ўрни, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги мавқеи мустаҳкамлигини ҳақли равишда эътироф этмоқдалар.

*Мустақиллик йилларида динга муносабат мутлақо янги тамойиллар асосида ривож топганини ва фуқароларимиз учун том маънодаги виждон эркинлиги кафолатланганини нималарда кўриши мумкин?*

Виждон эркинлиги – ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда яшаш ва ишлаш имкониятини билдиради. Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади. Сиёсий жиҳатдан виждон эркинлиги демократия кўринишларидан бири ҳисобланса, ҳуқуқий нуқтаи назардан инсоннинг асосий шахсий ҳуқуқлари сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида мустаҳкамлаб кўйилганидек мамлакатимизда «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл кўйилмайди».

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди. Қонун муайян ёшга етган фуқароларнинг ўз диний эҳтиёжларини таъминлаш учун диний ташкилот тузиш, олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш тартиб-қоидаларини ҳам белгилаб берган. Айни вақтда, диндан давлат ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, миллатлараро адоват уйғотишда, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлат, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Туркистон мустамлакачилик зулмини бошдан кечирган пайтда, айниқса, шўролар даврида ислом турли таъкиб ва чеклашларга дуч келди, уламоларнинг тақдири аянчли бўлди. Исломга оид бебаҳо китоблар йўқотилиб, табаррук ёдгорлик ва қадамжолар оёқости қилинди, дин пешволари мухолиф сифатида маҳв этилди. Аммо манфур тузум ўз мақсадига эриша олмади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, ислом дини мамлакат ҳаётида муносиб ўринни эгаллай бошлади. Мусулмонларнинг диний ибодат ва маросимларни адо этишлари учун шароит яратиб берилди. Қуръони карим бир неча марта ўзбек тилида чоп этилди (1992, 2001, 2004, 2007, 2009, 2012 йиллар), ҳадис тўпламларининг таржимаси, ислом уламоларининг юзлаб китоблари халққа етказилди. Мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиб, деярли барча вилоятларда диний ўқув юртлари фаолият кўрсата бошлади.

Бу соҳадаги ютуқларни санашни яна давом эттириш мумкин. Нима бўлганда ҳам уларни кўрмаслик мумкин эмас, кўролмаслик мумкин дир, балки.

*Истиқлол туфайли диний қадриятлар қайта тикланаётгани, диний-маърифий меросимиз, буюк аجدодларимиз ҳаёти ва ижоди ҳар томонлама ўрганилаётгани ҳақида нима дейиш мумкин?*

Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган ишлар юқорида қисман қайд этилди. Уларга қўшимча равишда, Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг умумхалқ байрами сифатида нишонлана бошлаганини, диний-маърифий соҳада катта ишлар амалга оширилиб, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Маргиноний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий каби буюк Ватандошларимизнинг юбилейлари кенг миқёсда нишонланганини қайд этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди».

Айни пайтда, мустақил Ўзбекистоннинг янги диншунослиги юзага келгани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 1999 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети ташкил қилингани, унинг таркибида Ислоҳшунослик илмий-тадқиқот маркази ишлаб тургани, маънавий бойлигимиз ҳисобланган ноёб манбаларни илмий асосда, ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш зарур.

Бундай ижобий ҳолатларни диний ташкилотларнинг эмин-эркин фаолият юритаётганида ҳам кўриш мумкин.

*Мустақиллик даврида диний ташкилотлар фаолиятида қандай ўзгаришлар содир бўлди?*

Авваламбор диний ташкилотлар ҳеч қандай тазйиқларсиз, чеклашларсиз, эмин-эркин фаолият

кўрсатишлари учун барча шароитлар яратилганини таъкидлаш лозим.

1991 йил 14 июнда Республика Олий Кенгаши Ўзбекистон тарихида биринчи марта «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Ушбу Қонун фуқароларнинг динга ўз муносабатларини белгилаш ва ифодалаш ҳамда ҳеч қандай қаршиликсиз динга эътиқод қилиш ва расм-русумларини бажариш ҳуқуқини таъминловчи, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб турувчи биринчи ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида, фаолият кўрсатиб келган саксонга яқин масжид, бир нечагина черков ва синагогалар ўрнида минглаб масжид, ўнлаб черковлар пайдо бўлди.

Бироқ озгина вақт ўтганидан сўнг масжидлар сонининг асоссиз равишда ошиб кетиши, уларда махсус диний таълим олмаган шубҳали шахсларнинг раҳбарлик қилиши, мутаассиблик гоёлари билан йўғрилган диний таълим берилишидек ҳодисалар кузатила бошланди.

Натижада, масжидларда ҳанафий мазҳабида ибодат қилувчи мўйсафидларни беҳурмат қилувчи, беўхшов соқол кўйган, намознинг фақат фарз қисмини ўқиб, ибодат жараёнини бузувчилар кўпайиб, диндорлар орасида келишмовчиликлар пайдо бўла бошлади. Жиноятлар содир этилди, 1997 йилнинг ноябрида Андижон вилоятида авлиёлар қабри топталди, ўша йилнинг декабрида Наманган вилоятида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларнинг масъулларига суиқасдлар уюштирилди, Фарғона водийси худудида Кўкон ислом мухторияти тузиш тарафдорлари пайдо бўла бошлади, халифалик ғоясини тарғиб қилувчи «Ҳизбут-таҳрир» аъзолари бош кўтара бошладилар.

Охир-оқибатда буларнинг барчаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири тайёрланишига олиб келди. Ушбу Қонун 1998

йил I майда республика Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинди.

1998 йил 20 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги 263-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга асосан республикада фаолият кўрсатаётган барча диний ташкилотлар Адлия идораларида қайта рўйхатдан ўтказилди.

Қарор талабини амалга ошириш жараёнида республикамиздаги масжидлар, бошқа динларга мансуб ташкилотлар, диний ўқув юртлари фаолияти қайта кўриб чиқилди.

***«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири ҳаётга татбиқ этилиши қандай натижаларни берди?***

Қонуннинг янги таҳрирининг амалиётга жорий этилиши ва унинг натижалари ҳақида гап кетар экан қуйидагиларни алоҳида қайд этиш зарур:

- диний ташкилотларнинг ноқонуний равишда фаолият юритишларига чек қўйилди;

- диний ташкилотларнинг сони фуқароларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгиланди;

- диний ташкилотларга хорижий фуқароларнинг раҳбарлик қилишларига барҳам берилди;

- республикамиз аҳолиси учун ёт ва зарарли бўлган диний секталарнинг тарқалиб кетишининг олди олинди;

- диний таълим тизими қонуний асосда қайта кўриб чиқилди;

- республикада диний адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тартибга солинди ва қонуний асосда назорат қилина бошланди;

- диний мутаассиблик ва экстремизмга қарши кураш олиб бориш учун ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Ушбу Қонун баъзи мафқуравий ва маънавий муҳолифларимиз даъво қилганларидек, диндорларни таъқиб остига олиш, диний ҳаётни жиловлаш, диний ташкилотларнинг фаолиятларини чеклаш учун эмас, аксинча, фуқароларнинг диний эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун хизмат қила бошлади.

Шу билан бирга диний ташкилотларнинг сони кўпайганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Хусусан, 1990 йилда республикада 119 та диний ташкилот (89 та исломий ва 30 та ноисломий) мавжуд бўлган бўлса, 1991 йилда 179 тага (146 та исломий ва 33 та ноисломий) етди. 2012 йилнинг декабрига келиб эса уларнинг сони 2224 тани (2049 та исломий ва 175 та ноисломий) ташкил этди.

Содда қилиб айтганда, диний муассасаларнинг қонун асосида фаолият олиб борилиши таъминланди. Қонуннинг янги таҳририда фуқароларнинг диний ташкилотларни тузиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ-равшан белгилаб қўйилди.

Бу ўз навбатида истибдод даврида фаолияти тақиқланган ташкилотлар учун эркинлик яратди. Жумладан, фақат истиқлол шарофати билан 10 дан зиёд конфессияларга мансуб ташкилотларнинг расмий фаолият кўрсатиши учун йўл очилди.

*Республикада мусулмонлари ҳаж сафарига эмин-эркин ва тартибли бориб қайтишлари таъминланганини ҳам динга бўлган эътибор сифатида баҳолаш мумкин. Шундай эмасми?*

Дарҳақиқат, республикада мусулмонлари ҳаж сафарига бориб, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб келишларини ҳам динга бўлган катта эътиборнинг бир кўриниши сифатида қараш мумкин. Хусусан, мустабид шўро тузуми даврида ҳар йили уч-тўрт кишига ҳаж зиёратини амалга оширишга руҳсат берилган бўлса, ҳозирда йилига беш мингдан ортиқ киши ҳаж қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Чунинчи, 1991 йилда ҳажга

боровчилар сони 1500 киши бўлган бўлса, 2012 йилдан бу рақам 5080 кишини ташкил этди. Мустақиллик даврида жами 88000 га яқин киши ҳаж ибодатини адо этди.

Ҳожиларнинг зиёратларини тўла-тўқис ва ҳеч қандай қийинчиликларсиз адо қилишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. 2012 йилнинг ўзида ҳожилар учун 5 нафар делегация, 35 кишилик ишчи гуруҳи, 10 нафар ошпаз ва 30 нафар шифокорлар хизмат кўрсатгани ҳам бунинг исботи бўла олади.

Бундан ташқари фуқароларимиз мунтазам асосда умра амалини ҳам адо этиб келмоқдалар. Биргина 2012 йилда 6120 нафар фуқаро умра ибодатини бажарди. Мустақиллик йиларида жами 62258 киши умра ибодатини бажарди.

### *Ўтган йилларда диний таълим соҳасида қандай ўзгаришлар содир бўлди?*

Энг аввало, диний ўқув юртлари фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор билан қаралганини эътироф этиш зарур.

Мустақилликкача бор-йўғи иккита исломий диний ўқув юрти (Тошкент ислом институти ва «Мир Араб» мадрасаси) бўлган бўлса, ўтган йиллар давомида уларнинг сони 10 тага етди. Бошқача айтганда, Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Бухородаги «Мир Араб», Тошкентдаги «Кўкалдош», Қорақалпоғистондаги «Муҳаммад Беруний», Намангандаги «Мулла Қирғиз», Хоразмдаги «Фахриддин ар-Розий», Андижондаги «Саййид Муҳйиддин Махдум», Қашқадарёдаги «Ҳожа Бухорий» ўрта махсус ислом билим юртлари, шунингдек, хотин-қизлар учун махсус бўлган Тошкентдаги «Ҳадичаи Кубро» ва Бухородаги «Жўйбори Калон» билим юртларидан иборат яхлит диний таълим тизими яратилди.

2000-2001 ўқув йилидан бошлаб ушбу таълим муассасаларида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-ҳунар таълим марказининг Давлат таълими

стандартлари бўлими билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таълим стандартлари ва ўқув режаси асосида ўқитиш жорий қилинди. Содда қилиб айтганда, ўқув юртларида диний ва дунёвий таълимнинг узвийлиги таъминланди.

Ўзгаришлар кўламини исломий-диний ўқув юртлари битирувчиларининг сонини солиштириш орқали ҳам билса бўлади. Масалан, Тошкент ислом институтини 1975-1990 йиллар оралигида 153 киши, Мир-Араб мадрасасини 1950-1990 йиллар оралигида 272 киши, умуман олганда шўролар даврида диний билим юртларини жами 425 киши битирган бўлса, мустақиллик йилларида, яъни 1991-2011 йиллар оралигида уларни 2436 киши битириб чиқди. Фақат 2011-2012 ўқув йилида Тошкент ислом институтини 40, ўрта-махсус ислом билим юртларини 211 талаба ва ўқувчилар битирдилар.

2012-2013 ўқув йилида Тошкент ислом институтида 180 талаба, ўрта-махсус ислом билим юртларида 777 ўқувчи, жами 957 киши билим олмоқда, уларга 239 ўқитувчи дарс бормоқда.

2000 йилдан бошлаб Тошкент ислом институти ва ўрта махсус ислом билим юртлари битирувчиларини Ўзбекистон мусулмонлари идораси йўлланмаси билан режали равишда республикада фаолият кўрсатаётган масжидларга ишга тақсимлаш жорий қилинди ва 2001 йил январь ойидан бошлаб, илк марта диний билим юртлари талабаларига стипендия бериш йўлга қўйилди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 22 августдаги «Дин соҳасидаги маънавий-  
маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни  
тақомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва  
имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Қарори диний  
соҳада олиб борилаётган ишларда муҳим босқич  
бўлди дейишади. Бунинг боиси нимада?**

Ҳақиқатан ҳам шундай. Зеро, мазкур Қарорга кўра, Тошкент ислом институти ва ўрта махсус ислом билим



юртларида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларнинг қабул қилинган давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий билимлар олаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилди. Шу билан бирга, унга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилди.

Айни пайтда, маданий мерос объекти сифатида давлат рўйхатига олинган 15 та диний обида жойлардаги Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекциялари билан тузилган «Фойдаланиш ва муҳофазалаш шартномалари» асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига чекланмаган муддатга фойдаланиш учун берилди.

Мазкур қарор билан диний ташкилотлардан коммунал хизмат (газ, сув, электр ҳақи ва бошқа хизматлар) учун олинмаган тўловлар ишлаб чиқариш корхонаси даражасида эмас, балки жисмоний шахслардан олинмаган миқдорда белгилаб қўйилганини ҳам қайд этиш лозим.

Коммунал хизмат тўловларидаги фарқ туфайли юзага келган тушумлар ва зиёратгоҳлардан тушадиган хайрия маблағларини Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги масжидларни таъмирлаш, диний таълим муассасаларининг ўқув ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи-мударрис ва имом-хатибларнинг меҳнатини рағбатлантириш ишларига сарфлаш белгилаб қўйилди.

*Мустақиллик даврида имомларимизнинг билим даражаси ва малакасини ошириш борасида қандай натижаларга эришилди?*

Мустақиллик йилларида имомларимизнинг диний билими ва савиясини оширишга катта эътибор берилди ва ҳеч муболағасиз уларнинг диний маълумоти кескин

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

17  
П. 2752

Axborot Resurs Markazi

оширилишига эришилди, дейиш мумкин. Мисол учун, 1997 йилда 4,2 фоиз имомлар олий ва ўрта махсус диний маълумотга эга бўлган бўлсалар, 2012 йилда бу кўрсаткич 98 фоизни ташкил этди. Бошқача айтганда, бугунги кунда республикада фаолият кўрсатаётган 1988 масжиднинг имомлари олий ва ўрта махсус маълумотга эгадир.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли масжидлар имомлари Тошкент ислом университети қошидаги Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш факультетида доимий асосда ўз билим ва савияларини ошириб келаётганларини ҳам таъкидлаш зарур.

Малака ошириш курсларида тингловчилар билан тафсир, ҳадисшунослик, ислом фалсафаси, фикҳ каби фанларнинг долзарб масалаларига бағишланган мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ўтказилади.

Шунингдек, имомларимизни тегишли назарий манбалар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда имом Бухорий халқаро марказида ташкил этилган малака ошириш курсларида имомхатибларимиз диний илмлар билан бир қаторда миллий ғоя ва мафкура, маънавият, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий билимлар асосларини ўзлаштираётганлари, уларга соҳа бўйича етук олимлар ва амалиётчилар дарс бераётгани эса уларнинг савия ва малакасини ошириш, диний ва дунёвий билимларини янада чуқурлаштириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилаётганини кўрсатади.

***2007 йилда Тошкент шаҳри ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилинди. Бундай мақомнинг берилиши сабаблари ва аҳамияти нимада?***

Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)нинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган тузилмаси (ISESCO) фаолиятида ҳар йили ислом маданиятининг Осиё, араб дунёси ва Африка бўйича пойтахтларини

эълон қилиш ўзига хос анъанага айланган. 2006 йилда Исфаҳон (Эрон), Ҳалаб (Сурия), Тимбукту (Мали) шаҳарлари шу номга лойиқ кўрилган бўлса, 2007 йилда бу шарафли унвонга Тошкент (Ўзбекистон), Триполи (Ливия), Фес (Марокаш) ва Дакар (Сенегал) шаҳарлари муносиб топилди.

ISESCO ташкилоти томонидан берилган маълумотларга кўра, Ислом ҳамкорлиги ташкилотига аъзо мамлакатлар Маданият вазирларининг VI конференцияси қарори ҳамда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган тузилмаси (ISESCO) нинг таклифига биноан 2015-2024 йиллардаги ислом маданияти пойтахтлари рўйхати тасдиқланган.

ИХТнинг махсус қарорига асосан таъсис этилган ва 1982 йилдан ўз фаолиятини бошлаган, қароргоҳи Фес шаҳри (Марокаш)да жойлашган ISESCO бугунги кунга келиб 150 дан ортиқ халқаро тузилмалар, ҳукуматлар, минтақавий ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ISESCOнинг мусулмон дунёсидаги муайян шаҳарларни ислом маданиятининг пойтахтлари деб эълон қилиши мусулмон мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, ислом маданиятига оид илмий-маърифий, тарихий-меъморий меросни ўрганиш, тиклаш ва тарғиб қилиш, динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш, турли мамлакатларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатини кўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдек мақсадларини кўзлайди.

Тошкент шаҳрига ислом маданияти пойтахти деган юксак номнинг берилиши нафақат Тошкент, балки бутун Ўзбекистон халқи учун улкан тарихий ва маданий-маърифий воқеа бўлди. Умуман олганда, бирон-бир шаҳарга бундай мақомнинг берилишида мамлакатнинг умумий, хусусан, ислом дини билан боглиқ тарихи, ислом цивилизацияси ва маданиятига қўшган ҳиссаси, халқ ҳаётида ислом динига хос қоида ва арконлар, анъана ва

кадриятларнинг ўрни, ушбу юрт фарзандлари қолдирган илмий-маънавий мерос инобатга олинади. Шунингдек, мамлакатда бугунги кунда ана шу ноёб ва мўътабар меросни асраб-авайлаш, ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, жумладан, жаҳон жамоатчилигига етказиш юзасидан қилинаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Шундай экан, энг аввало, Тошкент шаҳри бундай юксак унвонга Ўзбекистон халқининг ислом маданияти, фалсафаси, илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси, тарихий обида ва меъморчилик намуналари, исломга оид қўлёзма манбаларга бойлиги туфайли сазовор бўлди. Юртимиз алломаларининг қадимдан нафақат ислом, балки умумжаҳон цивилизацияси ривожига муҳим ҳисса қўшгани ҳам эътиборга олингани шубҳасиздир. Республикамиз Президенти Ислам Каримов «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида таъкидлаганидек, «...тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улуг аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф аввало ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз».

Шунингдек, бундай мақомнинг берилишида Республикамиз Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш, исломий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларимиз қолдирган бой илмий ва маданий меросни ўрганиш, аллома ва азиз авлиёларнинг муқаддас кадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳам инобатга олинган эди.

Ўтган йилларда мамлакатимизнинг барча худуд ва минтақаларида шу эзгу мақсад йўлида ибратли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Хусусан, Самарқанддаги Имом Бухорий, Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдухолик Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурхониддин Маргиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўк Гумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш бўйича бажарилган бунёдкорлик ишлари фикримизнинг исботи бўла олади.

Самарқанд шаҳридаги XI–XV асрлар ёдгорлиги бўлмиш, қадим замонлардан буён бутун мусулмон дунёсининг эътиборини ўзига тортиб келаётган Шоҳи Зинда ва Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуаларида кенг қўламли қайта тиклаш, қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Бухоро, Самарқанд, Термиз, Қарши ва Хива каби Тошкент ҳам келгуси авлодлар учун авайлаб сақлаб келинаётган гўзал ислом архитектура иншоотлари, мадраса, масжид, музей ва кутубхоналарга бой шаҳар ҳисобланиб, унда ЮНЕСКОнинг «Дунё хотираси» рўйхатига кирган нодир Усмон Мусҳафи ва Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг бой хазинаси, шунингдек, дунёга машҳур «Барокхон», «Кўкалдош» мадрасалари, Қаффоли Шоший, Юнусхон, Шайхонтоҳур мақбаралари каби тарихий ва меъморий ёдгорликлар мавжуд.

Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан «Ислом ва бағрикенглик» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди, юртимиздаги мусулмон меъморчилиги обидаларини қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича олиб борилаётган

амалий ишлар янада изчил давом эттирилди. Жаҳон ҳамжамиятини ўзбек халқининг кўҳна ва бой мероси билан яқиндан таништиришга қаратилган илмий-маърифий ва маданий тадбирлар эса Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузининг янада ошишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

### *Имом Бухорий халқаро маркази фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари иимада?*

Юқорида қайд қилинганидек, мустақиллик йилларида республикада диний-маърифий соҳада жуда катта ўзгариш ва юксалишлар юз берди. Мазкур йўналишда республикаимиз Президенти томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 майдаги «Имом Бухорий халқаро марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-875 сонли Қарорини алоҳида қайд этиш лозим. Унга биноан Самарқандда Имом Бухорий халқаро маркази ташкил топди.

Марказнинг тузилишидан кўзланган мақсад муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган, ҳадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом Бухорийнинг улкан меросини чуқур ўрганиш, уни халқимиз ва дунё жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёш авлоднинг руҳий-маънавий олами, имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, уларда ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришдан иборат.

Марказнинг асосий вазибалари сирасига қуйидагилар киради:

- ислом дини, Қуръони карим ва ҳадисларнинг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий ва Имом Термизий сингари буюк ҳадисшунос алломалар меросини ҳар томонлама теран ўрганиш, кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш;

- юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш мақсадида зарур дарслик, ўқув қўлланмалар, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзасидан доимий иш олиб бориш;

- Имом Бухорий мажмуасида мужассам топган рухий-маънавий муҳит ва бетакрор мерос асосида диний ходимларнинг билими ва тажрибаси, касб малакасини ошириш бўйича ўқув-услубий ишларни амалга ошириш;

- Имом Бухорий мероси ва ҳадис илмини ўрганиш борасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

- Юқорида кўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш бўйича тегишли илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш.

Ушбу қарор ижроси юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, Пайарик тумани, Хўжа Исмоил қишлоғидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ёнида 100 ўриндиқли мажлислар зали, ўқув хоналари, илмий ходимлар учун мўлжалланган хоналарни ўз ичига олган икки қаватли кўркам Марказ биноси барпо этилди. Марказда ташкил этилган ҳадисшунослик, манбашунослик ва ахборот-ресурс маркази бўлимларида фаолият кўрсатаётган илмий ходимлар юртимиздан етишиб чиққан алломаларнинг меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, улардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш борасида самарали ишлар олиб бормоқдалар. Марказдаги манбалар хазинасида 500 дан ортиқ нодир қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланмоқда. Марказнинг таъмирланиб, қайта жиҳозланган ётоқхонасида тингловчиларнинг таҳсил олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ва дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ётоқхона бир пайтнинг ўзида 60 тингловчини қабул қила олади.

2008 йилдан бошлаб 2012 йилнинг декабрь ойига қадар Марказда ҳар йили узлуксиз малака ошириш курслари ўз ишини давом эттирмоқда. Унда ташкил этилган 20 та босқичда республикадаги 2037 та масжид имом-хатибларидан 1200 таси ўз малакаларини оширдилар. Бу эса жами имом-хатибларнинг қарийб 60 фоизини ташкил этади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имом Бухорий халқаро марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори шубҳасиз мамлакатимизда илм-фан ривожини янада жадаллаштириш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш, уларни халқ оммаси орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни тизимли асосда давом эттиришга хизмат қилмоқда.



## *Иккинчи суҳбат*

### ҲАНАФИЙЛИК – МУЪТАДИЛ МАЗҲАБ

#### *Исломда қандай йўналиш ва мазҳаблар бор?*

Умумисломий масалаларда мазҳаблар ўртасида катта фарқларни учратмасак-да, хусусий ҳолларда улар ўртасида муайян тафовутлар ва ўзига хос хусусиятларни учратамиз.

Исломда илк даврда хорижийлик, шиалик ва суннийлик каби уч йирик йўналиш вужудга келди.

Хорижийлик йўналишининг 20 га яқин фирқалари маибаларда қайд этилган. Хорижийлар (арабча – «ал-хавориж» – ажралиб чиққанлар) бошқа йўналишлар орасида ўзининг кескинликка мойиллиги билан ажралиб турган. Улар орасида нисбатан муътадили – ибодийлик ҳозирга қадар Шимолий Африка ва Жанубий Арабистон минтақаларида сақланиб қолган бўлиб, мутаассибликка мойил фирқалари тарихан қисқа давр ичида барҳам топган.

Шиалик ҳам жуда кўп фирқа ва мазҳабларга бўлинган. Шиаликка хос ақидалардан бири ҳазрат Алининг улуғланиши ҳамда у ва унинг авлодларининг Пайғамбар ишининг давомчилари деб ҳисобланишидир. Ҳозирги кунда Эрондаги асосий диний эътиқод ҳисобланувчи шиаликка дунё мусулмонларининг тахминан 7,5 фоизи мансуб.

Суннийлик дунё мусулмонларининг асосий қисми эътиқод қиладиган йўналиш бўлиб, унда 2 та ақидавий – ашъарийлик ва мотуридийлик ҳамда 4 та фикҳий – ҳанафийлик, шофиъийлик, моликийлик ва ҳанбалийлик мазҳаблари мавжуд. Суннийликдаги энг кенг тарқалган ва ақидавий жиҳатдан бағрикенгликка мойил мазҳаб ҳанафийликдир. Унга сунний мусулмонларнинг 49 фоизи эътиқод қилади.

## *Нўмон ибн Собит Абу Ҳанифанинг фикҳий услуби нималардан иборат?*

Нўмон ибн Собит Абу Ҳанифа 699 (ҳижрий 80) йилда Ироқнинг Куфа шаҳрида туғилиб, 767 (ҳижрий 150) йилда ҳаётдан кўз юмган. Бағдод шаҳрининг «Аскар Маҳдий» номли мавзеида «Хайзурон» қабристонида дафн этилган.

Иккинчи ҳижрий аср ўрталарига келиб ўз ҳуқуқий мактаби (ҳанафий мазҳаби)га асос солган Абу Ҳанифа асосан Қуръон ва Суннага асосланиб ҳукм чиқариши баробарида, қиёслаш усулини Қуръон ва ҳадисларда кўрсатилган умумий қоидалар ва Қуръон руҳига мувофиқ ривожлантирди ҳамда фикҳ илмини такомиллаштириш учун ижодий фойдаланиш йўлларини очиб берди.

Унинг ўзи бу ҳақда шундай деган: «Биринчидан, Қуръонга мурожаат қиламан. Керакли ҳукми ундан тополмасам, Пайғамбар суннасига ва ул зотдан ишонарли ровийлар орқали ривоят қилинган саҳиҳ асарларга (ҳадисларга) мурожаат этаман. Улардан ҳам тополмасам, саҳобалар сўзларини кўриб чиқиб истаганимни оламан, истамаганимни тарк этаман. Сўнгра саҳобалар сўзларидан бошқаларнинг сўзларига ўтаман. Иброҳим Наҳаъий, Шабъий, Ҳасан Басрий ва Ибн Сирин каби мужтаҳидларга келганда, мен ҳам улар каби ижтиҳод қиламан».

Саҳл ибн Музоҳим: «Абу Ҳанифа ҳар доим энг ишончли ривоятларга таянган, одамларнинг ўзаро муносабатларини тўғри йўлга қўйишга уринган. У қиёсга асосланиб иш олиб борарди. Қиёс ноқулай бўлганда истехсон (энг мақбулини танлаш)га ўтарди. У орқали ҳам муаммо ўз ечимини топмаса, халқ орасида амалда бўлган урф-одатга мурожаат қиларди», – деб таъкидлаган.

Хатиб Бағдодийнинг айтишича, ўртага ташланган масала бўйича саҳоба ва тобеъинлардан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис мавжуд бўлса, Абу Ҳанифа унинг изидан борарди, бўлмаганда қиёс услубини ўринли ишлатарди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Абу Ҳанифа ўз фикҳий услубида:

1. Қуръони карим. 2. Сунна. 3. Саҳобалар сўзи. 4. Ижмоъ (саҳобалар томонидан бир овоздан қабул қилинган ҳукм) 5. Қиёс (арабча таққослаш, бирор бир масалани Қуръон ва суннадаги ҳукм чиқариш услубига таққослаб фатво чиқариш) 6. Истеҳсон (шариат масалаларига қиёсий татбиқ этишда келиб чиқиши мумкин бўлган хулосалардан мусулмонлар жамоаси учун қайси бири яхшироқ, фойдалироқ, маъқулроқ бўлса, ўшани қўллаш). 7. Урф-одатларга асосланиб иш юритарди.

*Абу Ҳанифани нима учун Имоми Аъзам (Буюк имом) деб атайдилар?*

Юртимиз мусулмонлари эргашган буюк имом ҳақида жуда кўплаб асарлар ёзилган. Ушбу асарларда ул зот «Абу Ҳанифа» ва «Имоми Аъзам» исмлари билан зикр этилиб, улуғланган.

Мазкур исмлардан илм аҳли орасида шуҳрат қозонгани «Абу Ҳанифа»дир. Бу исм кўплаб манбаларда у зотнинг кунялари (куня – кишининг фарзанди, табиати ёки асосий шуғулланадиган касбини билдириб туриш учун қўйилган ном) деб зикр этилган бўлса-да унинг мақтовли бир сифат экани шубҳасиз. Зеро, у зотнинг «Ҳанифа» исмли фарзандлари бўлмаган. Буни Абу Бакр, Абу Ҳурайра каби машҳур саҳобаларнинг ҳам Бакр ва Ҳурайра исмли фарзандлари бўлмагани ҳолда бу исмларнинг фақат тавсиф учун ишлатилиб, кейин машҳур бўлиб кетганига ўхшатиш мумкин.

Тарихчи олим Ибн Ҳажар Асқалонийнинг айтишича, «ҳанифа» сўзи Ироқда «сиёҳ» маъносида ишлатилган. Абу Ҳанифанинг ёнида ҳар доим сиёҳ бўлгани учун у ушбу ном билан шуҳрат топган. Замонавий муаллифлардан баъзилари «Абу Ҳанифа» лақабини «Абул-миллатил-ҳанифа», яъни «Тўғри миллат отаси» иборасининг қисқартирилган шакли сифатида баҳолайдилар. Абу Ҳанифанинг халқ ҳамда илм аҳли орасида «Имоми

Аъзам» («Буюк Имом») исми билан шуҳрат топгани уларнинг улуғликларининг эътирофидир.

Бу буюклик ҳар жиҳатдан эътироф этилган. Моликий мазҳабининг асосчиси имом Молик ибн Анасдан одамлар «Абу Ҳанифани кўрганмисиз?» – деб сўрашганда, «ҳа, агар ушбу устунни тилла демоқчи бўлса, унга ҳужжат топа оладиган даражада эканини кўрдим», - деб жавоб берган эканлар. Шофий мазҳабининг асосчиси Имом Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофий «Одамлар фикҳда Абу Ҳанифанинг боқимандаларидир», - деган фикрни билдирган.

Қайд этилган эътирофлардан ҳам кўриниб турибдики, Абу Ҳанифанинг буюк имом - «Имоми Аъзам» унвонини ҳатто бошқа мазҳаб пешволари ҳам тан олганлар.

***Нима сабабдан Имом Абу Ҳанифа асос солган  
мазҳабга кўпчилик, жумладан, юртимиз  
мусулмонлари ҳам эргашиб келмоқда?***

Имом Абу Ҳанифа асос солган – ҳанафий мазҳаби Куфа шаҳри (Ироқ)да юзага келиб, Мовароуннахрнинг энг йирик шаҳарлари бўлмиш Самарқанд ва Бухорода ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига эришди. Оз муддат ичида у ислом дунёсининг кўплаб мамлакатларига тарқалди. Мусулмонларнинг катта қисмини ўзига жалб этиб, Аҳли сунна вал жамоанинг энг катта ва кенг ёйилган мазҳабига айланди. Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,7 миллиард мусулмон аҳолининг 92,5 фоизини суннийлар ташкил этиб, улар мазҳаблар бўйича қуйидаги нисбатда бўлинадилар: ҳанафийлар 49%, шофийлар 25%, моликийлар 17%, ҳанбалийлар 1,5%.

Ҳанафий мазҳабига кўпчилик, жумладан, юртимиз мусулмонлари ҳам эргашиб келишининг сабаблари ҳақида гап кетганда қуйидагиларни таъкидлаш зарур.

Биринчидан, ушбу мазҳаб ўз моҳияти, таълимоти ва қўллаган услуби билан жамиятда юз бериб турадиган ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш имкониятига эга бўлиб, ҳар қандай саволга жавоб топа олади. Бундай

имконият шундан келиб чиқадики, ҳанафий мазҳаби янги вужудга келган диний масаланинг ечими Куръон ва ҳадисда мавжуд бўлмаса, қиёс ва унинг энг муҳим тури бўлмиш истехсонга таяниб иш олиб боради. Шунингдек, у урфодатга катта эътибор қаратади. Бундай услубдан фойдаланиш халқ учун ҳаётий муаммоларни шарият қоидаларига асосланиб ечишда беназир қулайликлар яратиб берди.

Иккинчидан, ҳанафийлик илмий асосларга таянган мазҳаб сифатида Аббосийлар давлатининг асосий мазҳаби бўлиб келди. Ундан кейин Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар, Бобурийлар, шунингдек, Усмонлилар империясида асосий мазҳабга айланиши унинг ривож ва тарқалиши учун катта имкониятларни юзага келтирди. Ушбу давлатларда, айниқса, Аббосийлар, Ғазнавийлар, Усмонлилар давлатларида суд тизими ривожланди. Тарихчи олим Ибн Обидин таъкидлашича, улардаги барча қози ва шайхул-исломлар ҳанафий мазҳаби вакиллари бўлганлар. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, Абу Ҳанифа шогирдларининг сони 882 тага етади. Унинг тўртта буюк шогирди (Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Зуфар ва Абулҳасан)дан ташқари, бошқа шогирдларининг кўпчилиги Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон ҳудудларида яшаганлар. Улар ушбу мазҳабни ёйиш йўлида катта хизмат кўрсатганлар.

Учинчидан, Абу Ҳанифа эркинлик тамойилининг ҳомийси эди, тижорат ва бошқа соҳаларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиб келди. Масалан, турмуш қуришда эркак ва аёлга тенг ҳуқуқ берилиб, оқил ва балоғатга етган қиз ва аёлларни ҳеч ким уларнинг розилигисиз никоҳга мажбурлай олмайди, никоҳ шартномаси қизнинг валийси (ота, бува, амаки, ака, ука) бўлмаса ҳам унинг ўз сўзи билан боғланади.

Абу Ҳанифа оғир вазиятларда одамлар учун қулай шароит яратиб бериб, қийинчиликларини осон қилишга уринган. Масалан, зино жиноятига қўл урган киши

токи бунн қози олдида тўрт жойда тўрт мартаба ўз хоши билан эътироф қилмагунича, унинг иқрори қабул қилинмайди. Унга қарши даъво қилинган ҳолда ҳам даъвонинг исботи учун тўрт киши гувоҳлик бериши зарур.

Айтиб ўтилган ва улардан ташқари бошқа кўплаб қулайликлар ҳанафий мазҳабининг кенг қўламда ёйилишига сабаб бўлиб, кун сайин унинг тарафдорлари сонининг ошиб боришига олиб келди.

Марказий Осиё халқларининг ҳанафий мазҳабига эргашишининг сабаби унда маҳаллий урф-одатлар, расм-русумларга катта эътибор қаратилгани билан ҳам боғлиқ. Кўплаб Марказий Осиёлик ҳанафий фақиҳлари азалдан анъаналарга бой бўлиб келган ушбу минтақа халқларининг миллий ва маҳаллий удумларини шариат қоидаларига мослаштириб, уларга қонуний тус бериб келдилар. Мазкур ишлар Марказий Осиё халқлари учун мазҳаб вакиллари томонидан яратилган энг муҳим қулайликлар эди.

Ҳанафийликни бошқа мазҳаблардан ажратиб турган яна бир фарқи шундан иборатки, Абу Ҳанифа нуқтаи назарида амал имоннинг жузъи (бир қисми) эмас, фақатгина имон калимасини тил билан иқрор қилиб, дил билан тасдиқлаган киши имон эгаси бўлиб, уни ҳеч ким имонсиз деб ҳукм қилиш ҳуқуқига эга эмас. Айрим мазҳаблар, масалан, ҳанбалий мазҳабининг бу борадаги қаттиққўллигидан фойдаланиб айрим оқимлар амални имоннинг жузъи, деб эълон қилиш билан бирга амални тарк этган ёки гуноҳи кабира (катта гуноҳ)га қўл урган мусулмонларни кофир, деб эълон қилганлар. Ҳанафий мазҳабда эса бундай эмас. Абу Ҳанифанинг «ал-Фикҳ ал-акбар» номли китобида айтилишича, гуноҳи кабирага қўл урган киши имондан чиқмайди, балки гуноҳкор ҳисобланади. Ҳанафийликнинг ушбу қоидаси Абу Мансур Мотуридий таълимотининг асосларидан бирини ташкил этади.

*Ҳанафий мазҳаби амал қилишга қулайлиги,  
халқчиллиги ва бағрикенглиги учун кенг тарқалган  
дейлади. Буни нималарда кўриш мумкин?*

Абу Ҳанифа мазҳаб ҳукмларини чиқаришда аввало Қуръон ва суннатга асосланар, саҳоба ва тобеинларнинг қарашларини инобатга олар эди. Агар уларда масаланинг ечими топилмаса, бу дининг асл моҳиятини чуқур англаган ҳолда, ислом манбаларига зид келмайдиган қилиб ҳукм чиқарар эди. Маълумки, фикҳнинг маъноси чуқур англашдир. Фақиҳ эса чуқур англаган киши. Ҳақиқий фақиҳ ва мужтаҳид бўлишнинг шартларидан бири бу Шорё (шариатни тузувчи – Аллоҳ ва унинг расули)нинг иродасини, нима учун ҳукмлар жорий қилинганини, мақсади ва ҳикматини яхши англаши керак. Қуръони карим ва суннатнинг ўзини билиш етарли эмас, балки унинг маъноси ва ҳикматини билиш керак.

Ҳанафий мазҳаби масалага чуқурроқ назар ташлаш ва ислом фалсафасини теран тушунишни тарғиб қилади. Шофий мазҳабига кўра, ҳар қандай молдан закот берилса, у ўша мол ҳолида берилиши зарур, яъни агар туя, сигир, от, кўй ёки олтиндан закот берилса, ўша ҳайвон ёки олтин шаклида, агар сўйилиб берилса гўштидан берилиши зарур. Ҳанафий фуқаҳолари эса, «йўқ, баъзан инсонларнинг эҳтиёжи ўша молнинг ўзи бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун уларга закотни мумкин бўлса пул шаклида бериш керак», дейишади.

Юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики, ҳанафий мазҳаби шариат ҳукмларининг Қуръон ва ҳадисга мувофиқ бўлиши билан бирга инсонларнинг эҳтиёжини қондирадиган, уларнинг манфаатларини таъминлайдиган, табиатларига мос шаклда ижро этилишига қақиради. Шунинг учун ҳам, дунё мусулмонларининг аксарияти ҳанафий мазҳабига эргашадилар. Бизнинг буюк Ватандошларимиз ўзларининг қимматли асарлари билан ушбу таълимотни ёйиш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар.

*Ҳанафийлик қайси минтақаларда тарқалган,  
унда минтақавий фарқлар ва ўзига хосликлар  
кузатиладими?*

Ҳанафий мазҳаби хижрий иккинчи асрдан Шарку Фарб, Шимолу Жанубга ўз нуфузини ўтказа бошлади ва биринчи босқичда Аббосийлар давлати ҳудудида тарқалди. Кейинроқ кўп ўлкаларда барча халқларнинг ичига кириб бориб, улар томонидан қабул қилинди. Масалан, Ироқ, Эрон, Мовароуннаҳр, Хуросон ва Туркия ҳудудларида Аббосийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Мисрда Айюбийлар, Мамлуклар, Темурийлар, Бобурийлар, Шайбонийлар давлатлари ва Усмонлилар империяси томонидан расмий мазҳаб сифатида қабул қилиниб, уларнинг барча ҳудудларида суд ишлари ушбу мазҳаб асосида олиб борилади.

Ҳозирги кунда ҳанафийликнинг жўгрофий ҳудуди Марказий Осиё давлатларидан бошлаб, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Ироқ, Яман, Миср, Жазоир, Тунис, Марокаш, Туркия, Индонезия ва бошқа мусулмон ўлкаларига етиб боради. Абу Ҳанифа мазҳаби айтиб ўтилган мамлакатларнинг айримларида асосий мазҳаб бўлса, айримларида иккинчи ёки учинчи ўринда туради.

Ҳанафий мазҳаби Шимолий Африка мамлакатлари (Тунис, Жазоир, Марокаш)да тарқалган эди. Бу ўлкаларда ҳанафийлар сони кўп бўлмаса ҳам, бу мазҳаб олимлари катта иззат ва ҳурматга эга. Тунис пойтахтида суд ишлари ҳанафий ва моликий мазҳаблари асосида юритилиб, унда ҳанафий суд тизими моликий суд тизими билан бирга қўлланилади. Мисрлик таниқли олим ал-Ливо Ҳасан Содикнинг таъкидлашича, бу ерда ҳанафий мазҳабининг буюк муфтийлари мавжуд бўлиб, барча устидан маънавий раҳбарлик мақомида туриб, «шайхул-ислом» номи билан аталадилар.



Шунингдек, одат бўйича Тунисдаги машҳур Зайтуна университети ўқитувчиларининг ярми ханафийлардан, иккинчи ярми эса моликийлардан бўлади.

*Ханафийлик халқларнинг урф-одатларига ҳурмат билан қараб, улардан баъзиларини шаръий ҳуқуқ манбалари қаторига киритган, дейишади. Шу тўғрими?*

Ислом ҳуқуқи бирданига ривожланмаган. Балки у вақт ўтиши билан такомил босқичларини босиб ўтиб, ўзининг бугунги кўринишига эга бўлган. Ҳатто Пайғамбаримиз ваҳий кела бошлаганидан сўнг ва Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин ҳам арабларнинг урф-одатларини бирданига бекор қилмадилар. Чунки бу жамиятнинг ривожига салбий таъсир курсатиши мумкин эди.

Кейинги даврларда саҳобалар ва тобеъинларнинг ҳаракатлари билан ислом дини араб бўлмаган халқлар орасида ҳам тарқала бошлади. Бу халқлар эса, илгари бошқа динларга эргашган эдилар. Уларнинг урф-одатлари, қонунчиликлари ҳам бошқача эди. Агар ислом келгандан сўнг уларнинг барча ҳукмларини бекор қилиб юборганда, улар бу динни қабул қилишмас, ҳатто унга қарши туришлари ҳам мумкин эди. Шунинг учун ҳам, ислом олимлари усулул-фикҳ илмида шариатнинг манбалари сифатида урфни ҳам зикр этишадики, бу ислом ҳуқуқининг ҳаётийлигидан далолатдир.

Лекин бу билан ҳар қандай урф қабул бўлади дегани эмас. Уламолар урфни иккига бўлишади: урфи саҳиҳ ва урфи фосид. Урфи саҳиҳ ислом таълимоти, фалсафасига зид бўлмаган, урфи фосид эса ислом таълимотига зид бўлган ва унинг фалсафасини инкор қилиб, унга қарши турадиган урф-одат ва таомилларни ўз ичига олади. Усул олимлари урфи саҳиҳни қабул қилиб, урфи фосидни шариат манбаи сифатида қабул қилмаганлар. Шунга қарамай ҳар бир мазҳабда урфни қабул қилишда ўзларига хос меъёр ва шартлар қўйилган.

Мазҳаблар ичида ҳанафийлик урфни қабул қилиш борасида жуда кенг йўл очиб берган. Шу орқали у кишилар ичига кириб бориб, уларнинг қалбларидан чуқур жой эгаллаган ва деярли барча жойларда тарқалган.

*Ҳанафийликда шаръий ҳуқуқ манбаи сифатида истехсон, яъни энг маъқулини танлаш, жамият манфаатига мос янги қарорларни қабул қилиш кенг қўлланиши сабабини қандай изоҳлаш мумкин?*

Абу Ҳанифа раъй ва жамият ҳаётидаги ечимини топиш оғир бўлган ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш учун қиёснинг иккинчи тури бўлмиш истехсонни қўллаш йўлларини кўрсатиб берган.

Ҳаётда шундай ҳодисалар юз берадики, уларнинг қонуний ечими Қуръон, сунна, ижмоъда кўрсатилмаган бўлиб, қиёс орқали ҳал қилиш эса катта муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда Абу Ҳанифа энг мақбул йўл истехсон услубини танлаб, юз берган ҳодиса жавобини у билан ечганлар. Зеро, буюк олимлар таъкидлаганидек, «насслар (Қуръон ва ҳадис матнлари) чегараланган, аммо ҳодисалар ва юз бериб турадиган воқеалар чексиздир». Шунинг учун раъй ва қиёсдан, айниқса, истехсон услубидан фойдаланиш заруратга айланган. Акс ҳолда урф-одат асосида ҳаёт кечирадиган инсонлар кўплаб қийинчиликларга дуч келиши мумкин эди. Шундан келиб чиқиб, ҳадислардан бирида «мавжуд бўлмаган (йўқ ёки тайёр бўлмаган) нарсаларни сотманглар» дейилса ҳам, айрим ўринларда зарурат юзасидан, урф ва истехсон қоидасига мувофиқ боғ мевасидан ҳали ҳосил олмай туриб ёки кийим-кечак тайёрламай туриб, маҳсулотга олдиндан пул тўлашга рухсат берилган.

Бугунги кунда истехсоннинг амалий ҳаётдаги фойдасини яққол кўриш мумкин. Масалан, бирор киши ёки юридик шахс автомобиль заводи билан ҳали ишлаб чиқилмаган машиналарнинг пулини олдиндан тўлаб, сотиб олишга келишиши мумкин. Агар бу ўринда ушбу

муомала нассага хилоф десак ва истехсонга амал қилмасак, ҳар иккала томоннинг фаолияти тўхтаб қолиб, катта зарар кўришлари мумкин.

Қисқа қилиб, фақиҳ Абу Юср Паздавий ифодаси билан айтганда, истехсон оғир ҳолатни тарк этиб, одамлар учун қулай ва енгил бўлган ҳолатни танлаб олишдир.

*Ҳанафийликда ибодат масаласида кўпроқ имтиёзларга йўл очиб берилган, дейилади. Шу тўғрими ва буни қандай мисолларда кўриши мумкин?*

Ҳақиқатан ҳам ҳанафий мазҳаби бағрикенг ва муътадил мазҳабдир. У муомалот (одамларнинг ўзаро муносабат, мулоқотлари) соҳасида инсонларга қулайлик яратиши билан бирга ибодат масаласида ҳам ўзига хос енгилликларни яратиб берган. Исломот таълимотининг моҳиятидан келиб чиқиб, Қуръон ва суннадан кўзланган мақсадларни теран англаган ҳамда фақат оят ва ҳадис матнининг зоҳирига боғланиб қолмаган ҳолда шариат ҳукмларини чиқарган. Масалан, шофий мазҳабида кўра, эркак киши икки номаҳрам аёл орасидан ўтса, таҳорати синади, ҳанафий мазҳабида эса бу ҳолатда эркак кишининг таҳорати синмайди.

Ибодат масаласи мусулмонлар қалбида чуқур ҳурматга эга масала. Шунинг учун ҳам, унинг мусулмонларга қулай ва мос бўлиши кишиларнинг ҳар томонлама хотиржам ва ишонч асосида яшашларининг кафолати бўлади.

*Буюк аجدодларимиз ҳанафий мазҳаби ривожига қай дарарада ҳисса қўшишган?*

Ҳанафий мазҳаби ривожиди Марказий Осиё (Мовароуннаҳр) фақиҳларининг ўрни бекиёсдир. X-XII асрлар давомида Яқин Шарқ мамлакатларида шиалик тазйиқи остида сўниб борган ҳанафий марказларни Салжуқийлар, Усманийлар ҳукмронлиги даврида айнан

Мовароуннаҳр ҳанафийлари қайтадан тикладилар. Улар барча янги марказлар учун устоз бўлиб қолдилар.

XI-XIII асрларга келиб, фикҳ ривожии юксак поғонага кўтарилди. Қорахонийлар (999-1212) даври фақиҳлари шоҳ асарлар яратиб, ҳанафий мазҳаби классиклари мавқеига эришдилар. Ҳақиқатан ҳам Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳабининг «қалъаси» эди, десак адашмаймиз. Садрлар, ар-Риғдамунӣ, аз-Заранжарӣ, ал-Маҳбубӣ, ас-Саффор, ал-Ғаздавӣ, Самарқанд саййидлари, ал-Ҳайзоҳазӣ, ал-Ақилӣ, ал-Маргинонӣ оилалари илм ва ижтимоӣ ҳаётда кучли мавқега эга бўлдилар.

Ҳанафий мазҳаби IX асрда Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг иқтидорли ва машҳур шогирди бўлмиш Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг истеъдодли шогирдлари Абу Сулаймон Жўзжонӣ ва Абу Хафс Кабир Бухорӣларнинг шогирди Абу Бакр Жўзжонӣ хизматлари орқали Мовароуннаҳрга кириб келди.

Абу Хафс Кабир йирик фақиҳларни тарбиялаб, Бухоро шаҳрини, Абу Бакр Жўзжонӣ эса Имом Абу Мансур Мотуридӣ каби буюк алломаларни тарбиялаб, Самарқанд шаҳрини ислом ҳуқуқи марказига айлантирдилар. Шу билан Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳаби асосидаги фикҳ илмининг асосӣ марказларидан бирига айланди.

Мовароуннаҳр нафақат фикҳ илми, балки ислом ҳуқуқининг иккинчи манбаи ҳисобланган ҳадис маркази ҳам эди. Буюк алломаларимиздан Муҳаммад ибн Исмоил Бухорӣ, Имом ат-Термизӣ ва Имом ад-Доримӣ ас-Самарқандӣ каби олимлар ислом оламида машҳур бўлган ҳадис тўпламларини яратдилар.

Фикҳ ва усулул-фикҳ бўйича ҳанафий мазҳаби Марказӣ Осиёда ўзининг асосӣ ва йирик ҳомийларига эга бўлди. Қорахонийлар даври фикҳ илми ва ҳанафий мазҳаби ривожининг олтин даври эди. Ушбу даврда, манбаларда берилган маълумотларга кўра, 300 дан ортиқ фақиҳ истиқомат қилиб, 150 дан кўпроқ фикҳӣ асарлар,

жумладан, 20 та фатво китобларини битганлар, уларнинг мутлақ кўпчилиги ҳанафий мазҳаби асосида ёзилган эди.

Усул ал-фикҳ (фикҳ асослари, манбалари: Қуръон, ҳадис, ижмо, қиёс ва ш.к.) ҳанафий мазҳаби асосида юксак даражада ривожланди. Абу Мансур Мотуридий, Абу Йуср ал-Паздавий, Алоуддин Самарқандий, Абу Зайд Дабусий, Абул-Барақот ан-Насафий, Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд усул бўйича йирик муваффақиятларга эришиб, ўзларидан ўлмас шоҳ асарлар қолдирдилар. Уларнинг айрим асарлари ҳозирда ҳам жаҳоннинг кўплаб университетларида дарслик сифатида ўқитилади.

Фуруъул-фикҳ (фикҳ тармоқлари: ибодот – намоз, рўза ва ш.к., муомалот – никоҳ-талоқ, савдо-сотик ва ш.к.) бўйича Алоуддин Самарқандий («Тухфатул-фуқаҳо») ва унинг олима қизи Фотима, Абу Бакр Косоний («Бадоиъус-саноиъ»), Сарахсий («ал-Мабсут»), Қозихон («ал-Фатова») ва бошқа кўп фақиҳлар ўзларининг қимматбаҳо асарлари билан ҳанафий мазҳабини амалий ҳаёт билан боғлаб, соҳасини кенгайтirdилар. Имом Бурхониддин Маргиноний «ал-Ҳидоя» асари билан жаҳон миқёсида шуҳрат қозонди. Булардан ташқари, айрим аждодларимиз ўз ижодий фаолиятлари билан янги фанларга асос солишга муваффақ бўлдилар. Масалан, Абу Зайд Дабусий илмул-хилоф (қиёсий ҳуқуқшунослик) фанига, ал-Паздавий илмул-жадал (мунозара) илмига асос солдилар.

Шамсул-аимма Сарахсий Шайбонийнинг «ас-Сияр ул-кабийр» китобининг шарҳи исломда халқаро ҳуқуқ фани ривожига салмоқли ўринни эгаллайди. Аждодларимизнинг ҳанафий мазҳаби ривожига қўшган ҳиссалари шу қадар улғғирки, уларсиз ҳанафий мазҳабини том маънода ўрганиш мумкин эмас.

## Учинчи суҳбат

### ИСЛОМ ДИНИ НИҚОБИ ОСТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ОҚИМ ВА ФИРҚАЛАР

*Фирқа деганда нима тушунилади? Исломда  
дастлаб қандай фирқалар пайдо бўлган?*

«Фирқа» сўзи маълум бир тоифага нисбатан ишлатилади. Бошқа динларда бўлгани каби мусулмонлар ичида ҳам фирқалар бор. Пайғамбар алайҳис-салом айтганларидек, Ислом динида 73 та фирқага бўлиниш юз беради. Уларнинг биттасигина тўғри йўлда қолганлари эса, залолатда ҳисобланади. Қуръон оятлари ва ҳадислар фирқаларга бўлинмасликка буюради.

Исломда дастлаб пайдо бўлган фирқа хорижийлардир. Хорижийлар исломдаги илк диний-сиёсий оқим ҳисобланиб, халифа Али ибн Абу Толиб ва Муовия тарафдорлари билан халифаликда ҳукмронлик учун кураш кетаётган бир даврда вужудга келди. Улар халифа диний жамоа томонидан сайланади ва унга бўйсунди; ҳар қандай тақводор мусулмон (ҳатто, қул ёки ҳабаш бўлса ҳам) халифа бўлиб сайланиши мумкин; агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса вазифасидан бўшатилади ва ҳатто, қатл қилинади; эътиқод амалий фаолият билан мустаҳкамланиши лозим, деб ҳисоблашган. Эътиқодсиз ва гуноҳкор кишиларни жазолашда муржийлар (жазо муддатини кечиктиришни истовчилар) тарафдорларига қарши турганлар.

VIII аср иккинчи ярмига келиб бу оқим ўз раҳбарлари номи билан аталувчи Азрақий, Ибодий, Суфурий каби гуруҳларга бўлиниб кетди. Олимларнинг фикрича, ички бўлиниши ҳамда умавий ва аббосий халифалар томонидан VII–IX асрларда кескин қарши олиб борилган

кураш натижасида хорижийларнинг катта қисми қириб ташланди.

### *Салафийликнинг мазмун-моҳияти нимада?*

Ислом тарихи амалдаги сиёсий ҳокимият ва уни қўллаб-қувватловчиларни кофирликда айблаб, мутаассиб диний шиорлар билан сиёсий ҳокимиятга интилган янгидан-янги мутаассиб оқим ва жамоалар вужудга келганини кўрсатади. «Салафийлик» диний-сиёсий оқими шулар жумласидандир. Демак, «салафийлик» (арабча – «аждодлар») ислом тарихининг турли даврларида ижтимоий ҳаётни дастлабки мусулмонлар (ас-салаф ас-солиҳ) турмуш тарзига монанд равишда ўзгартиришни аниқлатади. Ушбу маънода дастлабки салафийлар Аҳмад ибн Ҳанбалнинг фикҳий мактаби тарафдорлари бўлишган.

«Салафийлик»нинг асосчиларидан бири Аҳмад ибн Таймия ҳисобланади. У гўёки, асрлар давомида исломга турли бидъатлар кириб қолганини иддао қилиб, жамият ва мусулмонларнинг кундалик турмуш тарзини Қуръон ва суннага асосланган ҳолда қатъий тартибга солиш зарурлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Ўз фатволаридан бирида у «давлатни шариат асосида бошқармаётган ҳукмдорга жиҳод эълон қилиш мумкинлигини» ёқлаб чиққан эди. Аҳмад ибн Таймия таълимотининг мафкуравий ва услубий тамойиллари кейинчалик турли мутаассиб гуруҳлар, хусусан, кўплаб диний-экстремистик ташкилотлар фаолияти учун ғоявий замин яратган «ихвончилик» ҳаракати етакчиларининг (XX аср) мафкураларига асос бўлиб хизмат қилди.

Салафийлар ислом жамият қурилиши ва давлатчиликнинг асоси бўлиши керак, деб ҳисоблаган ҳолда ҳокимият тепасига «ҳақиқий мусулмонлар»ни чиқариш учун фаол ҳаракат қилишни ташвиқ қилади. Бу йўлда «салафийлик»нинг замонавий етакчилари:

- одамлар онги, тафаккури ва турмуш тарзидан миллий кадрият ва урф- одатларни сиқиб чиқариш;

- шариат аҳкомларига кўр-кўрона амал қилинишини таъминлаш, амал қилмаганларга нисбатан қаттиқ жазо қўллаш;

- муқаддас жойларни зиёрат қилишни тақиқлаш;

- давлат қонунларини Қуръон ва сунна талаблари асосида ўзгартиришдек мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилмоқдалар.

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатларида ҳам юқоридаги каби ғоялар билан қуролланган салафийлик ҳаракати тарафдорлари фаолият олиб боришга интилаётганини таъкидлаш лозим.

### *Замонавий кўринишдаги кўплаб диний-экстремистик оқимлар «Мусулмон биродарлар уюшмаси» таъсирида шаклланганми?*

«Жамоат ал-ихвон ал-муслимин (арабча – Мусулмон биродарлар уюшмаси – МБУ) ташкилоти диний-сиёсий экстремистик ҳаракатлар орасида алоҳида ва ўзига хос ўрнини эгаллайди. Ушбу диний-сиёсий ташкилот 1928 йилда Ҳасан ал-Банно томонидан Исмоилия шаҳри (Миср)да ташкил этилган. МБУ мураккаб тузилишга эга бўлиб, унда суфий биродарлар ташкилоти ва ҳозирги замон Европа партияларининг унсурлари қўшилиб кетган. Уюшманинг асосчиси тарғиб қилган таълимот кейинчалик қатор ислом мафкурачилари (Саид Қутб, Мустафо Сибон ва бошқалар) томонидан ривожлантирилган.

МБУ фаолияти мафкура, қонун, ахлоқий меъёр ва бошқаларнинг ягона манбаи сифатида ислом қоидаларига асосланган «адолатли ислом жамияти»ни қуришга қаратилган. Бу мақсадга эришиш учун, МБУ раҳнамолари фикрича, «тараққиётнинг ислом йўли»дан бориш керак. МБУ хайр-эҳсон ва маърифатчилик фаолиятидан (1928–1936) то сиёсий ҳаётда террор усулини кенг қўллашда фаол иштирок этишгача бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди.



1949 йилда Ҳасан ал-Банно ўлдирилганидан кейин ташкилотда ажралиш юз бериб, бир қанча мустақил гуруҳлар ва ташкилотлар пайдо бўлди. 1954 йилда Мисрда бу ташкилотларнинг республика тартиб-қоидаларига қарши қаратилган фаолияти гайриқонуний, деб эълон қилинди. Лекин улар кейинги йилларда яширин фаолият юритиб, Президент Жамол Абдун-Носир ҳукумати ағдариб ташлашга бир неча марта уриндилар. 1970-йилларда Президент Анвар Садат даврида МБУ очиқ-ошкор фаолиятини яна кучайтирди. 1981 йилда Анвар Садат экстремистик гуруҳлар аъзоларидан бири томонидан ўлдирилгандан кейин, Мисрда МБУ фаолиятига чек қўйилди, раҳбарлари камокқа олинди.

Ўтган асрнинг 30-йиллари ўрталаридан бошлаб МБУ бўлимлари Мисрдан ташқарида ҳам вужудга келган эди. Ҳозирда МБУ ташкилотлари бир қанча мусулмон мамлакатларида мавжуд. Бу ташкилотларнинг фаолияти «ихвонийлар» («биродарлар») ҳаракати деган умумий ном олди. Ихвонийлар ҳаракати ўзининг ижтимоий-синфий таркиби ҳамда сиёсий ва ғоявий йўналиши жиҳатдан бир хил эмас. Бу ҳаракат ичида уч асосий йўналиш мавжуд. Булар: «мўътадиллар» – Миср мафкурасининг тарафдорлари («Ихвон ал-муслимин» номини олганлар); турли номдаги гуруҳларни ўз ичига олган ўнг экстремистлар ҳамда бир неча йирик халқаро ташкилотлар (масалан, 1950-йилларда Иорданияда ташкил топган «Ислом озодлик партияси» ва бошқалар); «ислом социализми» мавқеида турувчи «ислом демократлари»дир.

Ташкилот етакчиларидан бири Саид Кутб илк марта дунёвий ҳукумат ва ўзига қўшилмаган мусулмонларга нисбатан «такфир» (кофирликда айблаш)ни қўллаган ҳолда исломга умуман ёт бўлган амалдаги давлат тузумига қарши қуролли қўзғолон қўтариш амалиётини ёқлаб чиққан эди. Бу каби мамлакатда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга сабаб бўлувчи ғоялар

кейинчалик пайдо бўлган қатор диний-экстремистик ташкилотлар учун ҳам мафкуравий асос бўлиб қолмоқда.

XX асрнинг сўнгги йилларига келиб, диний уюшма сифатида очик фаолият юритган «Мусулмон биродарлар»нинг сиёсий қаноти терроризмдан воз кечиб, парламент типигаги партияга айланганини эълон қилди ва жамиятдаги таъсири янада кенгайиб борди. Бунинг натижасида умумараб диний ҳаракатига айланган «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг фаолияти ошқора сиёсий тус олди. 2011 йил 25 январда Мисрнинг пойтахти Қоҳирада бошланган йирик норозилик намойишлари, 11 февралда Президент Хусни Муборакнинг истеъфоси билан якунланди. Бунинг натижаеида, 2012 йил мамлакат президентини сайлаш учун бўлиб ўтган икки босқичли сайлов натижаларига кўра, «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг сиёсий қаноти ҳисобланган «Адолат ва озодлик партияси» раҳбари Муҳаммад Мурсий Миср президенти этиб сайланди. Президент этиб сайлангандан сўнг, Муҳаммад Мурсий ўзининг илк баёнотида, у нафақат «Мусулмон биродарлар» ҳаракати, балки мамлакатдаги барча мисрликлар учун президент эканини таъкидлаб, ташкилотни тарк этди.

Юқорида амалга оширилган таҳлил «Мусулмон биродарлар»нинг узок йиллар давомида олиб борган фаолияти Мисрда даврий равишда ижтимоий-иқтисодий бекарорликни келтириб чиқариши билан бир қаторда мусулмон дунёсига мансуб бошқа давлатларда радикал исломий ташкилотлар вужудга келишига мафкуравий ва ташкилий замин яратгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

*Қўнлаб террорчилик хуружларини амалга ошираётган «Толибон» ҳаракати фаолияти ҳақида нима дейиш мумкин?*

1990 йилларда Покистонда вужудга келган, фаолияти Афғонистон ва Покистонда кузатилаётган ушбу ҳарбий-сиёсий ташкилотнинг бош мақсади қайд этилган

худудларда «жиҳод» йўли билан ислом халифалигини тиклашдан иборат. Ҳаракатнинг асосий қисмини Афғонистоннинг жанубида истиқомат қилувчи пуштунлар ташкил этиб, уларни Муҳаммад Омар етакчилигидаги 30 нафар аъзодан иборат Раҳбарлик кенгаши бошқаради. Маълумотларга кўра, бугунги кунда штаб квартираси Покистоннинг Кветта шаҳрида жойлашган «Толибон» ҳаракати таркибига 6 мингдан 20 минггача жангари киради.

Покистоннинг Жанубий Вазиристон ва Шимоли Ғарбий чегара округларида мустаҳкам ўрнашиб олган ушбу ҳаракатга мазкур худудларда истиқомат қилаётган 2 миллионга яқин афғон қочоқлари жангариларни етказиб беради. Шунингдек, ушбу худудда турли мамлакатлардан тўпланган 2 мингга яқин террорчилар жойлашиб олганини ҳам қайд этиш зарур.

1996-2001 йилларда Афғонистонда сиёсий ҳокимиятни эгаллаб турган «Толибон» ҳаракати Афғонистон ислом амирлиги тузилганини эълон қилган эди. 1998 йили улар томонидан тузилган махсус «шариат миршаблари» ташкилоти эса намоз ўқимаган, ва ҳатто, соқолини тартибга солиб юрган фуқароларни жазолаш билан шугулланган эди. Толибонлар, шунингдек, телевизор, видеомагнитофон, фотоаппаратдан фойдаланишни тақиқлаб, теле ва радиостудияларни ёпиб қўйган эдилар.

Қайд этилган мисоллар ҳам мутаассибликнинг гайрининсоний қиёфасини тасаввур қилиш имконини беради. Афсуски, мутаассиб оқим ва гуруҳлар фаолияти туфайли дунёнинг турли нуқталарида бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишда давом этмоқда. АҚШ Давлат департаментининг маълумотларига кўра, 2006 йилда жаҳонда 14338 (2005 йили 11153) террорчилик ҳаракатлари амалга оширилган бўлиб, улар оқибатида 20498 (2005 йилда 14618 та) киши ҳалок бўлган. Қўпоровчиликлар оқибатида 1800 нафар ёш бола ҳаётдан кўз юмган ёки ярадор бўлган. Террорчилик ҳаракатларининг 45 фоизи Ироқда амалга оширилган.

Биргина 2009 йилда террорчилик хуружларидан азият чекаётган Покистон, Афғонистон ва Ироқда 20 мингдан зиёд бегуноҳ инсон ҳалок бўлгани эса унинг даҳшатли оқибатларини яққол намоён этади.

Маълумки, ислом ибодат масканларини чуқур ҳурматлашни ва асраб-авайлашни буюради. Бироқ дунё аҳли экстремистларнинг масжидларда ҳам террорчилик ҳаракатларини амалга ошираётганининг гувоҳи бўлмоқда. Террорчилар томонидан биргина 2006 йилда 350 та масжид вайрон қилиниб, 6630 марта одам ўғирланиши содир этилган. Шунингдек, 2009 йилда Покистондаги масжидларда 7 та террорчилик ҳаракати содир этилган. Оқибатда 366 та намозхон қурбон бўлиб, 901 киши жиддий жароҳат олган. Бу ва шу каби мисоллар исломни байроқ қилиб олган диний-экстремистик ҳаракатларнинг асл ислом ва унинг таълимотидан йироқ эканини кўрсатади.

БМТ маълумотларига кўра, биргина 2007 йилда Афғонистонда ҳар ойда 566 та террорчилик ҳаракатлари содир этилган ва жами 8000 дан зиёд одамнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган. 160 та террорчилик ҳаракати ўз-ўзини портлатиш усули билан амалга оширилган, яна 68 та шу каби қўпоровчиликнинг олди олинган.

Афғонистон маориф вазирлигининг маълумотларига кўра, толибонлар биргина 2007 йилда мамлакатда 98 мактабни ёқиб юборишган, 147 ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига зомин бўлишган. 236 маротаба ўқувчиларга хужум уюштирилган. 2007 йилда толибонлар Покистонда кизлар ўқийдиган 125 мактабни ёқиб юборишган. 2008 йил 12 ноябрь куни Қандоҳорда толибонлар дарсга бораётгани учун 15 нафар ўқувчи ва ўқитувчи устига кислота сепиб юборишган. Шунингдек, 2010 йилнинг март-май ойларида Афғонистонда толибонлар 5 та мактабда ўнлаб ўқувчи ва ўқитувчиларга заҳарловчи газ билан хужум уюштирганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Оқибатда юз минглаб ўқувчи болалар мактабга боришга қўрқиб, ўқишга бормай қўйган.

Қайд этилган далиллар ҳам «Толибон» ҳаракатининг гайрининсоний моҳиятини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

### *Акромийликнинг моҳияти нимада?*

«Акромийлик»нинг асосчиси – Акром Йўлдошев, 1963 йили Андижон шаҳрида туғилган. У 1990-йилларда «Ҳизбут таҳрир» диний экстремистик гуруҳи аъзоси бўлган.

Кейинчалик А.Йўлдошев «ҳизбут таҳрир»чилар билан келиша олмай, ундан ажралиб чиққан ҳамда «Ислом низоми», «Иззат ва шараф сари» ва «Халифалик» номли адабиётлардан фойдаланган ҳолда 12 дарсдан иборат «Иймонга йўл» рисоласини ёзиб, ҳаракат дастурини ишлаб чиққан.

Акромийлар исломий бошқарув шаклидаги давлатни барпо этишни ўзлари учун асосий мақсади қилиб белгилаганлар. Бунинг учун уларнинг фикрича, босқичма-босқич ҳаракат қилиш, аввал Фарғона водийсида халифалик тузуми барпо этиш ва кейинчалик уни минтақанинг бошқа ҳудудларига ёйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

«Акромийлар» ўз сафларига жалб қилинувчи шахсларга руҳий таъсир ўтказиш ва уларни гоаявий жиҳатдан бирлаштириш мақсадида фаолиятларини қуйидаги асосий даврлар (босқичлар)га бўлган ҳолда амалга оширишлари аниқланган:

- «Сирли» ёки «махфий» (ўз тарафига муносиб номзодлар жалб қилиш);

- «Моддий» ёки «иқтисодий» (иқтисодий ёрдам ва иш билан таъминлаш, топган фойдадан 1/5 қисмини жамоа учун «байтулмол»га ажратиш);

- «Маънавий» ёки «сиёсий» (гоаявий жиҳатдан қайта ишлов, дин ва сиёсатни қўшиб ўргатиш);

- «Узвий майдон» (тайёр бўлган аъзоларни «зарур» жойларга қўйиш, фаолият доирасини кенгайтириш);

- «Охират» ёки «тўнтариш» (асл ва асосий мақсад: вазият етилгач, мавжуд тузум ўрнига ўз ҳокимиятларини ўрнатиш).

Мазкур босқичлар махфий, ижро муддати қатъий белгиланмаган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, «акромийлар» ҳар бир тузилма учун, биринчи навбатда, молиявий асос яратилиши лозимлигини таъкидлаб, ўз ҳаракатларини ривожлантириш мақсадида «биродарлар» даромадининг 20 фоизидан тушадиган маблағлар жамғармасини ташкил этганлар. Жамғарманинг асосий қисми янги иш ўринларини ташкил этиш ва аъзолар сафини кенгайтиришга сарфланган.

1999 йилда А.Йўлдошев бошчилигида «акромийлар»нинг бир қатор раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилганидан сўнг, оқим фаолиятида тубдан ўзгаришлар юз берган. Шу даврга қадар «биродарлар»га «Иймонга йўл» китобидан сабоқ бериб келинган бўлса, эндиликда ушбу ўқув дарслиги йўқ қилиниб, дарслар оғзаки равишда, аммо кўрсатиб ўтилган китобнинг моҳияти бўйича олиб борилган.

Янги таҳрирда тайёрланган «Иймонга йўл» рисоласида фалсафий-мантиқий баён услуби танланган. Бундан диний ва дунёвий, хусусан, фалсафий илмлардан узоқ бўлган кишини мантиқ, ақлга оид мавҳум мавзулар олдида осон таслим қилишдек мақсад кўзланади.

### *Акромийлар қарашларининг юртимизда анъанавий ҳисобланган ҳанафий мазҳаби ва мотуридия таълимоти ақидаларига зидлиги нимада?*

Акромийларнинг қарашлари халқимизнинг асрлар давомида шаклланган диний кадриятларига бутунлай зиддир.

Буни «Иймонга йўл» китобининг 3-дарсида келтирилган қуйидаги фикр таҳлили мисолида ҳам кўриш мумкин:

«Иймон комил бўлиши учун, тилда айтилган нарса амалда тасдиқланмоғи шартдир».

Ҳанафий мазҳаби ва мотуридия таълимотига кўра, имон шарти 2 та: Аллоҳнинг бирлиги ва Муҳаммад алайҳис-салом пайғамбар эканига тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлаш. Имом Мотуридий «Имоннинг жойи қалбдир», деганлар. Буюк Ватандошимиз Абу Ҳафс Насафий айтадилар: «Имон Аллоҳ таоло ҳузуридан келган нарсаларга қалбдан ишониш ва уни тил билан иқрор қилишдир. Агар бандада шу икки шарт бўлса, у бемалол мен мўминман, дейиши мумкин». Демак, амалларни бажариш имоннинг шартига киритилмаган ва амалсиз одамни кофирликда айблаб бўлмайди.

Имом Мотуридий ушбу фикрларни ўз даврининг адашган фирқаларидан - хорижий, муътазила ва ҳашвийларга раддия сифатида асосли тарзда изҳор қилган эдилар.

Тарихда ана шундай адашган фирқалардан бири – хорижийлар ўз йўлларига юрмаган, қўзғолонларида иштирок этмаган мусулмонларни «имонсиз», «кофир» ҳисоблаб, улар билан уруш (жиҳод) олиб бориш керак, деб таъкидлаганлар.

Шу нуқтаи назардан караганда, «акромийлар» талқинидаги «имон» ҳам дин арконларини ғараз мақсадда талқин этиш ва уларнинг йўлларига юрмаганларни «кофир» деб аташ ҳамда уларга қарши курашиш зарурлигини асослашга дастак бўлиб хизмат қиладиган гоъялардан ҳисобланади.

### *Акромийлик гоъяларининг оз бўлса-да тарқалишига қандай омиллар замин яратган?*

Акромийлар ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида, тадбиркорлик билан шуғулланганлар ҳамда янги аъзоларни асосан қариндошлар ҳисобига ўзларининг савдо дўконлари, сартарошхона, новвойхона, дурадгорлик, кандолатчилик, косибчилик ва мебель ишлаб чиқариш цехларига ишга жалб қилиш орқали кенгайтиришга ҳаракат қилганлар.

Иш билан таъминлаш, молиявий муаммолар ечими учун «хोलис» моддий ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг асл мақсадларидан беҳабар одамларни ўзларига иқтисодий жиҳатдан боғлаб олишга ва ўз тарафдорларига айлантиришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг айрим тарафдорлари «Акром Йўлдошев ва унинг атрофидагилар бизни иш, яхши маош ва бепул овқатланиш билан таъминладилар», деб чет эл ахборот воситаларига интервьюлар берганидан бу ҳақиқатни англаб олиш қийин эмас.

Ўрганиш «акромийлар» ҳокимиятни қўлга олиш билан боғлиқ режаларини ҳаракатга ҳақиқий аъзо бўлмаганлардан сир тутганликларини, янги тарафдорлар эса, уларни сиёсатга алоқаси йўқ, деб билганлари боис сингдирилаётган фикрларга кўникиб бораверганликларини кўрсатади. Бу йўлдаги амалий даъват услуби бошқа диний мутаассиб гуруҳларникидан фарқли бўлиб, оммага мафкуравий тузоқ қўйишга асосланади. Акромийларнинг бу тамойилига кўра, мавжуд конституциявий тузумни ўзгартириш, ислом давлати қуриш каби гапларни гапириш шарт эмас, балки «ҳаётдаги барча муаммоларнинг ечими Қуръон ва ҳадисда», деб уқтирилса бас. Бу фикрдан «тўғри» хулосани одамлар ўзлари чиқариб олишларига бироз «ёрдамлашиб юборилса» етарли.

«Акромийлар» янги аъзоларга эртаю кеч мавжуд тузумнинг камчиликларини, ўзларининг гўёки сиёсатдан йироқлигини, кичик бўлса-да, ҳақиқий «биродарлар жамоаси» муҳитининг «гўзал» жиҳатларини уқтириб бориш орқали руҳий таъсир ўтказишга ҳаракат қилганлар.

«Ҳизбут таҳрир», «акромийлик» каби адашган фиркалар турли ташвиқотлар олиб боришларига қарамай, халқимиз орасида эътибор топа олгани йўқ. Чунки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мепинг умматим залолатда бирлашмас», деган ҳикматни бекорга айтмаганлар. Ўн тўрт асрдан буён эътиқодида мустаҳкам



бўлган халқни нотўғри йўлга бошлаш самарасиз кечиши турган гап.

Шундай бўлса-да, огоҳ ва ҳушёр бўлиш давр талаби бўлиб қолаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

### *«Таблиғ жамоаси»нинг ўзига хос хусусиятлари нимада?*

«Жамоати ат-таблиғ» («Таблиғ жамоаси») Ҳиндистонда Муҳаммад Илёс ибн Муҳаммад Исмоил Кандехлавий асос солган оқим ҳисобланади. Жамоа ўз даъватини Ҳиндистон жанубидаги Меват минтақасида бошлаган. Сўнг даъват Ҳиндистон ва Покистонга тарқалиб, ривож топган.

«Таблиғчилар» ҳар йили 40 кун мобайнида уйма-уй юриб ташвиқот ишларини амалга оширадilar. Улар исломнинг террорчи гуруҳлар эътироф қиладиган салафийлик йўналишидаги жиҳодчиларнинг мафкурасидан деярли фарқ қилмайдиган кўринишини тарғиб қиладilar. Улар кўча, тижорат дўконлари, қаҳвахона, клублар ва умуман кишилар тўпланадиган жойларни мунтазам айланиш, шу ерларда тарғибот олиб бориш ва йўлиққанларни ўз сафларига даъват қилишга интиладilar. Ўз гоъларининг амалий татбиғига жон-жаҳдлари билан киришган таблиғчилар бу йўлда ҳеч қандай анъана ва урф-одатга заррача эътибор бермайдilar. Зеро, уларнинг даъвосига кўра, «Исломий жамиятда даҳрий маданият ҳукм сураётган ҳозирги даврда умумэътироф этилган ижтимоий қондаларга аҳамият бермаслик зарур».

Жамоа ўзининг даъватчилик фаолиятида кўпроқ кишиларни хурсанд қилишга, мулойимликка ва кишилардаги намунали жиҳатларни бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилади. Таблиғчиларга кўра «биродарларнинг айбларини очиқчасига айтиш шарт эмас. Уларнинг қўлларига шундай кўзгу тутқазилиши керакки, натижада улар ўз айбларини ислоҳ қилишга киришсинлар». Улар фақирликда ҳаёт кечириш, дунёвий

бойликларни охират неъматлари олдида арзимас ходиса, деб ҳисоблашларини иддао қилиш йўли билан ҳам ўзларига хайрихоҳ кишиларни кўпайтиришга интиладилар.

Шунингдек, улар турли даражадаги раҳбарлар билан мулоқотда жамоа фаолиятини кенг тушунтириш ва тарғиб қилиш, маҳаллий уламолардан ва халқдан ўз ишларини ташкил этиш учун дуо олишга ҳам алоҳида эътибор берадилар.

Бу жамоанинг турли ҳудудларда тарқалиши сабаблари ҳақида гап кетар экан, унинг маҳаллий шароитга мослашувчанлигини таъкидлаш зарур. Масалан, ушбу оқим вакиллари мазҳаб жиҳатдан Арабистон ярим ороли марказида ҳанбалӣй, Ҳиндистонда ҳанафӣй мазҳабида бўлгани каби, ақидавӣй жиҳатдан Арабистон ярим ороли марказида асосан салафӣй, Ҳиндистонда эса, асосан ашъарӣйлар ҳисобланадилар.

Жамоа ғоялари ва фаолиятига турли уйдирмалар, заиф ҳадислар, ҳаёлий қиссалар асос қилиб олиниши баробарида шайхларнинг муқаддаслаштирилиши каби ҳодисалар ҳам ҳосдир. Хусусан, «Таблиғӣй нисоб» ва «Ҳазоили ҳаж» китобларида қайд қилинишича «Уларнинг наздида шундай олий мартабали инсонлар борки, уларнинг зиёрати Каъбаи мушаррафа зиёрати кабидир. Уларнинг зиёрати Каъба зиёрати ўрнини босади».

Жамоа даъволарига кўра, аёлларнинг ўрни уй ва бола тарбияси билан чекланмоғи лозим. Бундай қарашлар аёлни ижтимоӣй ҳаётдан юлиб олиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаёти ва амалӣй фаолиятини рўзғор доираси билан чеклашга қаратилгани билан хавфлидир.

Ушбу жамоа фаолияти ҳақида гап кетар экан, у Арабистон Ярим оролида XX асрнинг охириги ўн йилликларида тадрижий равишда тарқалганини ва катта шаҳарларда бир неча марказлари фаолият олиб борганини алоҳида қайд этиш зарур. Аммо унинг асл моҳияти маълум бўлгач, 1973 йили Саудияда бу жамоанинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида расмӣй қарор, 1977 йили

Фатво бериш доимий қўмитасининг фатволари чикди. Унинг фаолияти 1980 йилдан сўнггина тўхтатилди.

Мазкур ҳолат ҳам таблиғчилар фаолиятининг асл ва ўта хавфли моҳияти ҳақида хулосалар чиқариш имконини беради.

*«Таблиғчилар» фаолиятининг юртимиз учун хавфли жиҳатлари нималарда кўринади?*

Салафийликка асосланган ислом мафқурасини тарғиб қилиш ва унинг тарафдорларини кўпайтириш орқали исломнинг таъсирини бутун дунёга ёйиш ушбу оқимнинг асосий мақсади ҳисобланади.

«Таблиғчилар» жамоаси кўрсатмалари сўзсиз бажариладиган амир томонидан бошқарилади. Ташкилот бошқарувида амирдан сўнг асосий ўрин маслаҳат беришда муҳим аҳамиятга эга бўлган «шўро»га тегишлидир. Ундан кейин алоҳида олинган мамлакатдаги маҳаллий бўлинмалар туради. Ушбу бўлинмалар маҳаллий масжидларда ишлайдиган тажрибали ташкилот аъзоси - маҳаллий амир орқали бошқарилади.

Таблиғчилар ўз даъватларида «сиёсатдан сўз ва амалда четланиши лозим. Чунки, у ака ва укани бир-биридан айиради, мусулмонлар ўртасида адоват уруғини сепади ҳамда сиёсат билан шуғулланиш даъват ишини тўхтатиб кўйилишига сабаб бўлади», -деб таъкидлашни хуш кўрадилар. Шундан келиб чиқиб, мавжуд тузумни қўллаб-қувватламасликларни ҳам, унга қарши чиқмасликларини ҳам иддао қиладилар. Аммо ушбу оқим ғоялари ва фаолияти мазмуни жиддий таҳлил қилинса мутлақо бошқа хулоса келиб чиқади. Таблиғчилар таъкидича «Уларнинг бош мақсади шахсни ислоҳ қилишдир. Шахслардан эса, улар фикрича, жамият, бошлиқлар ва бўйсунувчилар шаклланади». Шу билан бирга, сўзда сиёсий тузулмалар фаолиятига аралашмасликни даъво қилсалар-да, амалда ҳар қандай муассасада ўзларининг шўроларини тузишга ҳаракат қилишларини ҳам инобатга оладиган бўлсак, уларнинг «сиёсатга аралашмаслик» ҳақидаги фикрлари

бир ниқоб, соддадил одамлар учун қўйилган тузоқ эканини англаб етиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, исломда Ватан ва миллатга хиёнат қилишлик, тинчликка, кишиларнинг осойишталиги ва хавфсизлигига раҳна соладиган террорчиликнинг барча кўринишлари бузғунчилик-фасод ишлардан саналади.

«Таблиғчилар» жамоасининг қарашлари ва фаолияти:

- ислом арконларини бажариш юзасидан кескин талабларни, жумладан, уларнинг назарида диний арконларни тўлиқ бажармаётган ёки нотўғри бажараётганлар, шунингдек, бошқа диндагиларга нисбатан тоқатсиз бўлишнинг тарғиб қилиниши;

- мамлакатимиздаги анъанавий ва маърифий исломга зид бўлган таълимотни тарқатишга интилиши;

- ҳар бир «таблғчи»нинг йилда бир ой, ойда уч кун, ҳафтада бир кунни даъватга ажратишга мажбур қилиниши ва бундай талаб оқибатида кўплаб оилаларнинг бузилиб кетиши;

- оқим даъватчиларининг ҳеч қандай илмий асосланмаган далилларни ҳам кишиларни исломга чақириш учун келтираверишлари ва бундай хатти-ҳаракатнинг кишиларда исломга нисбатан салбий дунёқарашнинг вужудга келтириши эҳтимоли;

- «Таблиғ» даъватчилари сафсаталарига учган кимсалар орасида террорчи ташкилотларга аъзо бўлиб қолганларнинг кўплиги каби сабабларга кўра юртимиз учун хатарли саналади.

***«Нурчилар» фаолияти ва асосий гояларининг ўзига хослиги ва зарarli жиҳатлари нимада?***

Туркияда вужудга келган ушбу диний ҳаракатга диний уламо Саид Нурсий (1873-1960) томонидан асос солинган. 1945 йилдан ташкилот сифатида шаклланган «Нурчилар» мафкурасининг асосини Саид Нурсийнинг (тахаллуси «Бадиуззамон» - «Замонанинг буюги, беназир») «Рисолаи нур» номи билан тўпланган диний-маънавий мазмундаги

асарлари ва Куръоннинг баъзи оятларига бағишланган тафсирилари ташкил этади.

Нурсий дунёвий давлат тузумига қарши бўлиб, атрофидагиларни мавжуд муаммоларни «исломга даъват этиш орқали ҳал қилиш»га чақирган. Унинг фикрича, «Рисолаи нур» вайрон этилган кичиккина хонани таъмир этмайди, балки вайронага айлантирилган ва буюк тоғлардек улкан тошлардан бунёд этилган ислом муҳити қалъасини таъмирлайди». Саид Нурсийнинг издошлари ислом қоидаларига зид равишда етакчиларининг асарларини «Аллоҳ назр қилган» деб ҳисоблашади.

Оқим вакиллари бошқа диний-экстремистик ҳаракатлар вакиллари каби ўзларига янги аъзони жалб этишда биринчи навбатда, «Нурчилар» жамоаси фаолияти сиёсатдан узоқ деган фикрни берадилар. Аслида, бу бир ниқоб бўлиб, уларнинг фаолияти негизида айнан сиёсатга аралашув ётади. Хусусан, ушбу диний-экстремистик ҳаракатларнинг адабиётларини ўрганиш:

- ислом давлат дини, деб эълон қилиниши ҳамда Куръон Конституциянинг асоси бўлиши керак;

- дунёвий ҳукумат фақат ижро ва муҳофаза функцияси билан чегараланиши зарур;

- ҳукумат фаолиятини махсус диний уламолар кенгаши назорат қилиши лозим;

- давлат мусулмон дунёсининг таркибий қисмига айланиши ва христиан дунёси билан алоқаларини қатъий чегаралаши шарт, деган гоялар уларнинг мафқурасининг асосини ташкил этишини кўрсатади

1969 йилда «Нурчилар» ташкилоти раҳбариятига келган Фатхулла Гюлен мазкур ҳаракатнинг фаолиятини кенгайтириб юборди. Унинг «Бизнинг вазифамиз исломий дунёқарашни шакллантириш, шунда мамлакатни ҳеч қандай жиҳодсиз қўлга оламиз», - деган фикрларида ташкилотнинг стратегик мақсади ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда «Нурчилар» 80 миллиард АҚШ доллари миқдорида капиталга,

шу жумладан, «Заман» медиа-холдинги, 500 дан зиёд фирма, 88 вақф, 80 дан ортиқ жамғарма, 500 дан зиёд компания, шунингдек, 35 мамлакатда 8 та университет ва 230 дан зиёд лицейга эгаллик қилади. Туркияда «Нурчилар» томонидан 20 мингдан зиёд диний мактаб ташкил этилган. Маълумотларга кўра, хорижий давлатлардаги таълим масканларининг очилишига жами бир миллиард икки юз миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланган, Ҳозирги кунда ҳам ҳар йили ўқув масканларининг ишини юритиш учун бир миллиард долларлик маблағ ажратиб келинмоқда. Манбаларда қайд қилинишича, ушбу маблағлар ортида айрим Ғарб ва мусулмон мамлакатларидаги сармоядорлар турибди. Шунингдек, ҳаракатга тегишли деб билинаётган «Азия Файненс», «Ишик» каби йирик суғурта компаниялари ва кўплаб фирмалардан тушаётган даромадлар ҳам уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Туркия хавфсизлик идораларининг таҳлилий маълумотларига кўра, давлат бошқаруви ва хавфсизлик органларига ҳам суқулиб кираётган, Туркия мафияси билан узвий алоқага эга бўлган ушбу ҳаракатнинг бош мақсади Туркия Республикаси Конституциясини бекор қилиб, ислом арконларига асосланган давлат тузиш ҳисобланади.

Ташкилот раҳбари Фатҳулла Гюлен 2000 йили унга нисбатан дунёвий давлатни шариатга асосланган «бутунжаҳон туркий иттифоқ»га айлантиришга қаратилган фаолиятда айбланиб, жиноий иш очилгандан сўнг АҚШга қочиб кетган.

«Нурчилар»нинг хорижда мактаб ва лицейлар ташкил этишдан асосий мақсади келажакда ўша давлатларга раҳбарлик қиладиган ва ҳаракатнинг гояларини қўллаб-қувватлайдиган «олтин ёшлар»ни етиштиришдан иборат.

Ҳозирги кунда «Нурчилар» диний ва иркий келиб чиқишидан қатъи назар, дунё халқларига ислом гояларини тарқатиш, ягона диний бирликни яратиш ва Аллоҳнинг

бирлигини исломий асосда инсониятга тан олдиришни ҳаракатнинг бош мақсади сифатида эътироф этмоқдалар.

Ўзбекистонда «Нурчилик» ҳаракати мустақилликдан сўнг Туркияга ўқишга бориб келган ҳамда юртимизда очилган турк лицейларида фаолият олиб борган ўқитувчи-эмиссарлар «таъсир доираси»га тушган ёшлар тимсолида намоён бўлди. «Нурчилар»нинг режасига кўра, 10-15 йиллардан сўнг улар мамлакатимизнинг йирик сиёсий арбоблари ва тижоратчилари бўлиб етишишлари керак эди. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар ва қўрилган чоратадбирлар натижасида бундай режаларнинг олди олинган эди. Аммо маълумотлар бугунги кунда ҳам ҳаракат вакиллари махфий тарзда турли ваколатхоналар, фирмалар, маданий-маърифий муассасалар ниқоби остида фаолият олиб боришга уринаётганликларини кўрсатмоқда.

### *«Тавба» ҳаракатининг экстремистик характери нималарда кўринади?*

«Тавба» экстремистик ҳаракатига Бокуда Ҳожи Абдулла Озарбайжоний асос солган. Ўзбекистонда ушбу ҳаракат 1991 йили Наманган шаҳридаги «Атоуллоҳ» масжиди қошида қирғизистонлик Йўлдош Турғунбоев, наманганлик Абдували Йўлдошев ва Исҳоқ Жабборов тимсолида фаолият бошлаган.

Ҳаракатнинг мақсади аҳоли орасида мутаассиблик ғояларини ёйиш, мавжуд конституциявий тузумга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, жангариларни ўқитиш, уларни моддий рағбатлантириб туриш, республикада ислом давлатини барпо этиш шиори остида ҳокимиятни террор йўли билан эгаллашдан иборат. Аксарияти Фаргона водийсидан бўлган йигитлардан тўпланган жангариларни, асосан, ўша пайтда Тожикистон ҳудудида жойлашган махсус лагерларда тегишли тажриба ва малакага эга мутахассислар ўқитганлар. Ҳаракат аъзоларининг ҳар бирига камида 11 кишини ўз қаторларига жалб қилиш мажбурияти юкланади.

Ҳаракат хориждаги йирик террорчи гуруҳлар маблағи билан таъминланиши аниқланган. Бундан ташқари, улар турли талон-тароҷ ва террор йўли билан топилган маблағ билан ҳам ўзларининг моддий эҳтиёжларини коплайди.

Юртимизда бу ҳаракатнинг юзга яқин аъзоси тезкор кўрилган чоралар асосида қўлга олиниб, ҳаракат фаолияти тугатилган, унинг Ўзбекистондаги кўзга кўринган вакили Абдували Йўлдошев эса ҳарбий амалиёт чоғида ўлдирилган.

### *«Туркистон ислом ҳаракати»га хос хусусиятлар нималарда кўринади?*

1996 йилда «Ўзбекистон ислом ҳаракати» номи билан ташкил этилган ушбу гуруҳ таркибига 1992-93 йилларда фаолияти тугатилган «Ислом лашкарлари» (Наманган), «Адолат уюшмаси» (Наманган), «Ўзбекистон Ислом уйғониш партияси», «Одамийлик ва инсонпарварлик» (Қўқон) каби қатор диний-экстремистик гуруҳларнинг фаоллари кирган.

Гуруҳнинг ҳаракат дастури қурол кучи билан Марказий Осиёда Кавказ ва Россия Федерациясининг Волгабўйи республикаларини ҳам қамраб оладиган «Буюк Ислом халифалигини» қуришга асосланади. Ҳаракат Ўзбекистондаги ички сиёсий вазиятни издан чиқариш учун восита сифатида кўпорувчилик, террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш ва турли итволар тарқатишдан фойдаланишга уриниб келмоқда.

Мазкур гуруҳ «ал-Қоида» ва «Толибон» ҳаракати каби террорчи ташкилотлар билан яқин алоқага эга. Гуруҳ жангарилари 1999 йили Тошкент шаҳри ва вилоятида, 2000 йили Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида, 2004 йили Тошкент ва Бухорода, 2005 йили Андижонда, шунингдек, 1999, 2000 ва 2006 йилларда қўшни Қирғизистонда, 2006 йили Тожикистонда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этган.

«Туркистон ислом ҳаракати» томонидан амалга оширилаётган террорчилик амалиёти, халқ орасида



фитна кўзгатиш, осойишта ҳаётга раҳна солиш, одамлар орасида ишончсизлик кайфиятларини уйғотиш йўлидаги уринишлар исломнинг моҳиятига мутлақо зиддир.

ТИҲ га хос хусусиятлар қаторида қуйидагиларни санаш мумкин:

- ташкилот 5–7 кишидан иборат кичик ячейка («жамоат»)лардан тузилган;

- «жамоат» аъзолари фаол жисмоний тайёргарлик билан шуғулланиб, «жиҳодни қилич билан» амалга ошириш зарур, деб ҳисоблашади;

- кўпурувчиллик ишларини амалга ошириш кўзланган мақсадга эришишнинг асосий йўли, деб эътироф этилади;

- фаолият ўта махфий тарзда олиб борилади;

- «машҳур» террорчи ташкилотлар билан узвий алоқалар ўрнатилган;

- аҳоли ўртасида Конституциявий тузумга қарши кайфиятни кучайтиришга интилади;

- тарғибот ишларига аҳолининг ижтимоий аҳволига қараб ёндашишга, ёшлар қаторидан, айниқса, қишлоқлардан тарафдорлар орттиришга алоҳида эътибор берилади;

- яширин «ҳужралар»да махфий ўқитиш орқали тарафдорлар сонини кўпайтириш, аёллар билан фаол ишлаш ва улардан тарғиботчилар сифатида фойдаланишга устувор вазифа сифатида қаралади.

*Мазкур гуруҳ аъзолари асл исломнинг моҳиятига зид бўлган гоёларни илгари суришади, дейишади. Бу нималарда кўринади?*

ТИҲга хос бўлган ва юқорида қайд этилган хос хусусиятларнинг мазмунига эътибор берилса, «Туркистон» ва «ислом» деган табаррук сўзларни ўз номида жамлаган ҳаракатнинг гоёлари ва фаолияти исломнинг моҳиятига бутунлай зид эканини англаш қийин эмас. Шундай бўлса-да, яна қуйидагиларни қайд этиш лозим.

Мазкур гуруҳ аъзоларининг иддаоларига кўра, қабрларни зиёрат қилиш, дунёдан ўтганлар руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилиш, қабр устига белги – қабртош қўйиш кечирилмас гуноҳ, деб ҳисобланади.

Муҳаммад алайҳис-салом ислом дини ёйила бошлаган даврда қабрларни зиёрат қилишдан қайтарганлар. Бутпарастликдан халос бўлиб, ислом мусулмонлар қалбига тўлиқ ўрнашгач, «Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, бас, энди уни зиёрат қилаверинглар, чунки унда сизлар учун ибрат бор», - деб таъкидлаган эдилар.

Муҳаммад алайҳис-салом ўз эмикдошлари Усмон ибн Мазъун вафот этганларида қабр устига бир харсангтошни қўйиб, «Шу ердан ўтганимда кўринса, эслаб ҳаққига дуо қилиб тураман», деган сўзларида ҳам шундай ҳикмат бор. Демак, динимизда қабртош қўйишликка шаръан руҳсат этилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, уларнинг гоёлари асл ислом аҳкомлари ва ҳанафийлик таълимотига бутунлай зиддир.

Ушбу ҳаракат вакиллари қарашларига кўра, мусиқа, театр, тасвирий санъат ҳам «бидъат» ҳисобланади.

Шу ўринда, уларнинг бундай даъволарига жавоб тариқасида бир ҳолатни алоҳида қайд этиш лозим. Исломи ҳеч қачон тараққиётга, инсон ақли билан эришилган ютуқларга қарши чиқмаган. Муҳаммад алайҳис-салом: «Кимда ким исломда яхши бир ишни пайдо қилса, унга ўша ишнинг савоби ва ундан кейинги шу йўлда амал қилганларнинг ҳам савоби камайтирилмасдан берилади», деб таъкидлаган. Мусулмонлар маъқул деб билган иш Аллоҳнинг наздида ҳам маъқулдир», деган ҳадис ҳам юқоридаги фикрларнинг ўринли эканини тасдиқлайди. Агар бундай диний мутаассибларнинг юқоридаги каби гоёларига амал қилинадиган бўлса, замонавий илмлар, бугунги кундаги техник ихтиролар ва фан ютуқлари, мусиқа, театр, тасвирий санъат билан бирга тафсир, ҳадис, араб тили грамматик коидалари (сарф-наҳв)дан, мактаб, мадраса, институт ва университетларга боришдан

воз кечишга тўғри келади. Мазкур ҳолатлар ҳам ушбу ҳаракат гояларининг асл ислом асосларига бутунлай зид эканини кўрсатиши баробарида унинг ҳар қандай тараққиётнинг душмани эканини исбот қилади.

*Диний экстремистик ҳаракатлар қандай кўринишида бўлмасин уларга хос умумий жиҳатларни ажратиш кўрсатиши мумкинми?*

Маълумки, дин асосларини бузиб талқин этган ҳолда сиёсий мақсад қўювчи ҳаракат диний экстремизмга олиб келади. Диний экстремизм қандай номланмасин ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимиятни қўлга киритишдир.

Умуман, «фанаатизм», «экстремизм», «терроризм», каби сўзлар том маънода ҳокимият учун курашувчи ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва оқимларга тегишли бўлиб, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган, уларга зид бўлган ҳаракатларни ифодалайди.

Ўз мақсадларига эришиш учун барча экстремистлар зўравонлик, яъни террорчилик ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан омма ичида кўркув пайдо қилиш ва ўзларининг кучларини кўрсатиш орқали ҳукуматга босим ва тазйик ўтказишга интиладилар.

Бу борада иқтисодни турли йўллар билан (диверсия, қишлоқ хўжалиги ва саноат манбаларини издан чиқариш) таназзулга учратиш орқали ҳукуматни кучсизлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Диний-экстремистик ташкилотларнинг реакцион гоялари ва қўпоровчилик фаолияти барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

Терроризм мамлакатлар иқтисодиёти, ўзаро инвестиция муҳитига ҳам жиддий зиён етказмоқда. Хусусан, АҚШ Конгресси томонидан тузилган Миллий комиссиянинг ҳисоботига кўра, биргина 2001 йил 11 сентябрда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари

АҚШ ва жаҳон иқтисодиётига бевосита 135 миллиард, билвосита 2 трилион доллар зарар етказган.

Айни пайтда, турли ташкилот ва оммавий ахборот воситаларининг имконияти ва «беғараз» ёрдамида гўё «мамлакатда фуқароларнинг виждон эркинлиги борасидаги ҳуқуқлари бузилмоқда ва диний эътиқод поймол этилмоқда» каби иддаолар билан ҳукуматни обрўсизлантириш ва аҳолининг унга бўлган ишончини йўқотишга интилиш ҳам диний экстремистик ҳаракатларга хос хусусиятлардандир.

Шу билан бирга, оз сонлик диний ташкилотларга қарши хужум уюштириб, ҳатто, уларнинг айрим раҳбарларини намоёйишкорона, жисмонан йўқ қилиш йўли билан содир бўладиган динлараро ва миллатлараро низо оқибатида беқарор вазиятни вужудга келтириш йўлидаги ҳаракатларни ҳам улардаги умумийликни кўрсатувчи ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Тарғибот ишларини мақсадли ташкил этиш йўли билан жамиятни зимдан исломлаштиришга ҳаракат қилиш орқали ижтимоий онгни керакли вақтда ўз ниятларини амалга ошириш учун осон йўналтириб юбориш йўлидаги ҳаракатлар ҳам уларни бирлаштиришини ва бундай хусусият очик террорчилик хуружларидан ҳам хавfli экани билан ажралиб туришини таъкидлаш зарур.

## *Тўртинчи суҳбат*

### **ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРЧИЛИК – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД**

#### *Мутаассиблик деганда нима тушунилади? Диний мутаассиблик деганда-чи?*

Диний мутаассиблик ўз қарашларининг шак-шубҳасиз тўгрилигини даъво қилиб, бошқа йўналиш ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда уларни тан олмаслик, дин асосларини бузишда айблашда намоён бўлади.

Мутаассиб мафкурачилар қаторида Аҳмад ибн Таймия (1263–1328), Солиҳ бин Фуазан, Ҳасан ал-Банно, Тақиюддин Набахоний, Саид Қутб (1996-1966), Абу Али Мадудий (1903-1977), Абдусалом Фароғни кўрсатиш мумкин. Уларнинг иддаоларига кўра:

- одамлар гўёки, яккахудоликка асло ширк келтирмайдиган «қутқарилган жамоа» (диний мутаассиблар бу жамоага фақат ўзларини киритадилар) ва ислом душманлари - кофирлардан иборат;

- яхудийлар, насронийлар, муртадлар (улар қаторига ҳатто қабри зиёрат қилган, туғилган кунини нишонлаган, замонавий кийим кийган, милодий календардан фойдаланган, ноисломий цивилизация ютуқларини мақтаган, замонавий қонунларга бўйсунадиган ва шу каби амалларга риоя қиладиган мусулмонлар киритилади) ва мунофиқлар ислом душманлари саналади. «Қутқарилган жамоа» ғояларига қўшилмаган мусулмонлар ва ҳукуматлар ҳам гўёки, кофир ҳисобланади;

- ҳақиқий мусулмонлар яккахудоликни жорий қилиш учун кофирлар (улар қаторига мусулмон давлатлари ҳукуматлари ҳам киритилади) билан қилич (қурол) жиҳоди шаклида уруш олиб бориши фарздор.

## *Экстремизмнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?*

Жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган, мурасасизлик ва мутаассибликка асосланган ғоялар «экстремистик» ҳисобланади. Диний экстремизм эса диний фирқалар ёки айрим диндорлар томонидан жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган ғояларни тарғиб қилиш ва шундай ғояларга мос келмайдиган фаолият олиб боришни англатади.

Марказий Осиёда диний экстремистлар минтақа халқлари учун анъанавий бўлган ҳанафий мазҳаби ва мотуридия ақидасини рад этиб, аҳоли онгига сиёсийлаштирилган ислом ғояларини сингдиришга уринмоқда.

Экстремистик ғоя ва ҳаракатлар барча динлар доирасида кузатилади. Хусусан, ислом ниқобидаги экстремизм ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради: биринчиси, уларнинг ақидасига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилия асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув мавжуд ҳукуматни ва у олиб бораётган сиёсатни кескин танқид қилиш учун «асос» бўлиб хизмат қилади. Иккинчи хусусият, улар гўё фақат «ҳақиқий» мусулмонлар ҳокимиятга келгач, барпо бўлажак «исломий тартиб»ни ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракат қилиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳаракатнинг қонунга мувофиқлиги масаласи эса улар томонидан умуман ўртага қўйилмайди. Зеро, улар фақат шариатга (бу ҳам уларнинг тор талқинида) таяниб иш кўрадилар ва гўёки исломдан чекинган ҳокимни ағдаришга ҳақлидирлар.

Ҳар қандай диний экстремизм каби «ислом» экстремизмининг «нозик» томони унинг «дин»га асосланганида, аниқроғи дин билан ниқобланганидадир.

## *Террорчилик деганда нимани тушуниш керак?*

Террор – (лотинча terror – кўрқинч, даҳшат) одамларни ўлдириб, жамиятда қўпоровчилик ҳаракатларини амалга ошириш билан хавф ва даҳшат тугдиришни англатади. Террорчилик ҳар доим диний ва инсоний меъёрлар, умуминсоний қадриятлар ва ахлоқий фазилатларга қарши қаратилгани учун энг огир ва ваҳшиёна жиноят ҳисобланиб келган.

Терроризм дин, миллат, элат ва чегара танламайди. Энг ваҳший, маданиятсиз ва инсоний ҳислатларини йўқотган ашаддий жиноятчилар бу қабиҳ ишга қўл урадилар. Террор узоқ ўтмишга эга бўлиб, сон-саноксиз бегуноҳ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиб келган. Ҳозирги кунларда терроризм янги шакл олиб, энг замонавий куруллардан фойдаланиш орқали амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда 500 га яқин террорчи ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг 80 фоизи ислом ниқоби остида фаолият юритади. Улар қаторига «ал-Қоида», «Ҳизбут-таҳрир», «ал-Жиход ал-Исломий», «ат-Такфир ва-л-Ҳижра» (Миср), «Абу Сайяф» (Филиппин), «Озод Ачех», «Лашкари жиход» (Индонезия), «Курулли исломий ҳаракат» (Жазоир) каби ташкилотларни киритиш мумкин.

Турли мамлакатларда юз бериб келаётган террорчилик ҳаракатлари, жумладан, 1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган воқеалар минтақа аҳолиси ва бутун башарият учун чалинган жиддий хавф-хатар қўнғироғи эди.

Юртбошимиз ўз вақтида БМТ Бош Ассамблеясида жаҳон ҳамжамияти диққатини бу муаммога қаратиб, кеч бўлмасдан халқаро миқёсда илдиз отиб бораётган бу хавф-хатар олдини олиб, таг-томири билан йўқотиш мақсадида халқаро миқёсда терроризмга қарши кураш марказини тузишга чорлаган эди. Ушбу воқеликдан келиб чиққан таклиф ўз вақтида амалга оширилганда

эди, албатта бир қатор қонли фожиаларнинг олди олинган бўларди.

2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда уч мингдан ортиқ бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлди. Терроризм бутун инсониятга қарши қаратилган, чидаб бўлмайдиган хатар манбаига айлангани яна бир марта амалда ўз исботини топди.

Бугунги кунда терроризмнинг:

- давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий тузум ва ички сиёсатни ўзгартиришга йўналтирилган сиёсий терроризм;

- ташкилот ва айрим шахсларнинг стратегик аҳамиятга эга мулклари, корхоналар ва иншоотларни қўлга киритиш орқали иқтисодиётни издан чиқаришга йўналтирилган иқтисодий терроризм;

- маълум миллат вакиллари ва миллий гуруҳларнинг бир ҳудудда яшайдиган бошқа миллат ва миллий гуруҳларга қарши қаратилган этник-миллий терроризм;

- давлат хизматчилари тартибсизлигини юзага келтиришга қаратилган ва жамиятнинг куч ишлатадиган тузилмаларини издан чиқаришга йўналтирилган функционал терроризм;

- айрим диний экстремистик гуруҳларнинг диний шиорлар остида ҳокимиятни эгаллаб олиш мақсадини кўзлаган диний терроризм;

- турли жиноятчи элементлардан иборат босқинчи гуруҳларнинг ўғрилик, талончилик ва босқинчилик орқали ҳукуматни обрўсизлантириш, жамиятда қўрқув ва ишончсизлик муҳитини вужудга келтиришга йўналтирилган жиноий (криминал) терроризм каби кўринишларда намоён бўлувчи турлари мавжудлигини таъкидлаш зарур.

Бугунги кунда диний экстремистик доиралар ўз мақсадларини амалга ошириш учун халқлар ўртасида биринчи навбатда миллатчилик ва диний айирмачиликни келтириб чиқариш ва шу йўл билан бир давлатда яшаётган



турли миллат вакиллари ўртасида миллий, диний ихтилоф ва низоларни вужудга келтиришга уринмоқда.

*Ҳозирги пайтда халқаро терроризм ҳақида кўп гапирилмоқда. Унинг ўзига хос хусусиятлари нимада?*

Бугунги кунда терроризм умумбашарий даражада жамият хавфсизлигига таҳдид соладиган ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларига эга бўлган йирик террорчилик гуруҳларидан иборат тизим сифатида шаклланганини, содда қилиб айтганда, халқаро терроризмга айланганини таъкидлаш зарур.

Халқаро терроризм турли давлатлар ҳудудида мустақил фаолият юритаётган террорчилик гуруҳларининг диний, этник ёки мафкуравий асосда йирик уюшмаларга бирлашувлари асосида шаклланиб боради. Мисол тариқасида 1998 йил феврал ойида Покистонда жойлашган шаҳарларнинг бирида Усама бин Лодин ташаббуси билан «Ал-қоида», «ал-Жиход» (Миср), «ал-Жамоа ал-исламия» (Миср), «Жамъият уламони Покистон», «Ҳаракат ал-ансор» (Покистон) ва «Жиход» (Бангладеш) гуруҳларининг «Яҳудий ва салбчиларга қарши бутун олам ислом fronti» («Ислом fronti») уюшмасига бирлашганликларини келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, халқаро террорчилик ташкилотлари муайян давлат ҳудудида фаолият юритувчи экстремистик гуруҳлардан бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Жумладан, халқаро террорчилик ташкилотлари томонидан илгари сурилаётган сиёсий шиорлар, белгиланган мақсадлар ва амалга оширилаётган кўпоровчилик ҳаракатлари хорижий давлат, икки ва ундан зиёд мамлакатлар ёки бутун бир минтақада беқарорликни келтириб чиқариш орқали сиёсий ҳокимиятни эгаллашга қаратилган бўлади. Масалан, юқорида номи зикр қилинган «Ислом fronti» уюшмаси мусулмон дунёсига мансуб давлатларда мавжуд тузумларни ағдариб ташлаш ва ягона

исломий давлат тузиши ўз олдига қўйган мақсадларидан бири сифатида эътироф этишини қайд этиш лозим.

Ўз навбатида, бундай ташкилотлар ягона мақсадга бўйсиндирилган террорчилик ҳаракатларини бир вақтнинг ўзида бир неча мамлакат ҳудудида амалга оширадilar. Хусусан, 2004 йилда «террорчилик байналминнали» «ал-Қоида» гуруҳи етакчилигида халқаро аксилтеррорчилик ҳаракатига қўшилган Саудия Арабистони, Туркия, Испания ва Ўзбекистон давлатлари ҳудудида қатор қўпоровчилик фаолиятини амалга оширди. Умуман эса, баъзи маълумотларга кўра, ҳозирги кунда «ал-Қоида» ташкилоти ўнлаб мамлакатлар ҳудудида фаолият юритади.

Айни пайтда, халқаро террорчи ташкилотлар турли давлатлар фуқароларидан ташкил топганини ҳам қайд этиш лозим. Масалан, Россия Федерал қўшинлари Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатлар чоғида Хаттоб, Абу Валид каби араб «дала командирлари» ҳамда қатор хорижий давлатлар фуқаролари бўлган шахсларни йўқ қилишди.

Шу билан бир қаторда, «террорчилик байналминнали» мавжуд ўқув базалари ва ҳарбий лагерларида турли давлатларда фаолият юритаётган террорчилик ташкилотлари учун жангарилар тайёрлаб беради.

Бундан ташқари, халқаро террорчилик ташкилотлари «ахборот уруши»нинг замонавий усул ва воситаларини қўллаган ҳолда ўз мафкураларини турли халқлар ва минтақалар ичида тарқатиш орқали ёлланма жангариларни жалб қилиш ва ёшлар ҳисобига сафларини кенгайтирадilar. Масалан, ҳозирги кунда интерент тармоғида «ал-Қоида» гуруҳи фаолияти ва умуман, диний-экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи 4000га яқин сайт ишламоқда.

Шунингдек, халқаро террорчилик уюшмалари бошқа террорчилик ташкилотларидан ўзларининг яхши йўлга қўйилган ташкилий тузилмаси, моддий маблағ, замонавий

қурол-аслаҳа ва алоқа воситалари билан таъминловчи ишончли манбаларга эгалиги билан ҳам ажралиб туради.

Халқаро терроризм учун турли давлатлар ва уларда истиқомат қилувчи аҳоли, халқаро ташкилотлар ва уларнинг вакиллари нишон бўлиб хизмат қилиши баробарида, бир вақтнинг ўзида бир неча давлатлар ҳудудида фаолият олиб бориш ҳам хосдир. Хусусан, 1990-йилларда «террорчилик байналминали»нинг фаолияти Босния ва Герцоговина, Сомали, Жазоир каби қатор давлатларда кузатилган бўлса, ҳозирги кунда халқаро террорчилик тизими Афғонистон, Ироқ, Шимолий Кавказ, Сурия, Ливия, Покистон (Жанубий Вазиристон вилояти) ҳудудида фаол ҳаракат олиб бормоқда.

### *Ҳозирги замон ислом ниқобидаги экстремизмнинг «назарийтчи»лари қимлар?*

Аҳмад ибн Таймия (1263–1328) ислом ниқобидаги экстремизмнинг биринчи назарийтчиси, «бобокалони»га айланиб қолди. 1981 йил баҳорида Мисрнинг «Маю» номли ҳафталик газетаси Ибн Таймия ва унинг шогирдлари асарларини Миср ёшларига энг кўп салбий таъсир қилувчи, мусулмонлар ўртасида зиддият уругини сочувчи, ислом йўлида сиёсий ҳокимиятни зўрлик билан эгаллашни асослаб берувчи манба сифатида кўрсатган эди. Исломшунос олим Э.Сиван таъбири билан айтганда, Ибн Таймиянинг «революцион» гояларини кейинчалик бир неча диний-сиёсий ҳаракатлар кенгайтириб, исломда энг радикал таълимотни яратдилар.

Агар Ибн Таймияни ислом ниқобидаги экстремизмнинг гоявий «бобокалони» деб ҳисоблаш жоиз бўлса, «Мусулмон биродарлар» ҳаракатининг раҳбари Ҳасан ал-Баннони (1906–1949) унинг отаси дейиш мумкин. Ҳасан ал-Банно «ислом давлати» гоясини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, сиёсат ва дин бир-биридан ажралмасдир, чунки ислом бу – «имон ва жамият, масжид ва давлат, бу дунё ва у дунёдаги ҳаёт» демакдир. Пировард мақсад

эса умумжаҳон ислом давлати – мусулмон миллатлари федерациясини тузишдир.

«Мусулмон биродарлар» ҳаракатидан етишиб чиққан Саид Қутб (1906–1965) ҳозирги замон ислом ниқобидаги экстремизмнинг асосчиси деб тан олинган. Ўтган асрнинг 50–60-йилларида Миср қамоқхоналарида жазо муддатини ўтаган Саййид Қутб ўзининг янги «назария»сини эълон қилди. Унга кўра, ўзини мусулмон деб ҳисобловчиларнинг аксарияти аслида мусулмон эмас ва дунёдаги барча давлатлар исломга қаршидирлар. Бу «фикрлар» Саййид Қутбнинг қамоқхонада ётиб ёзган «Қуръон соясида» («Фий зилол ал-Қуръон») ва «Йўл кўрсаткичлари» («Маъолим фи-т-тариқ») номли китобларида баён этилган.

Ҳозирги замон ислом ниқобидаги экстремизм юқорида зикр этилган таълимотларга таянсада, бугунги кунда ўзига хос талқин ва ёндашувлар мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Буни ҳозирги вақтда сўл ислом оқимларининг умумий ғоявий уюшмаси сифатида Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешда (1971 йилдан) фаолият олиб бораётган «Жамоати исломий» мисолида ҳам кўриш мумкин. «Жамоати исломий»нинг назарий дастурини покистонлик Абул Ало Мавдудий (ваф. 1981й.) ишлаб чиққан. Партиянинг уставига кўра раҳбарият таркиби исломий принцип – мушовара (маслаҳат) асосида тузилади. Ташкилотни барча аъзолар томонидан сайланадиган амир бошқаради. Партияга аъзолик чегараланган: унга «шахсий ва ижтимоий ҳаётда шариат қонунарига қатъий риоя қиладиган», синов муддатини ўтаган ҳамда қасамёд қилган шахслар қабул қилинади. Мавдудий таъбири билан айтганда, гўё Покистоннинг атиги 4–5% аҳолиси ҳақиқий мусулмон ҳисобланиши мумкин. Шу боисдан, партиянинг тўла ҳуқуқли аъзолари сони унча катта эмас (2500–3000), аммо унинг асосий кучини беҳисоб «тарафдорлар» ва «хайрихоҳлар» ташкил этади. «Жамоати исломий» ижтимоий жиҳатдан зиёлилар, талабалар, кичик мулкдорлар ва шаҳар қуйи табақалари

ҳамда ҳарбийларнинг консерватив тоифаларидан таркиб топган. Партиянинг асосий мақсади – ислом давлатини тузишдир. Бундай давлат тузумини Мавдудий «теодемократия» деб атагани ва у «янги типдаги (яъни унинг ўзига ўхшаган) уламолар томонидан бошқарилиши керак». Мавдудий вафот этгач, партиёга Миан Тофаил Муҳаммад, Фафур Аҳмад ва Мавдудийнинг ўғли Мавлоно Фаруқий Мавдудийлар раҳбарлик қилмоқда.

Юқорида қайд этилган мулоҳазалар замонавий экстремизм экстремистик ғояларнинг «классиклари» асарларида баён этилган қарашларга мустаҳкам таянаши баробарида ўзгариб бораётган воқеликка мослашишга ҳаракат қилаётганини кўрсатади.

*Диний экстремизм асосан араб мамлакатларида шаклланган экан, ушбу давлатларда уларга қарши қандай чоралар кўрилган?*

Араб давлатларида ислом байроғи остида фаолият кўрсатаётган экстремизмга қарши кураш бўйича жиддий чоралар кўрилган ва кўрилмоқда. Барча араб давлатларида экстремизм ва терроризмга қарши кураш соҳасида махсус қонунлар қабул қилинган. Уларда деярли барча мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги қонунчилигига хос умумий жиҳатлар билан бир қаторда, муайян ўзига хосликларни ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Миср Араб Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунида террорчилик жиноятларига нисбатан даъво муддатининг чекланмаслиги, ушбу жиноятга нисбатан назарда тутилган жазо ҳеч қачон зиммадан ҳоли бўлмаслиги ҳамда жиноят процессуал кодексида назарда тутилган иш устидан шикоят қилишга оид нормалар террорчилик жиноятларига нисбатан қўлланилмаслиги ҳақидаги қоидалар мавжуд.

Маълумки, «Ислом fronti», «Ислом жамияти ҳаракати», «Уйғониш ҳаракати» каби диний-сиёсий партиялар фаолияти натижасида Жазоирда фуқаролар уруши келиб чиқди. Оқибатда кўплаб бегуноҳ одамлар

ҳалок бўлди, мамлакатдаги барқарор тараққиёт издан чикди. Мазкур партиялар ўзларининг сиёсий мақсадларига эришиш йўлида масжидлар ва уларнинг имомларидан фаол фойдалангани 2007 йилда Жазоирда имомларнинг сиёсий аҳамиятга эга иш билан шуғулланишларини тақиқловчи қонун қабул қилинишига олиб келди.

Иордания Ҳошимийлар Қироллигининг 2006 йилда қабул қилинган «Терроризмнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонунида эса террорчиликка қарши курашда фуқароларнинг бурчи масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, «Бошқа қонун ҳужжатларида қандай ҳолат кўзда тутилганидан қатъи назар, Қироллик ичида ёки унинг чегараларидан ташқарида унинг фуқаролари ва манфаатларига қарши террорчилик хуружини режалаштираётган шахс ҳақида билган ёки террорчилик фаолиятига оид маълумотга эга бўлган ҳар бир киши бу ҳақда Бош прокурор ёки хавфсизлик идораларига маълум қилишга мажбурдир», - деган қоида мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлаш зарур.

Айни пайтда, дунё бўйича экстремизмнинг реал хавфи ортиб, кўлами кенгайиб борган сари унга қарши қаратилган чора-тадбирлар деярли барча мамлакатларда кучайиб бораётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, араб давлатлари терроризмга қарши биргаликда кураш масаласига ҳам алоҳида эътибор беришга мажбур бўлмоқда. Мазкур йўналшдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида 1998 йилда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги араб давлатларининг шартномаси қабул қилингани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Шунингдек, араб давлатлари томонидан экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг долзарб масалалари бўйича учрашув, мулоқот ва конференциялар доимий асосда ўтказилиб, тегишли амалий чора-тадбирлар белгилаб борилаётганини ҳам таъкидлаш зарур. Жумладан, араб давлатларининг терроризмга қарши кураш бўйича масъул идоралари раҳбарларининг 2009 йил 22 июнда

Тунисда бўлиб ўтган 12-конференциясида террористик ташкилотларни интернет орқали молиялаштиришга чек қўйиш, аъзо давлатлар қонунчилигини мазкур йўналишда такомиллаштириш, террорчилик амалиётларини содир этган ва жазони ўтаётган маҳбуслар билан олиб бориладиган профилактика ишларини кучайтириш бўйича келишиб олинди.

*Қуръон оятлари, ҳадислар ва аллома  
аждодларимиз асарларида экстремизм ва  
террорчиликка қандай муносабат билдирилади?*

Кишиларнинг осойишталиги ва хавфсизлигига раҳна соладиган террорнинг барча кўринишлари бузгунчилик-фасод ишлардан саналади. Қуръондаги («Бақара», 205) «Аллоҳ эса бузгунчилик – фасодни севмайди» деган фикрлар исломнинг террорга бўлган ўта салбий муносабатини белгилайди.

Мутаассиблик, экстремизм ва террорчилик одатда бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишига олиб келади. Қуръонда эса бундай ҳолатлар «Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузгунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир» («Моида», 32) дея қатъий қораланган.

Имом Бухорий ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз «Мусулмон киши шуки, унинг тилидан ва қўлидан мусулмонлар озор чекмайдилар», – дея марҳамат қилганлар. Бу ҳадисда тилдан етадиган озор қўлдан етадиган зарардан аввал зикр этилмоқда. Чунки қўл билан бошқаларнинг фақат бу дунёси – саломатлиги, онласи, мулкига зарар етказилса, тил билан – инсонларни турли бузгунчи ғояларга таргиб қилиш орқали тўғри йўлдан чалғитиб, икки дунёсини барбод этиш мумкин. Бундан англашиладики, Пайғамбаримиз кишиларга қандай шаклда бўлмасин озор етказиш катта гуноҳ эканини таъкидлаганлар.

Тарихий манбаларда ислом байроги остида қароқчилик қилган гуруҳлар ҳақида кўп маълумотлар келтирилган.

Бундай гуруҳлар, уларнинг раҳбарлари ва намояндалари ўз даврининг уламолари асарларида лаънатлаб тилга олинган. Хусусан, XI-XII асрларда яшаб ижод этган йирик мусулмон мутафаккири Муҳаммад ал-Ғаззолий экстремистларни «диндан фойдаланган ҳолда кишиларга ҳужум қиладиган катта йўлдаги қароқчилар», деб атаган эди.

Юқоридаги мисоллардан ҳам исломнинг асосий манбалари ва буюк мутафаккирлар асарларида инсон ҳаётига тажовуз қиладиган, жамият тараққиётига таҳдид соладиган экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўриниши қатъий қораланганини англаб етиш мумкин.

### *Диний экстремистик ҳаракатлар Ўзбекистонга қачондан бошлаб ўз «ғоя»ларини олиб кира бошлаган?*

Мутаассиблик реакцион диний-сиёсий оқимларнинг қуролидир. Афсуски, муайян кўринишда у Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди. Биринчи бўлиб «вахҳобийлар» номи билан маълум бўлган жамоа 1989 йили Наманган шаҳридаги «Отавалихон» масжидини ўзларига қароргоҳ қилиб олди. Сўнг 1989-1990 йилларда Қўқон ва Андижон шаҳарларидаги жоме масжидларини зўравонлик йўли билан эгалладилар. 1995 йили бу иккала масжид фаолияти адлия идоралари томонидан тўхтатилгач, улар республика бўйлаб ёйилиб кетдилар. Улар узун сокол ўстириш, намозда икки оёқни кенг кериб туриш, кўлларни кўкракка боғлаб туриш, баланд овозда «омин!» дейиш билан ҳанафий (Имом Аъзам) мазҳабидагилардан фарқланиб турадилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, табиийки, давлатга кириб-чиқишнинг халқаро қоидалари татбиқ қилина бошлади. Натижада элимизга яхшилар қатори маҳаллий анъаналаримизга зид бўлган турли ёт ғояларнинг ҳам кириб келиши содир бўлди. Бундай ғоялар даъватчилари тузоғига нафақат саводи йўқлар, балки мактаб-мадраса сабоғини олган ёшларнинг ҳам тушиб қолиш ҳолатлари юз берди.



Маълумки, «бидъат» масаласида, яъни динга кириб келган янгиликка нисбатан олинганда, тўрт мазҳабнинг энг «юмшоғи» ҳанафий, энг «қаттиги» – ҳанбалий мазҳаби ҳисобланади. Сохта салафийлар эса ҳар қандай янгиликни тамоман рад этади.

Улар Ўзбекистон мустақиллигини кўра олмайдилар, Ўзбекистон халқининг тинч-осуда ҳаёти, бунёдкорлигини «ҳазм» қилолмайдилар. Улар коммунистик мафкура барбод бўлгач, ҳосил бўлган «бўшлиқ»ни эгаллаш учун тиш-тирноқлари билан тиришдилар. Уларнинг «ғоя»лари ҳам худди коммунистларники каби «революцион»дир, услублари ҳам большевикларники каби ағдариш, тўнтариш, қонга белаш. 1997 йил декабрида Наманган шаҳрида содир бўлган қотилликлар уларнинг «иш» услубларини яққол намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов биринчи қақриқ Олий Мажлис XI сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «...уларнинг биринчи режаси маъмурий, ҳуқуқ ҳимоясида турган ташкилотлар: милиция, прокуратура ва шунга ўхшаган ҳокимият ходимларини ўлдириш билан одамларни қўрқитиш бўлган. Ундан кейин бизнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган иншоотларни портлатиш, нон, сут етказиб берадиган, одамларни иш билан банд қиладиган корхоналарни, иморатларни портлатиш...»

Президентимиз бу «бало»нинг қаердан келаётганига ҳам аниқ ишора қилди: «Наманганга четдан таъсир бўлмаса, ўз-ўзидан шундай тажовузлар юз берармиди? Бу қонхўрлар кимнинг мактабида ўқиган, кимдан маблағ олган, ким уларни қурол билан таъминлаган, ота-оналарининг бепарволигидан фойдаланиб, ёш йигитларни ким Тожикистонга ёки Афғонистонга ва Покистонга олиб борган?»

Юқорида айтилганлардан маълум бўладикки, бу каби диний экстремистик ташкилотлар ўзларининг разил ҳаракатларини олдиндан белгиланган режа асосида ва аниқ мақсадларни кўзлаб амалга оширадилар.

## *Диний экстремизм ва терроризмнинг Ўзбекистонга таҳдиди нималардан иборат?*

Мутаассиблик қатор давлатлар каби Ўзбекистонга ҳам таҳдид солмоқда. Шунинг учун ҳам, Президент Ислам Каримов доимо Ўзбекистон фуқароларини диний мутаассиблик ва экстремизм хавфидан огоҳ бўлишга, ҳушёр бўлишга даъват этиб келмоқда. Жумладан, Юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида мутаассиблик келтириб чиқариши мумкин бўлган таҳдидлар батафсил таҳлил қилинган. Хусусан, бундай таҳдид энг аввало, мутаассибларнинг диндор мусулмонларнинг ислохотчи давлатга бўлган ишончини йўққа чиқаришга уринишларида намоён бўлиши таъкидланган.

Айни пайтда, мутаассибликнинг таҳдиди мамлакатимизда бошланган ислохотлар муваффақиятининг гарови – сиёсий барқарорликни, миллий, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузишга, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли давлатни обрўсизлантиришга уринишда намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, мутаассибларга кўр-кўрона эргашаётганлар – уларнинг иродасиз кули бўлиб қолаётгани ҳам таҳдид солаётганини қайд этиш лозим. Чунки, экстремистик ташкилотлар ўз аъзоларига умумий мақсад йўлидан асло чекинмаслик, ўз молидан ва ҳатто, жонидан кечиш мажбуриятини юклайди ҳамда қасам ичиради. Натижада, улар ташкилотнинг шафқатсиз ва мутаассиб жангарисига айланади.

Мутаассиблик фуқароларни «ҳақиқий» ва «сохта» диндорларга ажратиши билан ҳам таҳдид солмоқда. Бунинг қандай оқибатларга олиб келиши Афғонистонда содир бўлаётган воқеалардан бизга маълум.

Юқоридагилар билан бир қаторда мутаассибликнинг таҳдиди мусулмон ва мусулмон бўлмаган мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида Ўзбекистон ҳақида

кўнгилсиз фикрларни тарқатишга, омманинг онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммоларни ҳамда зиддиятларни ҳал этишнинг универсал воситасидир, деган ақидани қарор топтиришга уринишда ҳам намоён бўлишини таъкидлаш зарур.

### *Диний экстремистик ҳаракатларни бошқа динлар доирасида ҳам учратиши мумкинми?*

Дарҳақиқат, юқорида билдирилган мулоҳазалардан экстремистик ҳаракатлар фақат ислом байроғи остида амалга оширилаётган экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Зеро, христиан динининг баъзи секталарига асосланган кўплаб диний экстремистик ҳаракатлар ҳам мавжуд. Айниқса, «иеговочилар», харизматик секталар, «ташаббускор баптистлар» фаоллигини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, «ташаббускор баптистлар» умуман қонуний ҳокимият ва дунёвий қонунларни тан олмайдилар. Уларнинг фикрича, гўё черков давлатдан юқори туради. Пятидесятникларнинг баъзи гуруҳлари эса ўз тобеларини ўта шафқатсизлик билан адо этиладиган ибодатларга зўрлайдилар ва дунё неъматларидан батамом воз кечиб, таркидунёчилик билан яшашга даъват этадилар.

Диний экстремизм ёки ашаддий мутаассиблик турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин: айтайлик, Ольстер (Ирландия)даги «ультра» протестантлар, Яқин ва Ўрта Шарқдаги «мусулмон биродарлар», Марказий Осиё ва Кавказда пайдо бўлган экстремистик ҳаракатларнинг жамият ҳаётини издан чиқариш йўлидаги уринишлари, амалдаги қонунчиликни тан олмасликка интилишлари, мавжуд сиёсий тузумга қарши кураши деярли бир хил услубда олиб борилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан экстремистик ҳаракатлар барча динлар доирасида мавжуд, деган хулоса келиб чиқади.

## *Бешинчи суҳбат*

### «ҲИЗБУТ-ТАҲРИР» ДАЪВОЛАРИГА РАДДИЯЛАР

#### *«Ҳизб» деганда нима тушунилади?*

«Ҳизб» арабча сўз бўлиб, лугавий маъноси партия ёки фирқадир. Кўплиги «аҳзоб», партиялар ёки фирқалар деган маънони ифодалайди. Бу ном замонавий партияларга ҳам, диний оқимларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, «ал-Ҳизб аш-шуйуъий» («Коммунистик партия»), «ал-Ҳизб ал-Ватаний» («Миллий партия»), «Ҳизбуллоҳ» («Аллоҳнинг партияси»).

Шу ўринда Қуръоннинг бирор бир оятида исломий асосда ҳизб (партия) тузишга даъват йўқлигини қайд этиш зарур. Киши Аллоҳга ва унинг Расулига имон келтириш билан мусулмон бўлади ва мусулмонлар қаторидан жой олади. Бунинг учун у қандайдир исломий деб даъво қилинаётган, аслида эса сиёсий ташкилот бўлган партияга аъзо бўлиши, унинг йўлида қасам ичиши шарт қилинмайди.

Ҳизбларга бўлиниш, фирқалар ташкил этиш исломга, мусулмонларга фақат зарар келтириши Қуръони каримда кўп марта таъкидланган. Жумладан, «Анъом» сурасининг 153-оятида «Мана шу (дин) менинг тўғри йўлимдир, бас сизлар унга юринглар ва (бошқа ҳар хил) йўлларга юрмангларки, у йўллар сизларни Худонинг йўлидан жудо қилур», - деб уқтирилади. Шундай бўлса-да, юқорида таъкидланганидек, қатор экстремистик ҳаракатлар номларида «ҳизб» ва «ислом» сўзларини учратиш

мумкин. Улардан бири «Ҳизбут-таҳрир» («Ислом озодлик партияси»)дир.

### «Ҳизбут-таҳрир» қачон ташкил топган?

Турли мурасасиз, мутаассиб оқимлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр кишиларни ўз тузоғига илингириб, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринадилар. Натижада динларнинг, хусусан, ислом динининг асл моҳияти – эзгулик, тинчлик ва оқибат эканини унутиб, уни бузиб талқин қила бошлайдилар. Ана шундай гуруҳлардан бири Аллоҳнинг Каломи – Қуръонни, Пайғамбаримиз суннатларини ҳамда ҳаётий ҳақиқатни бузиб талқин қилувчи ва халифаликни тарғиб этувчи «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» ташкилотидир.

«Ҳизбут-таҳрир»нинг ватани – араб дунёсидир. Унга 1928 йилда Мисрда ташкил топган «Мусулмон биродарлар» экстремистик ташкилотидан ажралиб чиққан Тақиюддин Набаҳоний 1953 йилда асос солган. «Ҳизбут-таҳрир»нинг мақсади VII асрда ташкил этилган халифаликни, яъни бутун ҳокимият халифа қўлида тўпланган теократик давлат тузумини барпо этишдир. Бунинг маъноси – барча мусулмонлар яшовчи ҳудудлар ягона давлатга бирлашиши ва ягона ҳукмдор – халифа томонидан бошқарилиши лозим.

Хўш, XXI асрда VII асрдаги халифалик давлатини тиклаш мумкинми ўзи? Бугунги воқелик бу саволга ҳам диний, ҳам сиёсий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда – йўқ, деб жавоб қайтаради. Нима учун?

Манбаларда қайд этилишича, Пайғамбар Муҳаммад алайҳис-салом мендан кейин халифалик ўттиз йил давом этади, сўнг турли амирликлар ва подшоликлар пайдо бўлади, деган эканлар. Амалда шундай бўлди ҳам. Халифалар Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алилардан сўнгги ҳукмдорлар ўзларини халифа деб атаган бўлсалар-да,

аслида ё амир, ё подшо бўлганлар. Муҳаммад алайҳис-саломга халифа (Ўринбосар) – мусулмон жамоасининг ҳам диний, ҳам дунёвий раҳбари Пайгамбарнинг вафотидан сўнг исломдан қайтиш юз бермаслиги учун зарур бўлган. Ҳақиқатан ҳам, Пайгамбар вафотидан кейинги тўрт халифанинг 30 йиллик ҳукмронлиги даврида ислом дини тўла қарор топди. Шундай экан, «ҳизбут-тахрир»чиларнинг юқоридаги каби даъволари ҳеч қандай асосга эга эмаслигини алоҳида қайд этиш лозим.

Фаолиятининг дастлабки босқичида тарафдорлари сафларини асосан бошланғич диний маълумотли кишилар ҳисобига кенгайтиришга уринган «Ҳизбут-тахрир» ташкилоти кейинчалик, дунёқараши ва мавжуд давлат тузумига муносабати турлича бўлган, айни пайтда, ислом динига қизиқа бошлаган зиёлилар, илмий ходимлар ва талаба ёшларнинг бир қисмига исломий илм ўргатиш баҳонасида, пировардида эса буткул ношаръий бўлган қасам ичиришлар воситасида ўзининг зарарли йўлига оғдиришга ҳаракат қилди ва уларни маълум даражада мутаассиблик гоёлари билан заҳарлашга эришди. Бундан ташқари улар жамиятда бўлаётган вақтинчалик қийинчиликлар, ҳаттоки, айрим табиий офатларни рўқач қилиб, «агар исломнинг тўғри ҳукмлари амалда бўлганида, бундай ҳодисалар рўй бермас эди» каби фикрлар билан гаразли ниятларини амалга оширишга уриниб келмоқдалар.

Умуман олганда, «ҳизбут-тахрир» ташкилоти ислом ниқоби остида шариатимиз аҳкомларига зид бўлган, мутаассиблик гоёлари билан йўғрилган ва бузғунчиликка асосланган фаолият олиб бормоқда. У қатъий ишлаб чиқилган дастур ва тизим шаклига келтирилган ҳалқалар орқали амалга оширилади. Албатта, бундай гуруҳлар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турувчи хориждаги ҳомийлари томонидан дастаклаб келинмоқда.

«Ҳизбут-таҳрир»чилар ғояларининг Ўзбекистонга кириб келиши 1980-йилларнинг ўрталарига тўғри келади. Бу даврда хизбчиларнинг таълимотларига оид чет давлатларда нашр этилган турли хилдаги китоб, рисола ва журналлар ҳар хил ноқонуний йўллар билан юртимизга кириб келди. Мазкур норасмий яширин ташкилот мустақилликнинг дастлабки йилларида шаклланиб, 1992 йилдан бошлаб республикамиз ҳудудида ўзининг ўта зарарли фаолиятини юргизишга ҳаракат қилиб келмоқда.

*«Ҳизбут-таҳрир» фаолиятига ислом уламолари қандай муносабат билдирадилар?*

Ҳозирги замон йirik ислом уламолари «Ҳизбут-таҳрир»ни қўллаб-қувватламайдилар. Балки, уларга нисбатан доимо кескин, илмий асосланган раддиялар, танқидлар билдирадилар. «Ҳизбут-таҳрир» фаолияти мусулмонлар ичида фитна чиқаришга қаратилгани учун ҳам ислом дунёсидаги барча уламолар томонидан мазкур фирқа исломнинг душмани, деб эълон қилинган. Саудия Арабистонининг собиқ бош муфтийси шайх ибн Боз ва қатарлик машҳур уламо Юсуф Қарзовийлар фикрича, «Ҳизбут-таҳрир» - исломни бузувчи ташкилот» хисобланади. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфининг «Дин насихатдир» китобида келтирилган «Ҳизбут-таҳрир» ҳар қандай душман қила олмайдиган зарарли ишларни қилдики, ислом душманлари ўзлари ҳаракат қилсалар, ҳозирги натижага эриша олмас эди», - деган фикрлари ҳам фитначи фирқанинг асл моҳиятини англашга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам, «Ҳизбут-таҳрир»нинг ғояси ва дастури ҳанузгача дунёнинг бирорта мамлакатида тан олинмаган, балки илк таъсис топган масканидан тортиб дунё мамлакатларининг деярли ҳаммасида унинг фаолияти тақиқланган. «Ҳизбут-таҳрир»нинг фаолияти

аввал Иордания, Судан ва Малайзияда, кейинчалик эса деярли барча мусулмон мамлакатларида расман тақиқлангани, Россия ва Германия каби давлатларда эса террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилгани ҳам юқоридаги мулоҳазаларнинг ўринли эканини тасдиқлайди.

***«Ҳизбут-таҳрир» тарафдорлари ўз фирқаларининг тузилишига Қуръони каримнинг баъзи оятлари ва Пайгамбаримизнинг ҳадисларини далил қилишлари қанчалик асосли?***

«Ҳизбут-таҳрир» аъзолари ўз фирқаларини Аллоҳ таолонинг «Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳий мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар, нажот топувчилар», («Оли Имрон», 104) деган оятига биноан ташкил этилган, дейдилар. Яъни, уларнинг даъвосига кўра, ушбу оят «Ҳизбут-таҳрир» жамоасини тузишга асос ва далил эмиш. Оятнинг тафсирларига назар солсак, у ҳизбчиларнинг даъвосига ҳеч қандай далил бўла олмаслиги маълум бўлади.

Аҳмад ал-Жуванфурийнинг «Ат-тафсирот ал-Аҳмадия» китобида шундай келтирилади: «Сизларнинг баъзиларингиз одамларни хайр (шариатга мувофиқ бўлган чиройли ишлар)га чақирадиган, маъруф (шариат ва ақл чиройли санаган ишлар)га буюрадиган ва мункар (шариат ва ақл қабиҳ санаган нарсалар)дан қайтарадиган жамоа бўлиши лозимдир. Амри маъруф ва наҳий мункар барча мусулмонларга фарз бўлса-да, лекин мана шундай эзгуликка чорлайдиган ва қабоҳатдан қайтарадиган бир тоифа бўлиши таъкидланмоқда. Бу иш эса, асосан халқнинг пешволигига лойиқ бўлган, илмга амал қилувчи кишиларнинг вазифасидир. Демак, оят уламолар ҳақида нозил бўлган экан». Оят тафсиридан ҳеч қачон шундай жоҳил қавм тўпланиб, халқнинг тинчлигини бузиб, халифа сайлашга ҳаракат қилсин, деган маъно чиқмайди.



Бундан ташқари, улар юқоридаги оят талабига кўра сиёсий ҳизбларни ташкил этиш мусулмонлар зиммасидаги фарзи кифоядир, дейдилар. Юқоридаги оятдан ҳеч қандай сиёсий ҳизблар тузиш деган фикр ҳам чиқмайди. Чунки, Аллоҳ таолонинг ўзи фирқаларга бўлинмаслик ҳақида шундай дейди: «Ҳаммангиз бир бўлиб Аллоҳнинг арқони (Қуръони)га ёпишинглар, турли фирқаларга бўлиниб кетманглар». Оят мазмунига кўра, исломда ҳизблар тузиш Аллоҳ кўрсатмасига зиддир.

Уларнинг китобларида «Қуръон оятларидан сиёсий ҳизблар тузиш мумкинлиги ҳақида ҳукм чиқарса бўлади», - деган фикрларни ҳам учратиш мумкин. Бундай фикрлар ҳам мутлақо асоссиздир. Чунки, биринчидан, ояту ҳадислардан ҳукм чиқариш мужтаҳид олимларгагина берилади. Иккинчидан, Қуръон оятларидан чиқариш мумкин бўлган барча ҳукмлар саҳоба ва тобеъинлар томонидан чиқариб бўлинган. Уларнинг фикри, ижтиҳодини ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Шунингдек улар, Пайгамбаримизнинг «Кимки номсиз, яъни халифасиз ҳаётдан ўтса, у жоҳилият замоннда ўтганлардек ўлибди», - деган ҳадисларини ўз фаолиятларини асослаш учун далил сифатида келтирадилар. Ушбу ҳадиснинг кимларга нисбатан айтилганини билмай, кўп фитналар қилиб, йўлларига кирмаганларнинг барчасини куфрга ҳукм қилмоқдалар. Бизлар аввало, «халифа»нинг маъносини ва қандай одам халифа бўлишга лойиқ эканини тушунсак, бу ҳадисда уларга ҳеч қандай ҳужжат йўқлиги аён бўлади.

Қайд этилган ҳадис барча замонлардаги инсонларга тааллуқли эмас, балки мусулмонларнинг устиларида халифа мавжуд бўлиб, унга итоат қилишга байъат қилмаган кишиларгагина хосдир. Акс ҳолда неча асрлар давомида яшаб ўтган ва яшаётган мусулмонлар, йирик-йирик уламолар, худонинг хос бандалари ҳам барчаси жоҳилиятда яшаб ўтгани ва яшаётгани ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Бу даъволарга теран фикр билан назар

ташланса, улар бир миллиарддан зиёд мусулмонларнинг ўқиган намозлари, тутган рўзалари, берган закотлари, машаққат билан бажарган ҳаж амалларини беҳудага чиқараётганларини тушуниш мумкин. Қолаверса, шариатга кўра, имон келтирган кишини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким мусулмон ёки мусулмон эмас, деб ҳукм қилишга ҳаққи йўқлигини инобатга оладиган бўлсак, улар қандай мақомга даъво қила бошлаганликларини ҳам англаш қийин эмас. Дунё мусулмонлари турли мустақил давлатларнинг фуқаролари ҳисобланади. Ҳар бир халқ ва миллат қандай тузумда ҳаёт кечиришни, аввало, ўзи ҳал қилади. Ўз давлат раҳбарларини сайлаб, ўз қонунларини ишлаб чиқади, уларга итоат қилади. Қуръони каримнинг «Нисо» сураси 59-оятда: «Эй мўминлар, Аллоҳга, пайғамбарига ва ўзларингиздан бўлган бошлиқларга итоат қилинглр...», – деб таъкидланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ислом шариатида раҳбарга хиёнат қилиш қаттиқ жазога лойиқ ҳисобланишини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, уламолар Қуръон оятларига таяниб, раҳбарга итоатсизлик қилиш, осийлик ҳукмида бўлишини таъкидлаганлар.

*Ҳизбчиларнинг ўзлари олиб бораётган фаолиятни  
Расулulloҳнинг даъват қилиш услубларига мос  
қилади, деб даъво қилишлари қанчалик тўғри?*

Ўйлаб кўрайлик, Пайғамбар алайҳис-саломнинг даъватлари ширкка кўмилиб кетган гумроҳ халққа Аллоҳни танитиш, унгагина ибодат қилишга чақириш бўлган. Уларнинг даъвати-чи? Минг йиллардан буён мусулмон бўлиб яшаб келган, ҳозирда ҳам ислом аҳкомларини бажариб келаётган халқни ўша мушриклар (Аллоҳга ширк келтирганлар) қаторига қўшиб, уларнинг «Алҳамду лиллаҳ мусулмонман», деб турган раҳбарларини кофирга чиқариб, халқни унга қарши исён қилишга чақиришдан бошқа нарса эмас. Шариатда бундай

тоифалар «богийлар» деб аталиб, уларга қаттиқ жазолар тайин қилинган.

Бундан ташқари, Пайғамбар алайҳис-салом ўз даъватларини ёйишда бешта-бешта кишини бир халқага бирлаштириб, уларга бир кишини раҳбар қилиб, унга бир лақаб қўймаганлар. Ҳар бир динга кирган кишига яна беш кишини олиб келиш вазифасини ҳам юкламаганлар, мавжуд тузум сиёсатини бузиб кўрсатувчи варақалар тарқатмаганлар. Энг асосийси, ислом динини қабул қилаётган бирор кишини қасам ичириб, динга қабул қилмаганлар. Кўриниб турганидек, ҳизбчиларнинг даъват усули Расулulloҳнинг даъват йўллариغا умуман ўхшамайди.

### *Ҳизбут-тахрирчиларнинг фаолият услубига хос қандай хусусиятларни ажратиш мумкин?*

«Ҳизбут-тахрир» махфий «халқалар» кўринишида ташкил топган. Ташкилотнинг оддий аъзолари - «дорислар» 4–5 кишилик «халқа» бўлиб, гуруҳ раҳбари – «мушриф»дан сабоқ оладилар. Дарсларда диний маълумотлар юзаки берилади, фикхий масалаларга ҳатто эътибор ҳам қаратилмай, ёшларнинг онгига фирқанинг сиёсий гоёларини сингдиришга асосий урғу берилади. Ташкилотга аъзо бўлаётган номзод ҳар қандай шароитда ҳам «ҳизб» фаолияти ҳақидаги маълумотни сир сақлаш, фирқа манфаатлари йўлида ота-онаси ва яқинларидан воз кечиши ҳақида қасам ичади. Гуруҳнинг оддий аъзолари ташкилот газнасига ўз даромади ҳисобидан 5-20 фоиз миқдорида бадал (табарруъ) тўлашга мажбур қилинади.

Ҳизбут-тахрир» нинг бузғунчи фаолияти уч босқичдан иборат:

1. Таскиф, яъни тушунтириш ишлари. Онги тўлик шаклланмаган гўр ёшларни ўз тузоғига илинтириш, фикри заиф, таъсирга берилувчан шахсларни ўз тарафига оғдириш.

2. Тафоул, яъни биргаликда ҳаракат қилиш, гўёки ғоявий ва фикрий ишлаш орқали жамият ичига чуқур кириб боришга эришиш.

3. Исён, тўнтариш, яъни онгига ташкилот ғоялари сингдирилган шахслар орқали сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш.

Илгари фақат яширин гуруҳлар тузиш, ўз тарафдорлари сонини кўпайтириш, диний-экстремистик мазмундаги варақалар тарқатиш билан шуғулланган «Ҳизбут-тахрир»чилар бугунги кунда ўз фаолиятини такомиллаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Кейинги вақтда республикамизга қўшни мамлакатлардаги масжидлар ва аҳоли гавжум бошқа жойларда халифалик қуриш ва конституциявий тузумни ағдариб ташлашга қаратилган даъват билан шугулланаётганликлари, тарафдорлар сонини ошириш мақсадида эса хайрия тадбирлари ўтказишга уринаётганликлари ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

*Ҳизбут-тахрирчиларнинг китобларида «ҳизбнинг фикрлаш услуби ва қураш йўлига имон келтирган шахсларни тарбиялаш» деган ибораларни учратиш мумкин. Имон келтириши Аллоҳ буюрган нарсаларгагина бўлмайдими?*

Чиндан ҳам уларнинг адабиётларида қуйидаги сўзлар учрайди: «Ҳизб ўзининг фаолият тариқатини уч босқичда белгилайди. Биринчи босқич: ҳизбий уюшма ташкил қилишда ҳизбнинг фикрати ва тариқатига имон келтирган шахсларни шакллантириш учун тарбиялаш босқичи».

Ушбу фикрларнинг нотўғрилигини қуйидаги мисол ёрдамида тушунтириш мумкин:

«Ҳизбут-тахрир» имон аркониға яна бир рукн қўшди, яъни ҳизбнинг фикрати ва тариқатига имон келтириш. Уларнинг бу ишлари қуйидаги ҳадис билан инкор

этилади: «Кимки ушбу динимизда бўлмаган нарсани пайдо қилса, ул нарса рад қилингандир».

Кўриниб турганидек, бу адашган фирқа билиб туриб шариат аҳкомларини ўзгартиришга, Аллоҳ таоло имон келтиришга буюрган нарсаларга кўшимча киритишга уринмокдаки, бу ислом таълимотига бутунлай зиддир.

*Ҳизбут-тахрирчилар ўзларини тўғри йўлда,  
бошқаларни адашганлар ёки кофирлар дейишлари  
ҳақида нима дейиши мумкин?*

Маълумки, ҳизбчилар ўз фаолиятини махфий тарзда олиб борадилар. Уларнинг раҳбарлари, ташкилотларининг манзиллари ва аъзолари ҳақидаги маълумотлар сир тутилади. Шунинг учун ҳам, улар тарқатган варақаларда бир ёклама гаплар ёзилади.

Бундан ташқари «Ҳизбут-тахрир»ни қўллаб-қувватлайдиганлар ислом дунёсида жуда озчиликни ташкил этади. Аксинча, уни инкор этадиганлар сон-саноксиз. Исломда эса, озчилик фикрига эмас, кўпчилик фикрига қўшилиш буюрилган. «Менинг умматим ёппасига адашиб залолатга тушиб қолмайди. Қачонки, улар орасида қарама-қаршиликни кўрсангиз, сизлар кўпчилик томонда бўлингиз!» («Сунани ибн Можа», 8-боб), - деган саҳиҳ ҳадис фикримизнинг исботи бўла олади. Демак, Пайғамбаримизнинг ушбу васиятларига қараганда, замонамиз мусулмонлари озчилик овозга эга бўлиб келаётган ҳизбчиларга эмас, уларнинг фикри ва гоёсига қўшилмай келаётган кўпчиликнинг сафига қўшилишлари керак.

*«Ҳизбут-тахрир» оқимиининг дин ва давлат учун  
зарари нималарда кўрилади?*

«Ҳизбут-тахрир» фирқаси ташкил топганига ярим асрдан ошган бўлса-да, ханузгача дунёнинг бирор давлатида тан олиниб, расмий рўйхатдан ўтгани йўқ.

Бутун ислом дунёсидаги етук дин пешволари ушбу фирқанинг моҳияти ва гоյларини чуқур ўрганиб чикқач, асл ислом дини таълимотларига мутлако зидлигини, охир оқибатда қонли фожиаларга олиб келиши муқаррар эканини англаб етганлар. Натижада, у ҳеч қайси мамлакатда қарор топа олмаган. Бироқ оз бўлса-да, унинг ташвиқотига учган ва бу ташкилотга аъзо бўлиб, унинг топшириқларини фарз ўрнида кўрадиган айрим соддадил кишилар ҳам борки, улар тўғри йўлдан чалғиб, ўзларига ҳам бошқаларга ҳам ташвиш орттирмоқдалар.

Мазкур фирқанинг динга зарари – мусулмонларни чалғитиб, муътадил бораётган йўлларида адаштириш ҳамда халифаликни тиклаш даъвоси билан аҳли ислом бошига турли мусибат ва балоларни келтириш, энг ёмони – шу тариқа ислом дини ривожига халал етказишдан иборат.

Давлат учун зарарли жиҳати шундаки, бу фирқанинг очиқ-ошкора эълон қилаётган баёнотларига қараганда, унинг гоյвий мақсади – мавжуд конституциявий тузумни йўқ қилиш, давлат тўнтаришини амалга ошириш, ниҳоят, ўзи режалаштирган тузумни барпо қилишдан иборат. Бунга эса, табиийки, ҳеч қайси давлат йўл қўймайди. Аксинча, бундай кучларга қарши қаттиқ курашади. Бу кураш эса, давлатга арзон тушмайди – хатарнинг олдини олиш учун қанчадан-қанча куч ва маблағ сарфлаш керак бўлади, оқибатда давлат ва халқ катта зарар кўради.

### *Ҳизбут-таҳрирчиларнинг террорга алоқамиз йўқ деб даъво қилишлари қанчалик асосли?*

Бу даъво умуман асоссиз. «Ҳизбут-таҳрир» ўз фаолиятида куч ишлатмасликни, фақат гоյвий кураш усулларида фойдаланишни даъво қилса-да, ташкилот мафкурасини ифодаловчи ҳужжатлар ушбу гуруҳ ўз гараз мақсадлари йўлида бегуноҳ одамларнинг қонини тўкишдан тап тортмаслигини кўрсатади. Ташкилотнинг

«Ал-ваъй» («Онг») номли ойлик журналининг 2001 йил июнида чоп этилган 170-сонида бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлаётган террорчиларнинг шаҳидлар қаторига киритилгани, гўдаклар, аёллар ва қарияларни ўлдиришга «фатво» берилгани ҳам бундай хулосаларнинг ўринли эканини тасдиқлайди.

Куръоннинг «Кимда ким бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳанамда абадий қолишдир..» («Нисо», 93) каби кўплаб оятларида исломнинг террорга ва бегуноҳ одамларни ўлдиришга бўлган ўта салбий муносабати кайд этилган.

Далиллар «Ҳизбут-тахрир» фирқаси мусулмон мамлакатларида террорчилик ҳаракатларини содир этганидан гувоҳлик беради. Хусусан, мутахассислар маълумотларига кўра, «Ҳизбут-тахрир»чилар 1968, 1977 ва 1994 йилларда Йорданияда, 1974 йили Мисрда, 1999-2000 йилларда Ливан ва Сурияда қуролли исён кўтаришга ҳаракат қилган. 1993 йили Йорданияда ушбу фирқанинг 30 нафар аъзоси подшога нисбатан суиқасд тайёрлаётган вақтда қўлга олинган.

Бундан ташқари, 1999-2005 йилларда мазкур фирқанинг Қуддус шаҳридаги бўлими аъзолари томонидан Туркия, Миср ва Ватикан каби мамлакатлардан зиёратга келган расмий делегациялар раҳбарлари, шунингдек, АҚШ собиқ Президентининг рафиқаси Лора Бушга нисбатан хужум уюштиришга қаратилган хатти-ҳаракатлари полиция томонидан бостирилган. 2009 йилнинг апрель ойида эса Бангладешнинг Куштия шаҳрида полиция томонидан 31 нафар «Ҳизбут-тахрир» аъзоси қўлга олинган. Расмийларнинг баёнотига кўра, қўлга олинган шахслар томонидан террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, улардан кўплаб микдорда портловчи модда олинган.

Воқелик «Ҳизбут таҳрир» аъзоларининг фаолияти ўта радикал тус олаётганини 2003 йил апрелда ташкилотнинг

Буюк Британиядаги бўлинмаси аъзоларидан бири Исроилнинг Тель-Авив шаҳрида жойлашган «Майкс Плейс» кафесида ўзини портлатиб юбориши натижасида 23 киши нобуд бўлгани ҳам тасдиқлайди.

2002 йилда Филиппинда қамоққа олинган ташкилотнинг бир гуруҳ фаолларидан катта миқдордаги портловчи моддалар ва ўқотар куроллар қўлга олиниши баробарида уларнинг «ал-Қоида» террорчи ташкилотининг маҳаллий тузилмалари билан яқин алоқада бўлгани ҳам аниқланган. Бу эса «Ҳизбут таҳрир» ташкилоти ўз фаолиятини халқаро террористик тизимнинг таркибий қисми сифатида ташкил этаётганидан далолат беради.

Айни пайтда, «Ҳизбут-таҳрир» етакчилари учун фирқанинг оддий аъзоларининг тақдири сариқ чақачалик кадр-қимматга эга эмаслигини алоҳида қайд этиш лозим. Фирқанинг раҳбарлари ташкилот фаолиятидан шахсий манфаатлар йўлида устамонлик билан фойдаланиб келмоқда. Масалан, 2003-2004 йилларда «Ҳизбут-таҳрир» томонидан тарқатилган варақаларда гуруҳ аъзоларининг кўпроқ қамоққа олиниши фирқанинг асосий мақсадларидан бири экани кўрсатилган. Бундай ёндашув фирқа раҳбарларининг маҳбуслар ичида ўз тарғиботини ўтказишни кучайтиришдек хом хаёллари ва гуруҳнинг жазо ўтаётган аъзоларини гўёки «эътиқод қурбонлари» экани ҳақида халқаро майдонда айюҳаннос солишдек ниятлари йўлида ташкилотнинг оддий аъзоларининг узоқ вақтга озодликдан маҳрум қилишга ҳам, оиласи ва яқинларидан жудо этишга ҳам тайёр эканликларини кўрсатади.

«Ҳизбут-таҳрир»чилар китобларига бир нарсани ёзиб, ҳаётда бошқа нарсага амал қиладилар. Улар жиҳод масаласига жиддий эътибор бериб, уни қатъий ҳукм деб санаш билан бирга яна ўз сўзларига хилоф равишда «ҳизбнинг вазифаси жиҳод билан эмас, балки гоъвий-фикрий ва сиёсий йўллар билан жисмоний куч



ишлатмаган ҳолда исломни ҳаётга тўла қайтаришдан иборат», деб иддао қиладилар. Уларнинг ўз дастурларида қайд этган «учинчи босқичда инқилобий йўл билан жамиятда исломни тўла татбиқ этишга ўтилади», деган сўзларига мутаносиб эмаслигини кўрсатиб турибди. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида содир этилган кўпурувчилик ҳаракатлари юзасидан берилган республика Бош прокурорининг баённомасида айтилишича, мазкур ҳаракатлар айнан «Ҳизбут-таҳрир» аъзолари томонидан содир этилган. Бу террорчилик ҳаракатларини улар даъво қилганларидек, гоаявий-фикрий кураш, жисмоний куч ишлатмаслик дейиш мумкинми?! Асло мумкин эмас. Кўпурувчилик натижасида ҳалок бўлган бегуноҳ кишилар учун ким жавоб беради? Фикрий кураш шундай бўладими?

Юқоридаги мулоҳазалар «Ҳизбут-таҳрир»чиларнинг террорга алоқамиз йўқ деган фатволари соддадил одамлар учун мўлжалланган найранг экани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

*Ўзларини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қилиб кўрсатувчи баъзи халқаро ташиқлотларнинг «Ҳизбут-таҳрир» каби ҳаракатлар фаолиятини тақиқлашни эътиқод эркинлиги ва демократияни бўғиши, деб баҳолашлари ҳақида нима дейиши мумкин?*

Энг аввало, демократия мавҳум нарсаси эмаслигини таъкидлаш зарур. Ижтимоий ҳаёт, жараёнларнинг конкрет соҳаси, йўналишлари билан боғлиқ олиб қаралганда, у ҳамиша аниқ мазмун ва шаклу шамоийил касб этади.

Давлат виждон эркинлиги, ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслигини таъминлашнинг кафолати ҳисобланади. Айни пайтда, ҳар ким фикрлаш, сўз, эътиқод эркинлигига эга экан, бу эркинлик жамият асосларини емиришга,

конституциявий тузумни барбод қилишга қаратилиши мумкин эмас. Зеро, ҳар қандай демократия ҳуқуқ ва эркинликлар билан бир қаторда, жамият олдидаги муайян мажбурият ва маъсулиятни ҳам тақозо этади.

Демократик жамиятда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида чиққани учун ҳам у халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилади. Шундай экан, ҳар қандай давлат ўз мустақиллиги ва хавфсизлигини, жамиятдаги барқарорлик, тенглик, ҳамкорликни таъминлаши, бунинг учун зарурий ҳуқуқий асосларни ўз Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйиши ҳамда уларга қатъий риоя этилишини назорат қилиши табиий ҳол. Таъбир жоиз бўлса, бу демократиянинг муҳим унсури ҳам.

Мамлакатимиз Конституциясининг 57 – моддасида ана шундай ҳуқуқий асослар ўз ифодасини топган. Кенг қамровли ва чуқур мазмунга эга бўлган ушбу моддада шундай дейилади: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади».

Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган ана шу конституциявий қоидаларнинг моҳиятидан келиб чиқилса, «Ҳизбут-таҳрир» каби ҳаракатлар фаолиятининг тақиқланиши ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Зеро, биринчидан, «Ҳизбут-таҳрир» диний-сиёсий ташкилотдир. Иккинчидан, у ўз тузилишига кўра кичик-кичик яширин гуруҳлардан ташкил топган.

Учинчидан, давлатни фақат исломий қоидалар асосида бошқариш зарур деган нуқтаи назарда қаттиқ туради. Ва, ниҳоят, тўртинчидан, бутун дунё миқёсида халифаликни тиклашни ўзининг бош мақсади деб билади.

Кўриниб турибдики, «Ҳизбут-таҳрир» фаолияти Конституциямизнинг 57- моддасида белгилаб қўйилган тамойилларга мутлақо ва бутунлай зиддир.

«Ҳизбут-таҳрир» фаолиятига хос юқоридаги тўрт хусусиятда яққол кўринмайдиган, ботиний бўлган бошқа жиҳатлар ҳам бор. Хусусан, «Ҳизбут-таҳрир» фақат исломий қоидалар устуворлигини қарор топтириш учун кураш олиб боради. Демак, у динлараро адоватни тарғиб қилади, дини, эътиқодидан қатъи назар, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги тамойилни рад этади. миллатлараро тотувликка раҳна солади, деб хулоса чиқариш мумкин. Шу билан бирга, халифаликни тузишни мақсад қилиб қўяр экан, у ўз моҳиятига кўра республикамиз суверенитети, худудий яхлитлигига тажовуз қилишини ҳам ёддан чиқармаслик зарур.

Шундай экан, жамиятда беқарорлик, ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришга уринаётган юқоридаги каби ташкилотлар фаолиятининг тақиқланишини эътиқод эркинлиги ва демократияни бўғиш, деб баҳолаш мутлақо асоссиздир.

## *Олтинчи суҳбат*

### **СОФ ИСЛОМИЙ ТУШУНЧАЛАР: АСЛИЯТ ВА ТАЛҚИНЛАР**

*Диний экстремистлар бугунги кунда қандай диний тушунчалардан ўзларининг гаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар? Бунинг сабаблари нимада?*

Маълумки, ислом дини тарихида хусусан, Муҳаммад пайгамбаримиз даврида мусулмонлар билан Макка мушриклари ўртасида кечган можаролар, жангу жадаллар Қуръон оятлари ва ҳадисларда акс эттирилган. Булар экстремистик руҳдаги кишиларда кучли таассурот қолдириб, улар ўзларининг тинч аҳолига, конституциявий тузумга қарши бузғунчилик фаолиятларини гўё кофир ва мушрикларга қарши муқаддас жанг, деб ҳисоблайдилар.

Ваҳоланки, Пайгамбар алайҳис-саломнинг мушриклар билан қилган жангларининг ўзига хос сабаб ва омиллари бор эди. Ўша даврнинг сиёсий ва диний талаблари бўйича Пайгамбар алайҳис-саломга Аллоҳ тарафидан ваҳий орқали кўрсатмалар бериб турилган. Масалан, «Муҳаммад» сурасининг 4-оятида «Бас, (эй, мўминлар!) қачонки, сизлар кофир бўлганлар билан тўқнашганингизда, бўйинларига урингиз!», - дейилади. Шу кўрсатмаларга биноан жиҳод ва ғазотлар амалга оширилган. «Нисо» сурасининг 90-оятида: «Агар кофирлар сизлардан четланиб, сизларга қарши жанг қилмай, сулҳни таклиф қилсалар, Аллоҳ сизларга уларга қарши чиқиб жанг қилишга йўл бермайди», - деган кўрсатма билан ундан олдинги жанг ва жиҳодга ундовчи оятлар мансوخ бўлди.

Ҳозирда эса, диний маълумоти ҳам, дунёвий ва сиёсий савияси ҳам паст даражада бўлган баъзи оқим пешволари

Ўзларича шаръий фатво бериш, жиҳод эълон қилишдек улкан масъулиятни талаб этадиган гапларни гапиришгача журъат қиляптилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, диний экстремистик оқимлар ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида, биринчидан, Қуръон оятлари мазмунини бузиб талқин қиладилар. Иккинчидан, аниқ бир тарихий шароит, воқеа билан боғлиқ ҳолда ваҳий орқали нозил қилинган ва учинчидан, ҳукми бекор қилинган – мансух оятларни бугунги, ўзгарган тарихий шароитга татбиқ қилишга ва шу йўл билан ўз ҳаракатларини гўёки, оқлашга интиладилар. Бундай ҳаракатлар эса, барча даврларда ва барча уламолар томонидан қораланиб, бузғунчилик сифатида баҳоланган.

*Шаҳидликнинг асл моҳияти нима? Ўзларини  
портлатиб, террор амалиётини содир  
этаётганлар ҳам шаҳид ҳисобланадими?*

Шаҳидлик ислом динига кўра, Аллоҳнинг ризоси йўлида фидойлик қилган, имони, эътиқоди, номусини, Ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаш йўлида ҳалок бўлган кишиларга Аллоҳ томонидан бериладиган даража демакдир. Пайғамбаримиз ички касалликлар хуружи билан ўлган, жони, моли, ор-номуси ҳимояси йўлида ўлдирилган ва турли сабаблар билан фожиали ҳалокатга учраган кишиларга ҳам шаҳидлик мақоми берилади, деб башорат қилганлар. Демак, ислом нуқтаи назарида бошқа савобли ишлар каби шаҳидлик ҳам мусулмон кишининг ихлосу эътиқоди, амали ҳамда мусибатларга сабр-тоқат қилиши эвазига бериладиган мукофот экан. Аммо бизнинг асримизда ўзларини портлатиш, террор амалиётини амалга ошириш йўли билан бегуноҳ кишилар ҳаётига зомин бўлаётганлар - жиноят содир этган гуноҳкор бандалардир. Уларнинг шаҳидлик даъво қилишларига ҳеч қандай шаръий асос йўқ.

## *«Халифа» сўзининг мазмун-моҳияти нимада?*

«Халифа» сўзи арабча бўлиб, маъноси «ўринбосар»дир. Қуръони каримда Аллоҳ таоло одамзотни халифа деб атаган. Масалан, «Бақара» сурасининг 30-оятида: «Эсланг, (эй, Муҳаммад!) Раббингиз фаришталарга, Мен Ерда халифани (инсонни) яратмоқчиман, деди», - дейилган. Яна «Анъом» ва «Юнус» сураларида ҳам «Эй, инсонлар!» Сизларни ер юзига халифа (эга) қилиб қўйдим», – дейилган. Зеро, инсон Ерда Аллоҳнинг иродаси ва ризосига мувофиқ равишда эзгулик ва хайрли ишларни амалга ошириши юзасидан мажозий маънода Аллоҳнинг ўринбосаридир.

Халифа деб шариатда диний ҳукмларни юритишда Расулulloҳнинг ўринларини эгаллаган кишига айтилади. Лекин Пайғамбар алайҳис-саломдан кейинги халифалар хусусида Қуръони каримда бирор ишора ҳам йўқ. Ҳадиси шарифларда эса, Пайғамбардан кейин у зотнинг йўқликларини билдирмаслик, то одамлар пайғамбарсиз ҳам Аллоҳнинг дини давом этиши мумкинлигини англаб етгунларига қадар 30 йил ўринбосарлик, яъни халифалик давом этиши тўғрисида қайд этилган. Ўттиз йилдан кейин халифалик эмас, балки подшоҳлик ва амирликлар бошланиб кетиши тўғрисида ҳам Пайғамбаримизнинг ўзлари хабар берганлар. Лекин шунга қарамай мазкур ўттиз йилдан кейинги амир ва подшоҳларни ҳам халифалар деб аташ одат бўлган. Демак, Расулulloҳнинг вафотларидан кейинги ўттиз йил ичида ислом жамиятини бошқарган ҳукмдорлар (асосан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва имом Ҳасанлар) Пайғамбар ўринбосарларидир. Кейинги ҳукмдорлар эса, гарчи халифалар деб аталган бўлсалар-да, аслида амирлар ёки подшоҳлардир.

*Баъзан халифаликни турларга ажратишади. Бу ҳақда нима дейиш мумкин?*

Ислом тарихига кўра, Пайғамбаримиздан кейинги ўттиз йиллик халифалик «комил халифалик» ҳисобланади ва шу даврдаги халифалар «хулафойи рошидин», яъни тўғри йўл тутган халифалар деб аталганлар. Улардан

кейин келган амир ва подшоҳларни халифалар деб номлашни «ноқис халифалик» деб атайдилар. Халифаликни мазкур икки турга ажратиш асосан «Ҳизбут таҳрир» каби диний-сиёсий оқимлар томонидан ихтиро этилган. Зеро, бу оқим аъзолари «комил халифалик»ни тиклаш амри маҳол эканини яхши билишади. Уларнинг мақсади «ноқис халифалик» номи билан бўлса-да, ҳокимиятни қўлга олишдир.

*Халифалик давлати тузиш тарафдорлари  
ўз қарашларини асослаш учун қандай далил  
келтирадилар?*

Аввало, Қуръонда халифалик бошқарувидаги давлат тузумини асослашга хизмат қиладиган бирор бир оятнинг ўзи йўқлигини таъкидлаш зарур. Шундай бўлса-да, ҳизбчилар байъат қилиш, яъни маълум бир халифани тан олиб, унга тўла итоат қилиш мусулмончиликнинг асосий шартларидан, деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки исломда байъат инкор этилмайди. Аммо уни мусулмончиликнинг асосий шартларидан деб билиш ҳам ноўриндир. Зеро, Расулulloҳ даврларида исломга кирган мусулмонларнинг ҳаммаси келиб, Ул зотга байъат қилмаганлар. Балки диллари имон билан мунаввар бўлгани, узоқдан бўлса ҳам Пайғамбаримизни тасдиқ этгани кифоя саналган.

Ҳизбчиларнинг ҳозирги кунда «байъатсиз яшаш жоиз эмас, байъатсиз дунёдан ўтиш – жоҳилият ўлими», - деб мусулмонларнинг дилига шубҳа ва изтироб солишлари бутунлай асоссиздир. Уларнинг сўзича, ҳар бир мусулмон халифанинг қўл остида яшаши зарур ва у билан байъат қилиши фарз. Бу билан улар ҳозирда йўқ бўлган байъат туфайли ҳамма мусулмонларни гўёки фарз, яъни Аллоҳ буюрган ишни бажармаётган гуноҳкорларга чиқариб қўймоқда. Ислом қонунчилигига кўра, мусулмонларга фарз бўлган амаллар фақатгина Қуръонда очик-ойдин баён қилинган кўрсатмага биноан жорий бўлади. Бундан ҳизбчиларнинг байъатни ҳеч бир асоссиз фарз даражасига кўтараётганлари англашилади.

Ҳизбчилар ўз даъволарини асослаш учун Муҳаммад алайҳис-саломнинг «Мендан кейин бир кун ҳам халифасиз яшамангиз... Кимки халифага байъат (қасамёд) қилмасдан ўлса, жоҳилият ўлими билан ўлган бўлур», - деган ҳадисларини ҳужжат қилиб келтиришади. Ваҳоланки, Расулulloҳ вафотларини эшитган айрим мусулмонлар: «Пайгамбар ўлган бўлса, унинг дини ҳам тугабди», - деб исломдан қайтиб кетмасинлар, ўттиз йилга қадар ўзларининг ўринларида халифалар диний бошқарувни давом эттирсинлар деб, қаттиқ тайинлаган эдилар. Шундай бўлди ҳам. То Абу Бакр халифа этиб сайланмагунича Пайгамбар алайҳис-саломнинг жасадлари уч кун дафн этилмай турди. Шунга қарамай, Пайгамбар алайҳис-салом вафотидан кейин айрим кишилар диндан қайтиб кетдилар. Абу Бакр икки йилгача бундай кишиларни исломга қайтаришдек мушкул вазифа билан банд бўлдилар. Бир сўз билан айтганда, мўътадил фикрловчи уламолар халифага байъат қилиш зарурлигини ўттиз йил мобайнида амал қилинадиган буйруқ, деб билиб келдилар. Ҳизбчилар эса, уни асоссиз равишда ҳозирги кунга ҳам татбиқ этмоқчи бўладилар.

Ҳозирги асримизда халифаликни тиклаш мумкин эмаслиги ўз-ўзидан маълум. Чунки халифалик – бу бутун дунё мусулмонлари устидан ҳукмронлик қилиш демакдир. Дунё мусулмонлари эса, турли тузумдаги мустақил давлатларнинг фуқароларидир. Улар халифага эмас, ўзларининг давлат раҳбарлари ва дин пешволарига итоат қиладилар. Халифаликнинг талаблари саналмиш дунё мусулмонларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан яқка бошқарувга бўйсунушлари асло мумкин эмас. Халифаликни тиклаш таклифини арабларнинг ўзлари ҳам ҳозиргача қабул қилган эмас. Фақатгина «Ҳизбут-таҳрир», «Нурчилар» каби оқимларнинг аъзолари бу фикрни олдинга сурмоқда, холос.



## *Жиход нима? Унинг қандай турлари мавжуд?*

«Жиход» сўзи арабча бўлиб, унинг лугавий маъноси – бирор мақсад йўлида бор куч ва ғайратни сарф қилишдир. Ислом истилоҳи бўйича эса, жиход асосан уч хилдир. Биринчиси – нафс билан курашиш, яъни нафснинг измига юриб, гуноҳ ва жиноий ишларга қўл урмаслик. Иккинчиси – шайтон билан курашиш, яъни, шайтоннинг васвасаларига учиб, ҳаром ва тақиқланган ишларга қўл уришдан сақланиш. Учинчиси – ёв билан жанг қилишдир. Пайғамбаримиз ота-онанинг хизматини қилиб, розиликларини олиш ҳам жиход турларидан эканини таъкидлаганлар. Уламолар саводсизлик, кашшоқлик, айрим юқумли оғир касалликларга қарши жонбозлик билан курашишни ҳам жиход турларидан деб ҳисоблаганлар. Бир жангдан қайтаётиб Пайғамбаримиз: «Мана, энди кичик жиходдан катта жиходга қайтдик», - деганларида, саҳобалар: «Яна жанг қиламизми?», - деб сўрайдилар. Жавобига улар: «Йўқ, сизлар ўйлаган қуроли жанг эмас, нафс ва шайтон билан жанг қилишни назарда тутдим. Бу катта жиходдир», - деган эканлар. Агар биз мазкур мисоллардан хулоса қиладиган бўлсак, жиход фақат қуроли тўқнашув эмас, балки динимиз йўлида, инсоният манфаати йўлида, ахлоқимизни яхшилаш йўлида қиладиган саъй-ҳаракатларимиз ҳам жиходнинг савобларига тенг солиҳ амаллардан эканини идрок этамиз.

*Адашганликларини тан олсалар-да, айрим  
ҳизбут-тахрирчилар ичган қасамларини  
бузолмасликларини айтадилар. Ҳақиқатан ҳам  
қасамни бузиб бўлмайдимиз?*

«Ҳизбут-тахрир» ташкилотида муайян тайёргарликдан ўтган кишиларни «ҳизб аъзолигига» қабул қилишда қасам ичириш амалиёти мавжуд. «Ҳизбга аъзоликка» номзоднинг Аллоҳ номи билан:

- ташкилотга ва исломга содиқ бўлиш, унинг асосларини ҳимоя қилиш;

- ташкилотнинг ғоя ва қонунларини сўзда ҳам, амалда ҳам қабул қилиш ва қўллаш ҳамда уларни мутлақо тўғри деб ҳисоблаш;

- ташкилот раҳбариятининг барча буйруқ ва кўрсатмаларини сўзсиз бажариш;

- «Ҳизбут-таҳрир» гояларини ҳаётга татбиқ қилиш учун барча саъй-ҳаракатлари, кучини сарф қилиш ҳақидаги ваъдалар қасамёднинг мазмунини ташкил этади.

Қасамёд мазмунига эътибор берилса унинг ислом динининг моҳиятига бутунлай зидлигини англаш мумкин.

Биринчидан, ислом динига кираётган киши қасам ичиши ҳақида манбаларда ҳеч қандай кўрсатма келтирилмаган. Шунинг учун бу каби қасам ичишлар ислом дини қоидаларига тўғри келмайди.

Иккинчидан, ташкилот асослари, ғояси ва қонунлари ислом дини қоидаларига тўғри келмаса ҳам уларни ҳимоя қилиш ислом дини нуқтаи назаридан асосга эга эмас.

Учинчидан, ташкилот ғояси умуммусулмонлар жамоаси, ташкилот даъво қилаётган «уммат» томонидан эътироф этилмаган.

Тўртинчидан, ташкилот раҳбариятининг томонидан айтилган буйруқ ва кўрсатмалар Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги асосга тўғри келмаса уларни бажариш аҳли сунна ва-л-жамоадан чиқиш ҳисобланади.

Бешинчидан, ислом дини асослари Қуръони карим ва ҳадислардаги ғоялар ўрнига қандай қилиб «Ҳизбут-таҳрир» гояларини ҳаётга татбиқ қилиш мумкин?

Қуръон ва ҳадисларда қасам ичишнинг барча турларидан қайтарилган. Пайғамбаримиз: «Ношаръий қасам ичган киши қасамини бузсин», – деганлар. Зарурий ҳоллардагина қасам ичишга руҳсат этилади. Масалан, маҳкамада бирор ҳақиқатни исботлаш зарурати туғилса-ю, қасамдан бошқа далил-исбот бўлмаса, гувоҳлик берувчи ёки даъвогар қасам билан ўз сўзини исботлайди. Ҳозирги пайтда айрим экстремистик оқимларга аъзо бўлиб

кирувчиларга ичирилаётган қасам ношаръийдир. Бу каби қасамлар ҳадисга мувофиқ бузилади.

### *Ҳижоб нима?*

«Ҳижоб» сўзи арабча бўлиб, «парда», «сатр», «ёпинчиқ» каби маъноларни билдиради. Исломда аёлларнинг ҳуқуқи поймол қилинмаслиги, уларнинг номус, шараф ва ифбатларини ҳимоя қилиш мақсадида эркаклар кўзидан сақланишларига буюрилган. Лекин қайси аъзолари аврат саналиши ва қанча миқдорда очик юришлари мумкинлиги хусусида мужтаҳид уламолар ҳам ягона фикрга кела олмаганлар. Масалан, Абу Ҳанифа (Имом Аъзам) билан Имом Моликлар аёлнинг юзи, икки қўли ва оёқларининг тўпиғи ости аврат эмас, очиб юриши мумкин деган бўлсалар, Имом Шофийи ва Аҳмад ибн Ҳанбаллар аёлнинг барча аъзоси аврат, ҳатто кўзлари ҳам кўринмаслиги керак, деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳанбалийликка эътиқод қиладиган Саудия Арабистонидаги араб аёллари қора ҳижобга бурканиб юришга мажбурдирлар. Бизнинг ҳанафий мазҳабимизда аёллар юзлари очик ҳолда юришлари жоиз, деб фатво берилган. Шундай экан, айрим аёлларимиз ҳаж ёки умра зиёратига бориб келишгач, араб аёлларига тақлид қилиб, ҳижобга ўралиб юришга ҳаракат қилишлари номақбул ишдир.

### *Қуръон ва ҳадисдан гапирган ҳар бир одамга эргашиш жоизми?*

Йўқ! Қуръон ёки ҳадисдан гапирувчи киши аввало араб тилини пухта билиши билан бирга тафсир китоблари, фикҳга доир асарлардан етарли даражада хабардор бўлиши шарт. Зеро, Қуръони каримда шундай оятлар борки, уларнинг ҳукми мансух, яъни бекор қилинган. Масалан, «Бақара» сурасининг 144-ояти билан ундан олдин ваҳий бўлган шу суранинг 115-ояти мансух бўлган. Яъни, Машриқ ҳам, Магриб ҳам Аллоҳники, қайси

тарафга юзлансангиз, ўша томонда Аллоҳни топасиз дейилгани учун намоз Қуддус тарафга қараб ўқиларди. Кейинги оят билан намозни Каъба томонга қараб ўқиш буюрилди.

Қуръон матни таркибида сақланиб қолган мансух (ҳукми бекор қилинган) оятлар ибодат вақтида ўқилса-да, амалда татбиқ этилмайди, чунки кўпгина оятлар Макка даврида нозил қилинган бўлиб, Мадинага ҳижрат қилингандан кейин бошқа оятлар нозил бўлиб, олдинги айрим оятлар ҳукми бекор қилинган.

Шунингдек, ҳадиси шарифларнинг ҳам носих ва мансухлари борки, уларни яхши ўрганмай туриб, таржима ёки нашр қилиш мумкин эмас. Масалан, Шаддод ибн Авсдан ривоят қилинган бир ҳадисда: «Қон олдириш ва қон куйдириш рўзани бузади», дейилган. Имом Муслим «Саҳиҳ» китобларида Ибн Аббосдан келтирган «Пайғамбаримиз алайҳис-салом эҳромда ва рўзадор ҳолатларида қон олдирдилар» деган ривоят билан биринчи ҳадис «наسخ» қилинади. Сабаби Шаддод Авсдан ривоят қилинган ҳадис Макка фатҳида, Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадис эса ҳажжатул вадодо айтилгандир. Лекин афсуски, кейинги пайтларда араб тили ёки турк тилидан лугавий таржима қилувчи таржимонлар кўпайиб кетди. Натижада диний билими чуқур бўлмаган кишиларнинг амри маъруф, наҳий мункар ишларига қўл уриши сабабли мусулмонларнинг эътиқодий ва амалий тушунчаларида чалкашликлар юзага келди. Бинобарин, халқимизнинг «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган нақлига амал қилинмаслиги оқибатида тўғри йўлдан оғиб, турли бузук ақидаларнинг тарқалишига олиб келди. Улар келтирган зарардан халқимиз ташвиш чекаётгани ҳаммамизга маълум. Бундай ишларга чек қўйиш лозим.

## *Еттинчи суҳбат*

### **ЁШЛАР ВА АЁЛЛАР ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИСТИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ОБЪЕКТЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ВАЗИФАЛАР**

#### *Диний экстремистик ҳаракатлар нима учун асосий эътиборни ёшларга қаратмоқдалар?*

Республикамызда эътиқод эркинлигини таъминлаш масаласида барча шароитлар яратиб берилган бир шароитда, маккор ва кўпуровчи кучлар, диний мутаассиб гуруҳлар ўз қабих режаларини амалга ошириш йўлида халқ ичида бузғунчи ғояларни тарқатишга уринмоқдалар.

Амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, экстремистлар ўз мақсадлари учун асосан ёш йигит ва аёлларни танлайдилар. Нега айнан ёшлар ва аёллар?

Чунки, айнан ана шулар Ватанимиз келажаги, миллатимиз эртанги кунини, тараққиётинини белгилаб беради. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек: «XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси кучли бўлади? Бу саволга, аҳолисини интеллектуал нуқтаи-назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, Ватанпарвар бўлиб, униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин».

Шу ўринда ўсмирлар ташқи таъсирга кўпроқ мойил бўлишинини алоҳида қайд этиш лозим. Муайян ҳолларда ҳаётдаги орзу-мақсадларга мустақил эришиш ҳаракатларининг ҳамма вақт ҳам амалга ошавермаслигини оқибатида ёшларда инфантиллик (ўзинини ночор, ёрдамга муҳтож ҳис қилиш) хусусиятини шаклланишини кузатилади. Бундай вазиятда уларда «олий мақсадларга интилаётган мен каби кишилар ёки жамоа мавжуд», - деган тасаввур пайдо бўлишига замин яратилади. Шунда улар ўзларининг

мақсад ва интилишларини тушунадиган кишиларни излай бошлайдилар.

Айни пайтда, жиддий масъулиятдан озод бўлган ўсмирлар учун шахсий тажрибанинг етишмаслиги хосдир. У соддадиллик ва хаёлпарастлик билан ёнма-ён келади. Шу билан бирга, ёшлар наздида атрофда кузатилаётган адолатсизлик натижасида юзага келадиган зўриқишни йўқотишда фақат биргина йўл – «буюк ғоя»ни ўзида мужассамлаштирган етакчи билан ҳаммаслак бўлишни танлашга мойиллик юзага келади. Бу йўл ўсмирни диний мутаассиб оқимлар домига тортилишига олиб келиши мумкин.

### ***Экстремистларнинг аёлларга алоҳида эътибор билан қарашларини қандай изоҳлаш мумкин?***

Экстремистлар табиатан ишонувчан, ташқи таъсирга мойил бўлгани учун аёллар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор билан қарайдилар. Уларнинг ҳаётда сабрбардошли ва фидойий бўлиш билан бир қаторда ҳамиша маънавий-руҳий кўмакка, кўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезишлари ҳам экстремистларга кўл келади.

Миллат ва мамлакатнинг келажаги бўлган ёшлар тарбияси кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, экстремистларнинг аёлларга бўлган эътибори уларнинг эътиқодини ўзгартириш орқали фарзандлари дунёқарашини ҳам тегишли йўналишда шакллантириш, миллат, жамиятнинг эртанги кунини муайян йўсинга солишга бўлган интилиш билан белгиланишини ҳам таъкидлаш зарур.

Аёлга хос маънавий-руҳий хусусиятлардан фойдаланган диний-экстремистик гуруҳлар уларнинг айримларини ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш воситасига айлантираётганликларини ҳам қайд этиш лозим.

Сўнги пайтларда аёллардан «худкуш» террорчиларни тайёрлаш ҳам кўпайиб бораётганини таъкидлаш зарур. Ўрганиш террорчилар аёлларга нисбатан бундай

ҳолларда онг ва хулқни моделлаштириш, психотехник воситалар ёрдамида дастурлаш, наркотик ёки психотроп моддалар билан «ишлов бериш»дек манфур усуллардан фойдаланаётганликларини кўрсатмоқда. Натижада бундай аёл иродаси заиф, онгига сингдирилган буйруқ ва вазифани сўзсиз бажарадиган, ундан бошқа ҳеч нарсани кўрмайдиган ва ҳеч нарсадан тап тортмайдиган мавжудотга айланади. Статистик маълумотларга қараганда, Шри Ланкада узоқ йиллар давомида фаолият кўрсатиб келган «Тамил иламни озод этиш йўлбарслари» номли террорчи ташкилот ўзининг амалга оширган террорчилик ҳаракатларининг деярли 70 фоизда аёллардан фойдалангани ҳам бундай хулосаларнинг ўринли эканини кўрсатади.

Аёллардан «худкуш»ларни тайёрлашнинг бошқа жиҳатлари ҳам бор. Хусусан, Шарқ аёлларининг узун миллий либос кийиши, рўмол ўраши, хомиладорлиги ва бошқа сабабларга кўра текширув-назорат вақтларида уларнинг кўпинча тўхтатилмаслиги боис портловчи мосламани яшириш имконияти катта бўлади. Юқоридаги каби сабабларга кўра аёллардан, кўпгина ҳолларда номуси топталган, таҳқирланган қизлардан «камикадзе»лар сифатида фойдаланиш сўнгги пайтларда кўпайиб бораётганини таъкидлаш зарур.

*Диний-экстремистик ҳаракатлар фуқароларни ўз сафларига жалб қилиш учун одатда қандай усуллардан фойдаланадилар?*

Ҳар қандай диний мутаассиб оқим «ўлжа»сининг ҳаётини муҳим эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда, ўз таълимотини жозибадор қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Одамларнинг бундай оқимлар таъсирига тушиб қолиши, шунингдек, одатдаги ахборот доирасидан ташқарига чиқадиган турли шов-шувларга ортиқча эътибори билан ҳам белгиланади. Бундай эътиборни бугунги кунда кенг тарқалаётган ғайритабиий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлиги ҳақидаги ахборотлар озиқлантириб туради. Турли ахборот

манбаларининг доимий таъсири остида бўлган бир пайтда инсон ғайриилмий, сохта диний ғояларни қабул қилишга мойил бўлиб қолади.

Экстремистик гуруҳларнинг асосий мақсадлари зўравонлик ва алдаш усуллари билан сиёсий ҳокимиятга эришиш бўлиб, бу йўлда гуруҳ етакчилари оддий аъзоларни бемалол қурбон қилиб юбормоқдалар. Мутаассиб ғоялар домига тушиб қолган шахслар оиласидан, жамиятдаги ўрnidан, ҳатто ҳаётидан ажрамоқдалар.

Бундай шахсларни ҳар қандай топширикни ҳеч иккиланишсиз бажариш даражасига олиб келиш учун эса синалган услублардан фойдаланмоқдалар. Жумладан, «оз-оздан» технологиясида фақат биргаликда намозга бориш, дам олиш кунларини бирга ўтказиш, фақат бир ҳафта кечкурунлари бирга диний адабиёт ўқиш, жамоанинг йиғинларида қатнашиш, фақат бир марта варақа тарқатиш каби кичик илтимослар орқали ёлланаётган шахсни жиддий ёнбосишга мажбур қилиш йўлидан борилади.

Шунингдек, доимий «мия ювиш» воситасида жамоанинг ғояларини амалга ошириш ёлланаётган кишининг шахсий қийинчиликлари ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўли, деган қараш тинмай уқтириб борилади.

Сунгра «гуруҳий таъсир этиш» услуби қўлланилади. Бунда жамоанинг барча аъзолари янги аъзони турли томондан ягона ғояга йўналтирилган фикрлар билан «кўмиб» ташлайди.

Айни пайтда, ёлланаётган шахсга бетиним янгидан-янги маълумотлар бериш ва ўз фикрлари билан ёлғиз қолиши ва холис танқидий таҳлил қилишига йўл қўймаслик орқали унда эътироз билдириш ёки баҳслашишга имкон қолдирмасликка ҳаракат қилинади ва бир пайтнинг ўзида унга нисбатан жамоа томонидан фақат ширин сўзлар гапирилиб, у ҳақда ғамхўрлик, аксарият ҳолларда моддий ёрдам ҳам кўрсатилади.



Шуни ҳам таъкидлаш керакки, киши «Ўзимни назорат қила оламан ва хоҳлаган вақтимда жамоадан четлаша оламан», - деган ҳаёлдан узоқ бўлиш лозим. Чунки, кўпчилик мутаассиб оқимлар янги тарафдорларни ёллашда руҳий таъсирнинг юқоридаги каби усулларидан фаол фойдаланадилар ва ортга қайтишга деярли имкон қолдирмайдилар.

*Диний билимларни ўрганиш ниятида бўлганлар  
диний экстремистик ҳаракатга аралашиб  
қолмасликлари учун нималарга эътибор беришлари  
керак?*

Фарғз қилайлик, юқоридаги каби ҳолатларда номаълум ёки яхши таниш бўлмаган шахс мурожаат қилди. Ушбу кимса суҳбат бошида ислом асосларини ўрганишга қаратилган ҳаракатларга рағбат бериб, асл мусулмоннинг бурч ва жавобгарлиги каби мавзуларда сўз юритади. Сўнгра, билвосита саволлар билан унга тааллуқли маълумотлар, хусусан, диний ва сиёсий қарашлар билан қизиқади. Суҳбатнинг охирида эса, ўзининг исломга қизиқиши беҳад экани ва яқин биродарлари билан диний билимларини пухта эгаллаётганини айтиб, «ўлжа»га ҳам шуни таклиф этади. Шуни таъкидлаш жоизки, бундай суҳбатлар бир мулоқотда бўлиб ўтиши ёки бир неча учрашувга чўзилиши мумкин.

Бироқ шахснинг қандай жамоага жалб қилинаётгани ҳақида тўла маълумотга эга бўлишга интилиш келажакда ўзи ва оиласини жиддий кўнгилсизликлардан сақлайди.

Масалан, «Исломга доир билимларни кимдан ва қайси асарлар орқали чуқур ва мукамал ўрганиш мумкин?» деган саволга «суҳбатдош» умумий жавоб, яъни «Қуръони карим ва ҳадислардан», дейиш билан чегараланса, ундан кенгроқ жавоб олишга ҳаракат қилиш зарур. Агар суҳбатдош анъанавий, расмий усулларни рад этса ёки уларнинг саёзлигини таъкидласа ёхуд нашр қилинган жойи кўрсатилмаган, норасмий адабиётлар масалан, Тақиюддин Набҳоний қаламига мансуб «Ислом

низоми», «Исломиё оламга қайноқ нидолар», Юсуф ас-Саботиннинг «Иzzат ва шараф сари», Абдул Қадим Заллумга тегишли «Халифаликнинг тугатилиши» ҳамда муаллифи кўрсатилмаган, «Имонга йўл», «Ширин жон қиссаси» каби китобларни тилга олса ёки номлари зикр қилинган шахсларнинг ислом дунёсидаги ўрни ҳақида ижобий сўзласа, унинг мутаассиб ғоялар тарафдори эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳамма вақт ҳам диний мутассиб оқимлар аъзолари илк суҳбатданоқ норасмий адабиётлар ва шахслар ҳақида батафсил сўзламайди. Улар ўз жамоаларига жалб қилиш мақсадида расман тан олинган диний адабиётлар орқали сабоқ олишни тавсия этиши ҳамда бошланғич илмларни ўрганиш учун ўз жамоасига таклиф қилиши мумкин. Буларнинг бари қанчалик жозибадор ва тўғри бўлиб кўринмасин, диний маълумоти ва аниқ мақсадларини билмаган одамдан диний билимларни ўрганишга ҳаракат қилиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Диний билимларга бўлган эҳтиёжни Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида таъминлаш тўғри бўлади.

### *Диний таълим олиш учун қаерга ва кимга мурожаат қилган маъқул?*

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган бўлиб, ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди. Диний фанлар фақатгина диний ташкилотлар тасарруфидаги ўқув юртларида ўқитилиши мумкин.

Ҳозирги кунда республикада Тошкент ислом инситути, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти ҳамда православ ва протестант семинарияси фаолият кўрсатмоқда.

Диний таълим ҳақида гап кетар экан, сўнги йилларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги билим юртларида ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилгани, Давлат таълим стандартлари билан мувофиқлаштирилган

Ўқув дастурлари тузилгани ва ижроси таъминланганини таъкидлаш зарур. Жумладан, шартнома асосида талабалар қабул қилиш ҳисобига диний таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари ўқитувчи ҳамда талабаларининг ойлик маоши, стипендияларини давлат меъёрларига яқинлаштиришга эришилди. Иқтидорли талабаларни рағбатлантириш учун Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг махсус стипендиялари таъсис этилди.

Дин асослари ва дунёвий фанлар билан бир қаторда, талабаларнинг бирор касб-хунарни (сартарошлик, дурадгорлик, ошпазлик, тикувчилик, зардўзлик, каштачилик ва ҳ.к.) ўрганиши йўлга қўйилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўқув режасида кўрсатилган жисмоний тарбия дарс соатларини тўлиқ ҳажмда ўтказиш билан бирга, спорт-соғломлаштириш тўғараклари ишига ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Ўқув юртларида «Баркамол авлод» спорт мусобақалари дастури асосида спортнинг бир неча тури бўйича мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда республикамизда фуқароларнинг диний билимларга бўлган эҳтиёжини тўла қондира оладиган ва давр талабига жавоб берадиган таълим тизими фаолият кўрсатмоқда.

### *Амалдаги қонунчилигимизда диний таълим билан боғлиқ қандай қондалар мавжуд?*

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасига кўра, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, диний таълим бериш ҳақида лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта махсус диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар умумий мажбурий ўрта таълим олгандан кейин қабул қилинади.

Айни пайтда, қонунчилигимизда хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241-моддасига биноан махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек, хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229-2-моддасида эса махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

*Киши фарзанди ёки бирор яқин одами диний экстремистик ҳаракатга қўшилиб қолганини қандай билса бўлади?*

Бирор диний-экстремистик ҳаракат таъсирига тушиб қолган одамни унинг белгилари, гуруҳнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар орқали аниқлаш мумкин.

Бундай кишининг ташқи аломатлари хулқ-атвори, юриш-туриши, кийиниши, сўзлашув луғати ва қизиқишларининг ўзгариши, одатдан ташқари ва

такрорланувчан далилларни кўпроқ келтириши, оиласи, дўсти, касби ёки ўқишига қизиқишининг йўқолиши, ҳатто овқатланиш тартибининг ўзгариши кузатилиши мумкин.

Бу қандай оқим ёки гуруҳ эканини аниқлашда унинг раҳбари ўзини қандай намоён қилиши, гуруҳ тузилишида қатъий иерархия (табақаланиш) мавжудлиги, ундаги ҳукмронлик қандай тақсимланиши ва ким томонидан бошқарилишига алоҳида эътибор қаратиш муҳим. Шунингдек, ушбу гуруҳда янги аъзоларни жалб қилиш учун қандай услублар (ҳаққонийлик ёки ёлғон орқали) қўлланилиши, молиявий маблағлар қаердан олинishi, қандай тақсимланиши ва қайси мақсадларга ишлатилиши ҳақида маълумотга эга бўлиш зарур.

Инсон яқин кишисининг диний-экстремистик ҳаракатга қўшилиб қолганини аниқлашда унинг овқатланиш, ухлаш тартиблари, яқин кишилари билан мулоқоти, умуман шахсий ҳаётидаги ўзгаришларга жиддий эътибор қилиши ва тўғри таҳлил қилиши муҳим ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда мутасадди идоралар ёки масъул шахслар билан бамаслаҳат ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

***Киши фарзанди ёки бирор яқин одами диний экстремистик ҳаракатга қўшилиб қолганини билса нима қилиши зарур?***

Фарзанди ёки бирор яқин одами диний-экстремистик ҳаракатга қўшилиб қолганини билган киши, аввало, ўзини йўқотмаслиги, таҳликага тушмаслиги, энди бирор нарсани ўзгартириб бўлмайди, деган хаёлга бормаслиги зарур. Аксинча, бирор оқим таъсирига тушиб қолган одам билан яхши муносабатни сақлаш, унга нисбатан ижобий кайфиятда бўлиш, суҳбатлашганда вазмин, самимий гаплашиш керак бўлади.

Ҳеч қачон тўғридан тўғри унинг эътиқодига тажовуз қилмаслик, баҳолаш ёки танқид қилиш учун эмас, соғлом фикр нуқтаи назаридан уни тушуниш учун кўпроқ саволлар бериш зарур.

Ўртадаги келишмовчилик ва қарама-қаршиликларни ошкор этиш унинг оқимга янада қаттиқроқ боғланиб қолишига олиб келиши мумкин.

Балогат ёшига етган ва нима қилишни ўзи билади, деб уни кутқариш фикридан воз кечмаслик, соғлом фикр уни қилаётган ишларидан қайтаради, деб ишониб қолмаслик керак. Ўзи буни таъкидлаган ҳолда ҳам, унинг ҳамма нарсани тўғри ҳал қила олиши исботланмаган.

Муаммолар билан яккаланиб қолмасдан, мазкур масалани маҳалла оқсоқоли, масжид имоми, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан бамаслаҳат ҳал қилиш зарур.

Ниҳоят, оқим таъсирига тушиб қолган киши яна илгаригидек бўлиб қолади, деб ўйламаслик, ҳаётий тажрибадан тўғри хулоса чиқариш, хушёрликни бир лаҳза ҳам йўқотмаслик, уни ёш ниҳолдек асраш керак бўлади.

*Диний экстремистик ҳаракатлар таркибида жиноят содир этган фуқароларга нисбатан қандай жазолар қўлланади?*

Диний-экстремистик ҳаракатлар таркибида жиноят содир этган шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155 (терроризм), 156 (миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш), 159 (Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш), 216 (ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш), 216-1 (ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш), 244-1 (жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш), 244-2 (диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш) моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилиб, судлар томонидан белгиланган тартибда жазо қўлланилади.

Шу билан бирга, айбига иқрор бўлиб, адашганини тан олиб, ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга келиб, жиноятнинг очилишига ёрдам берган шахслар жазодан озод этилиши Жиноят кодекси (157-модда, 3-қисм; 159-модда, 5-қисм; 160-модда, 3-қисм; 244-2-модда, 2-қисм; 244-3-модда)да кафолатланган.

Баъзи бир ёшларимиз гайриқонуний диний оқимларга расмий равишда аъзо бўлмасаларда, уларга хайрихоҳлик билдириб, билиб-билмай юқорида санаб ўтилган жиноятларга бевосита ёки билвосита алоқадор бўлиб қолган ҳолатлар учраб турибди. Бунда улар амалдаги қонун талабаларига кўра, жиноятга иштирокчи деб ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28-моддасига биноан иштирокчи деганда, бевосита жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам тушунилади. Булар ҳам жиний шерик сифатида, жиноятни содир этган шахс билан бир қаторда, Жиноят кодексининг юқорида қайд этилган моддалари билан жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 290-моддасида мол-мулкни хатлаш бобига ҳам ўзгартиришлар киритилиб, турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланган жойлар, мулк шаклидан қатъи назар, давлатга хоинлик қилиш, конституциявий тузумга, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, терроризм, кўпурувчилик жиноятларини содир этиш учун фойдаланилган тақдирда бу жойлар суд ҳукмига кўра мусодара этилиши кўрсатилган.

Айтиб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда айрим юртдошларимиз турли шахсларга уйларини ижарага бериш ҳоллари учрайди. Аксарият ҳолларда турли диний экстремистик, террористик ташкилот аъзолари ўз фаолиятларини шундай хонадонларда юргазилган ҳаракат қиладилар. Бунда бу хонадон жиноятни содир этиш учун фойдаланиладиган жойга айланади ва 290-моддада қайд

этилаганидек давлат ҳисобига мусодара этишга асос бўлиб қолиши мумкин.

### *Экстремистик ҳаракатларга қўшилиб қолган ёшларнинг авф этилишининг боиси нимада?*

Диний экстремистик оқимларга қўшилиб қолган ёшларнинг давлатимиз раҳбарияти томонидан авф этилиши ўзбекона бағрикенглик, инсонпарварлик ва адолатпарварликнинг нишонаси бўлиб, ёшларни нотўғри йўлдан қайтариш, улар ўртасида диний экстремизм ва мутаассибликнинг олдини олиш, Ватанига, ота-онаси, оиласи бағрига қайтариш, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган бу тоифа шахсларга яна бир бор имкон бериш, беҳуда қурбон бўлишига йўл қўймаслик каби мақсадларга қаратилган.

Аслида бундай адашган ёшлар фақат ижрочи ёки «кўғирчоқ» бўлиб, панада турган, террорнинг ҳақиқий ижодкорларига қарши кураш биринчи навбатдаги масала эканини ёдда тутиш лозим. Шу билан бирга, адашиб, алданиб, билиб-билмай бундай разил йўлларга кириб қолган ёшларни яна ҳаётга қайтариш, уларни тўғри йўлга чорлаш, фуқароларнинг омон-эсон ўз оиласи кучогида яшаши жамиятда олиҳиммат фазилатларни юзага келтирувчи омиллардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 сентябрдаги «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги қатор фармонларига биноан конституциявий тузумга қарши жиноят содир этган кўплаб фуқароларимиз жиноий жавобгарликдан озод этилдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатмаси билан 2003 йилда диний-экстремистик ташкилотлар таркибида жиноят содир этиб, жазони ижро этиш муассасалари (ЖИЭМ)да муддатини ўтаётган маҳкумлар аҳволини ўрганиш мақсадида Махсус комиссия тузилди.



Комиссия таркибига малакали мутахассислар – ислмошунос олимлар, диний уламолар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари ва жамоатчилик вакиллари жалб қилинди.

Комиссия 2003 йил апрель-август ойларида республикадаги ЖИЭМларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг аҳволи ва ички дунёсини ўрганиш, бу йўлга кириб қолишининг асл сабабларини аниқлаш, ўз хатосини тушуниб етганларини тўғри йўл ва жамиятга қайтариш, оиласи, маҳалласига келгач яна мутаассиблик таъсирига тушиб қолмаслигининг олдини олиш мақсадида уларнинг ҳар бири билан яқка тартибда бир неча маротаба суҳбатлар ўтказди. Унда маҳкумлар танлаган йўлнинг нотўғри экани диний манбалар ҳамда давлат қонунлари асосида тушунтирилди.

Суҳбат натижасига кўра, қилмишидан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтгани аниқланган маҳкумларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича Комиссияга тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрь ва 2004 йил 1 декабрдаги «Амнистия тўғрисида»ги фармонларига асосан мазкур маҳкумлар озодликка чиқдилар.

***Диний экстремистик ташкилотларнинг авф тўғрисида озодликка чиққан собиқ аъзолари жамиятда ўз ўринларини топиб олишлари учун қандай ёрдам берилмоқда?***

Муқаддам диний-экстремистик оқимлар таркибида жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаб чиққан ёки авф этилган фуқаролар жамиятда ўз ўринларини топиб олишлари учун ҳукуматимиз томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган бу тоифа шахсларга жойлардаги «Ижтимоий кўникма» марказлари томонидан энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида моддий

ёрдам кўрсатилиб, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳамкорлигида уларнинг паспорт олиш, яшаш жойида рўйхатда туриш ҳамда ишга жойлашишларида ҳам ёрдам бериб келинмоқда.

Шунингдек, диний-экстремистик ташкилотлар таркибида жиноят содир этиб, амнистия туфайли озодликка чиққан фуқароларни жамиятдан ажратиб қўймаслик, уларга ёрдам бериш мақсадида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу тоифа фуқаролар яшаш ва иш жойларида кўникма ҳосил қилишлари, атрофдагилар билан яхши муносабат ўрнатишлари учун улар ҳар томонлама маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Амнистия туфайли озодликка чиққан фуқароларни жойлардаги имом-хатибларга бириктириб қўйиб, уларнинг оилаларидаги ижтимоий вазиятни чуқур ўрганиб чиқиш, яшаш шароитлари билан яқиндан танишиш, эҳтиёжларини (ишга жойлашиш, нафақа пулларини вақтида олиш ва ш.к.) инобатга олган ҳолда масжид ҳисобидан уларга ёрдам кўрсатиш амалиёти ҳам йўлга қўйилганини таъкидлаш зарур.

Уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, касалманд ва ногиронларни алоҳида эътиборга олиш ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш бўйича ҳам муайян тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

***Ёиларимизни диний мутаассиб оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, фарзандларимизда бузғунчи гояларга қарши иммунитетни шакллантириши учун нималарга эътибор қаратиш зарур?***

Президентимиз Ислом Каримов фарзанд тарбиясининг аҳамиятига тўхталиб, «Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни Ватанпарварлик, ростгўйлик,

ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади», – деб таъкидлаган эдилар.

Ҳозирги кунда фарзандларимиз дунёнинг энг ўткир, фаол, уддабурон, Ватанпарвар ёшларига айланиши, уларни фидойлик, Ватанпарварлик, тадбиркорлик, миллатпарварлик, садоқатга ўргатиш кўп жиҳатдан ота-оналарга боғлиқ. «Қуш уясида кўрганини қилади». Бу борада, албатта, ота-онага ёрдам беришда бутун жамоатчилик – маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, имом, профилактика нозири, Хотин-қизлар кўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотларнинг жойлардаги масъуллари биргаликда фаол ишлашлари керак.

Ёшларга ушбу офатнинг моҳияти ва зарарли оқибатларини кенгроқ тушунтиришда ижобий таъсир қилишнинг барча восита ва услубларини қўллаш керак. Балансдор широкларни такрорлаш ўрнига фикрни ҳаётини мисоллар орқали етказиш маъқулроқ.

«Бекорчидан Худо безор», дейди доно халқимиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, ёшларимиз турли мутаассиб гуруҳлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун уларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, касб-ҳунар, фойдали меҳнатга ўргатиш, турли тўғараклар фаолиятини жонлантириш, спорт клубларида қулай имкониятлар яратиб бериш ҳам ниҳоятда муҳимлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Беғамлик лоқайдликнинг онасидир. Ҳар қандай фазилат ҳаддан ошса, иллатга: тавозе - лаганбардорлик, андиша - кўрқоқлик, ибо - мутелик, уялиш – журъатсизликка айланади. Ер бузилса – деҳқон, бола бузилса – ота-она уялади. Яхши фазилат экиб, парвариш қилинмаса, ёмон сифатлар унади. Фарзанд кўриб, қаровсиз қолдирилса, у фидойи, Ватанпарвар бўлмайди, гиёҳванд, жиноятчи ёки риёкор бўлади.

Юртбошимизнинг самимий, миллат ва унинг келажакини ўйлаб айтган фикрларидан яна бирига диққат қилайлик: «Давлатимиз шиддат билан янгиланмоқда,

фарзандларимиз ҳам кўз ўнгимизда улғайиб камол топмоқда. Биз хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам, бу жараён давом этаверади. Кишини ўйлантирадиган жиҳати шуки, фарзандларимиз биз истаган, биз интилган, ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган даражада ўзгараяптими? Бугун умид билан қараётган ниҳолларимиз эртага кутилганидек мева берадими?»

Ўта жиддий савол. Агар биз ёшларимиз онги ва руҳиятини заҳарли мафкуралардан қатъият билан ҳимоя қилсак, ҳар қандай ғаразгўй кучлар мамлакат мустақиллиги ва унинг порлоқ келажагига раҳна сола олмайди. Бу жамиятимиз, шу юрт, шу Ватанни муқаддас деб билган ҳар бир фуқаро олдида турган асосий вазифадир.

## Саккизинчи суҳбат

### ЗАМОНАВИЙ ТАРИҚАТЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

#### *Тасаввуф атамасининг қандай маънолари бор?*

Тасаввуф сўзи истеъмолда суфийлик, суфизм, тариқат ёки тариқатчилик атамалари билан маънодош бўлиб, унинг келиб чиқиши масаласида бир қатор қарашлар мавжуд. Йирик тасаввуфшунос олимларнинг фикрича, «Баъзилар бу сўз «саф» сўзидан келиб чиққан дейдилар. Чунки сўфий, Илоҳ йўлига кирганларнинг биринчи сафида турувчидир.

Баъзи олимлар уни «суффа» сўзидан ҳосил бўлган, деб айтадилар: асҳоби суффа ҳазрати Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам тириклигидаёқ тарки дунё қилган тақводор кишилар бўлиб, сўфийлар шуларга тақлид қиладилар, деб тушунтирадилар.

Яна бир гуруҳ олимлар сўфий сўзи «сафо» сўзидан келиб чиққан, чунки бу тоифанинг қалби сидку сафо офтобидай порлаб туради, деганлар.

Яна баъзилар сўфий «суфуҳ» сўзидан ясалган, суфуҳ – бирон-бир нарсанинг хулосасидир, бу жамоа халқнинг хулосаси бўлгани сабабли уларни сўфий деганлар, деб ёзадилар.

«Сўфий» сўзи юнонча «суф» сўзидан ясалган, деб биладиган олимлар ҳам бор. Аммо кўпчилик «сўфий» сўзи арабча «суф» сўзидан ҳосил бўлган, деган фикрда яқдилдирлар. «Суф» сўзининг луғавий маъноси «жун ва жундан тўқилган мато»дир. Сўфийлар кўп ҳолларда жун чакмон ёки қўй терисидан тикилган пўстин кийиб юришни одат қилганлари учун уларни «жун кийимлилар» (форсчаси «пашминапўш») деб юритилган. Бизнингча, шу кейинги этимологик маъно ҳақиқатга яқинроқдир.

Зеро, «сўфий» сўзининг «суф» сўзидан ясалиши араб тили конун-қоидаларига мос келади.

*Тасавуф таълимоти мамлакатимиз ва халқимиз тарихи билан нечоғли боғлиқ?*

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бебаҳо маънавий-маданий меросимизни холисона ўрганиш ва тиклашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида катта эътибор берилмоқда. Айниқса, маънавий мероснинг туб моҳиятини акс эттирувчи диний – миллий кадриятларни қўлёзма манбалар асосида ўрганиш, уларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш, янгича илмий таҳлил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъбирлари билан айтганда, «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак». Бугун маданий меросимиз дурдоналарини излаб топиш, асраб-авайлаш, сақлаб қолиш ва илмий тадқиқ этиш, улуғ алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама ва холис ўрганиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

2003 йилнинг ноябрида улуғ мутасаввиф олим, Хожагон тариқатининг асосчиси – Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллик, 2004 йилда эса Нақшбандия тариқатининг йирик вакили – Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор таваллудининг 600 йиллик юбилеи мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлангани, уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш юзасидан ибратли ишлар амалга оширилгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Ўзбек халқи умуман ислом маданияти, хусусан, тасаввуф илми ривожига беқиёс ҳисса қўшгани тарихий ҳақиқат. Зеро, халқимизнинг буюк фарзандлари тасаввуф илмини назарий ва амалий жиҳатдан бойитиб, қимматли асарлари билан нафақат ислом олами, балки бутун дунё маданиятини мислсиз юксакликка кўтарганлар. Хожа Аҳмад Яссавий (ваф. 1166/67 й.), Абдухолик Ғиждувоний (1103-1179), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Хожа Муҳаммад Порсо (1345-1420), Паҳлавон Маҳмуд (XIV аср), Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490), Мир Алишер Навоий (1441-1501), Махдуми Аъзам Косоний-Даҳбидий (ваф. 1542), Бобораҳим Машраб (1640-1711), Дукчи Эшон (ваф. 1898 й.) каби буюк мутафаккир аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Уларнинг асарлари, бир томондан, инсоннинг ўзлигини англашга ва шу орқали унинг камолотига, иккинчи томондан, ислом динининг асл инсонпарвар ва тараққийпарвар моҳиятини теранроқ тушунишга хизмат қилади. Айни пайтда уларда миллий-тарихий ривожланишимизнинг турли босқичларига хос хусусиятлар, хусусан, халқимизнинг эрк ва озодлик, мустақиллик ва тараққиёт йўлида олиб борган кураши асрлар давомида сайқал топган кадриятлари, олам ва одамга муносабатнинг бетакрор руҳий талқинлари, комилликка интилиш йўлидаги изланишлар ўзининг бетакрор ифодасини топганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

*Бугунги кунда фаолият олиб бораётган тариқатчиларининг кўнчилиги тасаввуфнинг асл моҳиятидан узоқлашган дейишади. Шу тўғрими?*

Ҳалоллик, меҳнатсеварлик, адолат ва ростгўйлик каби умуминсоний ахлоқ нормаларини ўзида мужассам этган тасаввуф таълимоти тарихан халқни ягона мақсад

атрофида бирлаштиришга, жамиятнинг турли табақалари ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарининг илдиз отишига хизмат қилган.

Айни вақтда ҳам мусулмон дунёсининг деярли барча мамлакатларида тасаввуфнинг турли тариқатлари вакиллари фаолият юритаётганини кўриш мумкин. Туркия, Миср, Жазоир, Тунис, Ливия, Индонезия, Малайзия, Иордания, Покистон каби мамлакатларда мавжуд тариқатларнинг саноғига етиш ҳам қийин. Бу сулукларнинг кўпчилиги тасаввуф таълимотининг илк ғояларидан анча узоқлашиб кетган. Шайхлик мақоми маблағ тўплаш манбаи бўлиб қолган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Туркиядаги кўплаб тариқат вакиллари томонидан ўз шайхларининг ўта муболаға билан улуғланиши, уларнинг тавоф қилиниши, шайхларнинг ўз тарафдорлари ва муассасалари мавжудлиги ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Покистон ва Ҳиндистон ҳудудларида тарқалган тариқатларнинг урф-одатларига назар солинса, уларга йога, буддавийлик, хиндуийлик ва қадимги ҳинд фалсафасининг таъсири катталигини кўриш мумкин. Хусусан, Барлавия, Меҳмандия ва бошқа қатор тариқатларда қадимги ҳинд фалсафасидаги таносух, яъни рухнинг кўчиб юриши ғояси кенг ўрин олганини қайд этиш лозим. Улар намоз ёки зикр вақтида юқоридан бир жойни бўшатиб қўйган ҳолда унга Муҳаммад Пайгамбар алайҳис-салом руҳи келиб ўрнашади, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, уларда масжидларининг қибла тарафида ўз тариқатларининг асосчиси ёки пирларининг қабрини жойлаштириш, намоздан аввал ва кейин уни тавоф қилиш амалиёти мавжудлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ва ўзларини тариқат етакчиси деб танитаётган шахслар, уларнинг эътиқоди, илгари сураётган ғоялари ва амалий расм-русумлари соф ислом таълимоти ва илк давр тасаввуф



таълимотидан анча йироқлашгани ҳам юқоридаги мулоҳазаларнинг ўринли эканини кўрсатади.

*Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда мавжуд бўлган тариқатчилар фаолияти ҳақида нима дейиш мумкин?*

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида тариқатчилар фаолиятининг сезиларли жонланиши кузатилмоқда. Улар қаторида Самарқанд вилояти ҳудудида фаолият юритаётган, халқ орасида «Қора саллалилар» (илмий тилда – Нақшбандия-Мужаддибия) деб аталадиган тариқат гуруҳини санаш мумкин. Унинг етакчиси Исоқжон Умаров (Исоқжон домла) 1911 йилда Самарқанд вилояти Нарпай тумани Оқтош қишлоғида туғилган. Унинг тарафдорлари 1953 йилдан буён қора салла ўрашади. Бугунги кунда ушбу гуруҳ тарафдорлари сони тахминан 5 минг кишини ташкил этади, деб ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги Самарқанд (Самарқанд шаҳри, Нарпай, Тойлок, Булунғур, Каттакўрғон ва Ургут туманлари), Навоий (Навоий шаҳри, Хатирчи, Қизилтепа туманлари), Қашқадарё (Муборак, Косон, Қарши туманлари), Тошкент (Бўка тумани) ва Хоразм вилоятлари ҳудудларида яшайдилар.

И.Умаров 1983 йилдан негизи Нақшбандийликка боғланган ушбу тариқатчилар гуруҳига раҳбарлик қила бошлаган.

Сурхондарё вилояти ҳудудида тариқатчилар фаолияти Дўстмуҳаммад Турсунов бошчилигида кузатилади. Дўстмуҳаммад Турсунов 1935 йилда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида туғилган. 2003 йилга қадар мазкур тумандаги «Домулло Қосим» масжидида имомлик қилган.

Д.Турсунов ўзини Нақшбандия тариқатининг пири муршиди деб билади ва муридларни қабул қилиб, уларга тариқат одоблари бўйича вазифалар беради. Бу вазифалар асосан нафл ибодатлари ва зикр хусусида бўлади.

Д.Турсунов вилоятнинг Шўрчи, Узун, Денов, Сариосиё, Ангор туманлари, Қашқадарё вилояти ҳамда Фарғона водийси аҳолиси орасида ўз тарафдорларига эга. Унинг муридлари орасида тадбиркорлар, фермерлар ва аҳолининг бошқа қатламлари вакиллари кўриш мумкин. Муридларининг таъкидлашича, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган бошқа тариқатчиларга нисбатан Д.Турсунов диний билимларни мукамал билган. Шунинг учун издошлари уни «Шайхул ислом», «Шайх» тахаллуслари билан улуғлайдилар.

Д.Турсунов 2013 йил май ойида вафот этган.

Андижон вилояти ҳудудида ҳам Нақшбандия тариқатининг айрим вакиллари фаолияти кузатилмоқда. Улардан бири 1927 йил 15 январда Андижон вилояти Шаҳрихон туманида туғилган ҳозирда марҳум Зухриддин Эшонов (шайх эшон Зухриддин қори Нақшбандий-Шаҳрихоний) бўлиб, унинг вафотидан сўнг кейинги йилларда, мазкур шахснинг муридларлари ва тариқатчилари фаолияти пасайган. З.Эшоновнинг фаолиятида ҳам асл Нақшбандийга асосларидан узоқлашиш ҳолатлари мавжуд эди.

Фаол иш юритаётган тариқат вакилларида яна бири Одилхон Саломов (Одилхон қори) 1928 йилда Андижон шаҳрида туғилган. У Нақшбандия тариқатининг жаҳрий зикрга асосланган шаҳобчасига раҳбарлик қилади. Унинг тарафдорлари ҳар пайшанба куни пирнинг ҳовлисида, мавлид ойларида ёки бошқа каттароқ тадбирларда Фарғона водийсининг турли жойларида жамланиб, зикр маросимлари ўтказиб турадилар.

Вилоятдаги уламолар, маҳаллий аҳоли ва муридлари билан ўтказилган суҳбатлар О.Саломовнинг диний билими етарли эмаслигини, шариат қоидаларини мукамал билмаслигини кўрсатади. Унга 30 йилдан буён маслакдош бўлиб келаётган айрим муридларнинг шариатнинг баъзи қоидаларини билмаслиги эса шогирдлар қиёфасини тасаввур қилиш имконини беради. О.Саломов муридликка 30 ёшдан ошган кишиларни қабул қилади. 10 дан ортиқ муридлар доимий равишда унинг хизматида. Маълумотларга кўра, О.Саломовнинг жойлардаги халфалари Андижон эски шаҳри Олтинсой кўчаси 117-хонадонда (О.Саломовнинг аввалги ҳовлисида) ҳар пайшанба «аср» намозидан кейин доира шаклида рақс усулида баланд овозда зикр тушишади. Халфалардан бошқа барча муридлар 5-10 киши бўлиб, бир-бирларининг уйларида зикр тушишади. Улар ҳанафий мазҳабида ибодат қилишади ва ҳозирги кунда уларнинг сафи 500 дан ортиқ кишини ташкил этади.

О.Саломов жорий йилнинг апрель ойида вафот этди. Айни кунда унинг ўрнига наманганлик, асли касби сартарош бўлган Абдулбоқи исмли киши тариқатга раҳбарлик қилмоқда.

***Тариқатчилар орасида марҳум Иброҳим Маматқулов тарафдорлари кўплигининг сабабларини қандай изоҳлаш мумкин?***

Тариқатчилар ичида энг кўзга кўрингани вафотига қадар (вафоти 2009 йил) ўзини Накшбандия-Мужаддидия-Хусайния тариқати раҳбари, деб таништирган марҳум Иброҳим Маматқулов (Иброҳим эшон) ҳисобланган. У 1937 йилда Фарғона вилоятининг Бувайда тумани Оққўрғон қишлоғида таваллуд топган. Мир-Араб мадрасасига ўқишга кирган, лекин тугата олмаган.

И.Маматкулов тарафдорларининг кўпчилиги вилоятнинг Бувайда, Ёзёвон, Марғилон, Олтиарик туманларида, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида истиқомат қилувчи фуқаролар бўлган. У ҳудудда бошқа тариқатчиларга нисбатан тарафдорларининг кўплиги, муридларини бир жойга тўплай олиши, таъсир доирасининг катталиги билан ажралиб турарди.

И.Маматкулов издошларининг мунтазам кўпайиб бориши сабабларидан бири шуки, унинг муридлари одатда тарафдорлар йиғиш жараёнида ўз етакчилари И.Маматкуловни идеал шахс сифатида кўрсатишга эришишган эди. Шунингдек, зикр қилишни ўргатадиган қўлланмаларни ҳали намоз ўқиш қоидаларини ҳам эгалламаган аҳоли орасида тарқатишга уринишлар ҳам мавжуд эди. Унда таъкидланишича, қўлланмага доимий амал қилган кишининг жаннатга тушиши, уқтирилган.

И.Маматкуловнинг уйи унинг тарафдорлари учун асосий марказ ҳисобланган. Эшоннинг хизматида доимий тарзда кўплаб мурид турган. Унинг турли вилоятлардаги ўринбосарлари ўз ҳудудларида тариқатчиларга раҳбарлик ва янги аъзоларни қабул қилганлар.

И.Маматкулов 2009 йил 23 август куни вафот этди.

### *Тариқатчилар гуруҳлари фаолиятининг ихтилофли жиҳатлари нимада?*

Тариқатчилар томонидан жорий этилган баъзи янгиликлар улар фаолиятида қузатилаётган айрим ўзига хосликлар муайян ихтилофли ҳолатларни келтириб чиқармоқда. И.Маматкулов тариқат раҳбарлигини қўлига олгач, муридлари учун жорий қилган қатор янгиликлар бунга мисол бўла олади. Уларнинг ҳатти-ҳаракатларида юртимизда қарийб ўн тўрт асрдан буён амал қилиб келаётган ҳанафий мазҳаби аҳкомлари ва аҳли сунна

эътиқодига зид ғояларни тарғиб қилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Хусусан:

- кечаси таҳажжуд намозини ўқиш фарз;
- шукри вузуъ намозини қайси вақтда бўлса ҳам ўқиб олиш зарур;
- пирга қўл берганнинг олдинги гуноҳлари кечирилади, қазо бўлган (қолдирилган) намозни ўқимаса ҳам гуноҳ бўлмайди;
- расмий имомларнинг амру маъруфларини менсимаслик.
- И.Маматқуловнинг таҳоратидан қолган сувни табаррук, деб истеъмол қилиш каби ҳолатлар шулар жумласидандир.

*Тариқатчиларнинг таҳажжуд намозини фарз ёки  
вожиб деб билиши, уни кечаси ўқий олмаганлар  
қазосини адо этишлари лозимлиги ҳақидаги  
даъволари ислом қоидаларига нечоғлик тўғри  
келади?*

Таҳажжуд намозини фарз даражасига кўтараётган тариқатчилар одатда қуйидаги далилларни келтирадилар. Аввало, мурид пирнинг олдига келиб, унга қўл берар экан, буюрган барча вазифаларни сўзсиз бажаришга ваъда беради. Аллоҳ таоло Қуръони каримда аҳдга вафо қилиш борасида кўплаб оятларни нозил қилган. Жумладан: «Эй, имон келтирганлар! Битимлар (аҳдлар)га вафо қилингиз!» (Моида, 1).

Демак, тариқат вакилларининг фикрлаш мантиқига эътибор қилсак, киши пирнинг олдида таҳажжуд намозларини қолдирмасликка ваъда берар экан, келтирилган оятларга мувофиқ ўз ваъдасига вафо қилиш унга вожиб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, унга таҳажжуд намози вожиб ёки фарз бўлишини англатади.

Бироқ муфассирлар мазкур оятдаги «аҳд» ёки «битим» сўзидан Аллоҳ таоло билан бандалар ўртасида Ал-Мисоқда тузилган битим назарда тутилади, дейдилар. Баъзилар Аллоҳ билан бандалар ўртасида аҳкомларга риоя қилиш, Қуръонда бандалар тилидан айтилган «эшитдик ва итоат қилдик» калимасига вафо қилиш, деб тафсир қиладилар.

Али ибн Абу Талха Ибн Аббосдан қилган ривоятларида ҳам, оятдаги «уқуд» сўзидан мурод «ухуд» яъни аҳдлашув бўлиб, Қуръони каримдаги Аллоҳ таолонинг бандалар билан ҳалол-ҳаром, фарзу-вожиб, ҳад-худудлар масаласидаги аҳдномасидир, деганлар.

Даҳҳок (р.а.): «Авфуу бил уқууд» оятидан мурод, ҳар бир китоб ва суннатни ҳамда ижмони тан олган кишидан Аллоҳ таоло шариатида кўрсатган буйруқ ва қайтариқларига ҳамда Ал-Мисоқда олган ишончномасига амал қилиш ҳақидаги аҳдномасидир», – дейди.

Маълумки, шариат аҳкомларини жорий қилиш Аллоҳ ёки У изн берган пайгамбарларга хос нарса. Бошқа ҳеч ким, бирон-бир сабабга кўра бу ишни амалга ошириши, бандалар устига шаръий амрни жорий қилиши амри маҳолдир. Ҳаттоки, Муҳаммад алайҳис-салом умматларига доим енгиллик, осонлик, ихчамликни истаб келганлар. Бир ҳадисда айтадиларки: «Агар умматларимга кийин бўлиб қолишидан кўркмаганимда эди, уларга ҳар намоздан аввал мисвок қилишни буюрар эдим». Мисвок дарахтнинг новдасидан қирқиб, пўстлоғини шилиб ташлаб у билан тиш тозалайдиган, ўзидан тиш учун фойдали моддалар ва хушбўйлик чиқарадиган нарсадир. Кўплаб мусулмон ўлкаларида ҳозирда ҳам мисвок истеъмолда. Одамлар махсус ғилофларда чўнтакларида олиб юрадилар ва овқатдан аввал ва кейин, намоздан аввал уни олиб оғзиларида бир неча бор уёқ-буёққа айлантирадилар ва тишларини тозалайдилар. Одатда бу ишни қилиш одамга

қийинчилик тугдирмайди ва атиги бир неча сония ёки бир-икки минут кифоя қилади. Модомики, Пайғамбар алайҳис-салом шу арзимаган иш умматларига машаққат бўлишини ўйлаб, буюрмаган бўлсалар, кечаси, туннинг ярмида, уйқунинг энг ширин пайти келганда туриб ибодат қилишни бошқаларга вожиб қилишга кимнинг ҳадди сиғади? Агар банданинг хоҳишига қараб шаръий ҳукмлар ўзгартирилаверса, шариатнинг улуглиги қаерда қолади?!

Қуръони каримда: «Тунда (Ярим кечада) уйғониб ўзингиз учун таҳажжуд нафл намозини ўқинг! Шоядки, Раббингиз Сизни (Қиёмат кунида) мақтовли (шафоат қиладиган) мақомда тирилтирса» (Исро, 79), – дейилади.

Бу оятни тушунишда ҳам муайян келишмовчиликлар мавжуд. Тариқат вакиллари: «Оятда Муҳаммад алайҳис-саломга таҳажжуд намозини ўқиш буйруқ шаклида келтирилган, Қуръонда келган амр, у ким орқали баён этилган бўлишига қарамай, барчага тенг фарз бўлади», – дейдилар.

Ваҳоланки, муфассирлар мазкур оятда таҳажжуд намози зиёда амаллардан бўлиб, Имом Табарий ўз тафсирида: «Муҳаммад алайҳис-саломга (бир марталик) фарз қилингани, умматларига эса нафл», – деб таъкидлайди. Ибн Касир эса: «Таҳажжуд Расулulloҳ алайҳис-саломнинг ўзларига хос фарз амал, умматларига фарз эмас», – деб қайд этади.

Бундан ташқари оятнинг ўзида «нафл», «ўзингиз учун» деган калималар борки, улар бу амр Пайғамбар алайҳис-саломга эканидан далолат қилади. Оятнинг охирида «Шоядки, Раббингиз Сизни (Қиёмат кунида) мақтовли (шафоат қиладиган) мақомда тирилтирса», – дейилади. Шафоатчилик мақоми Одам алайҳис-саломдан бошлаб келган пайғамбарлардан фақатгина Муҳаммад алайҳис-саломга берилиши муқаддас манбалардан барчага маълумдир. Модомики, таҳажжуд намозини ўқишлик шафоатчилик

мақоми билан боғланаётган экан, бу шубҳасиз Муҳаммад алайҳис-саломга тегишли бўлади.

***«Қора саллалилар» тариқат шаҳобчасида тишга пломба қилдириши, қоплама тиш қўйиш таҳоратнинг мукамал бўлишига ҳалал беради, деб билар эканлар. Бу масалада уламоларимизнинг фикрлари қандай?***

Дарҳақиқат, ушбу гуруҳ вакиллари қоплама аъзоси бўлган шахснинг таҳорати мукамал бўлмайди, деган фикрдалар. Улар бундай қарашларига асос сифатида «Хулосатул Фатово» китобидаги «Жунуб бўлган киши гусл қилсаю баданида сув етмаган бир кичгина жой ёки нуқта қолса, у ҳолда ўша киши жунублиқдан чиқмайди», деган фатвони келтирадилар.

Мазкур фатвога асосан тариқатчилар пломба ёки қоплама тиш қўйдирган кишининг таҳорати мукамал бўлмайди, шундай экан унинг орқасида намоз ҳам ўқиб бўлмайди деган фикрни илгари сурадилар.

Бунга жавобан айтиш мумкинки, «Хулосат ул-фатово»да келтирилган мазкур фатвонинг тиш ковагига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Тишга қоплама қўйишнинг ҳукми худди «Ал-Масху алал-жабийра» яъни «жароҳат етган аъзога масх тортиш» ҳукмидадир. Аксинча, тишга қоплама қўймаса ундан чиқадиган бадбўй ҳид билан жамоат билан намоз ўқиш макруҳдир. Расулуллоҳ алайҳис-салом бадбўй ҳид билан масжидга киришдан қайтарганлар. Жароҳат етган аъзога сув текизиш ўрнига устига масх қилиш қандай жоиз бўлса, ковак тишга пломба қўйишнинг ҳукми ҳам худди шундай. Чунки тиш ковак бўлганда унга пломба қўйилмаса, ёки қоплама қўйилмаса, унга ҳар хил овқат қолдиклари кириб натижада огиздан бадбўй ҳид чиқишига сабаб бўлади.



Ҳадисда айтилган: «Оғизларингизни тозалаб юринглар. Чунки у Қуръон учун йўлдир».

Шунингдек, яна кўплаб саҳиҳ ҳадисларда инсонлар озор чекадиган бадбўй ҳиддан фаришталар ҳам озор чекиши, ўткир ҳидли (хом пиёз ёки саримсоқ) истеъмол қилган кишиларнинг жамоатга келиб одамларга озор берганидан масжидга кирмагани яхшироқ экани ҳақида гапирилган.

Мўътабар фикҳ китобларида бу хусусдаги равшан ҳукм куйидагичадир: «Танада машаққатсиз ювилиши мумкин бўлган жойларни ювиш фарздир». Зарар кўриш эҳгимоли бор бўлгани сабабли ғусл қилишда кўзнинг ичини ювиш шарт эмаслиги фикҳ китобларида очик айтилган.

Умуман олганда, мўътабар манбалар тилло ёки қумуш тиш кўйдириш мумкинлигини кўрсатиши баробарида, баъзи мугаассиб тоифалар томонидан қилинаётган «ясама тиши бор имомнинг орқасида намоз ўқиш мумкин эмас», - деган даъволари асоссиз эканини англатади.

*Айрим тариқатчилар жума намозини адо этгандан сўнг яна қайта эҳтиёти пешин ўқишар экан. Бунга шариаъимизда қандай қаралади?*

Бундай ҳолатлар ҳақиқатан ҳам бор. Хусусан, Д.Турсунов раҳбарлик қилган гуруҳ вакиллари эҳтиёти пешин ўқилиши шарт, деб биладилар ва бир неча марта Ўзбекистон мусулмонлари идорасига шу масалада фатво чиқарилишини сўраб мурожаат қилганлар. Буни куйидагича тушуниш лозим: Аллоҳ таоло бандаларига жума намозини фарз қилган. Аммо жума ўқилиши учун бир неча шартлар топилиши лозимдир. Уларсиз намоз адо этилган ҳисобланмайди.

Жумладан ҳанафий мазҳабининг мўътабар манбаларидан бири «ал-Мабсут» китобилан куйидагилар санаб ўтилган:

1. Шаҳар бўлиши. Ҳанафий уламоларидан Ибни Шужоъ шаҳар деган иборани шарҳлаб шундай дейди: «Бир масжид атрофида яшайдиганлар (намозга чиқиши мумкин бўлганлар)нинг барчаси йиғилса ва масжидга сиғмаса, ўша ҳудуд шаҳар ҳисобланади».

2. Ҳоким (Султон) томонидан рухсат этилган бўлиши. Яъни масжидда жума намози ўқилишига ҳокимият, адлия муассасалари ёки масжидлар иши билан шуғулланадиган бошқа давлат идораларидан рухсат олган бўлиши шарт.

3. Изнул-ом яъни барча бирдек намоз ўқийверишига рухсат этилган бўлиши шарт. Мазкур икки шарт асосан масжидда одамлар йиғилган пайтда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, турли фитналар чиқишининг олдини олиш учун белгиланган.

4. Жамоат бўлиши. Яъни ҳанафий мазҳабининг фатволарига кўра имомдан ташқари 2 ёки 3 киши йиғилса бўлади.

5. Вақт. Албатта намоз вақти кирган бўлиши лозим.

6. Хутба ўқилиши лозим.

Агар ушбу шартлардан бирортаси мавжуд бўлмаса жума намозининг мукамал бўлишида ва ундан олдинроқ кимдир ўқиб бўлганига шубҳа уйғонади. Шунда эҳтиётан пешин намозини ўқиб қўйиш кераклиги тўғрисида баъзи уламолар фатво чиқарганлар.

Бироқ улар замон тақозоси билан ўз кучини йўқотган ва кўплаб уламолар томонидан бу ҳақда фатволар чиқарилган. Жумладан, мусулмон дунёсининг етук илм марказларидан бири Мисрдаги ал-Азҳар мажмуасининг 734-сонли «Жума намозидан кейин пешин ўқилиши ҳақида»ги фатвоси айнан ушбу масала хусусидадир. Унда таъкидланишича, жума намозидан кейин эҳтиётан пешин ўқилиши ҳақидаги гапнинг на Китоб ва на суннатдан далили йўқдир. Уламоларнинг фикрича, ибодатнинг моҳияти Расулулоҳ алайҳис-саломга мувофиқ бўлишдир.

Жума намозидан кейин эҳтиётан пешин ўқиш ҳақида эса Муҳаммад (алайҳис салом) ҳеч нарсa демаганлар».

*Айрим ҳудудларда ҳар хил номлар остида суфий табобат марказлари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг тасаввуф билан нечоғли алоқаси бор?*

Жиззах вилоятида ўзини тариқатнинг янги кўринишининг асосчи деб биладиган Сафар Қушқаров томонидан (1952 йилда Бахмал туманида туғилган) «Нурсафардия» «тариқати» тарқала бошлаганини кузатиш мумкин. Бу «тариқат» вакилларининг республикамизнинг бир неча шаҳарларида «Сўфий табобати» тиббий марказлари мавжуд. Бундан ташқари С.Қушқаров «Суфий жанг санъати» номи билан туркум рисолалар чоп эттирган. Уларда, юқорида айтилганидек, Шарқ жанг санъати усуллари ҳақида гапирилган бўлиб, уларни мусулмонлар номи билан боғлашга ҳаракат қилинган. Жумладан, «Сўфий (мусулмон) жанг санъати усуллари» китобида: «Сўфий жанг санъати асоси ҳозирги Хитой ҳудудида Уйғур мухтор вилояти, Ниндзя ва Тансу вилоятларида аҳоли ўртасида сақланиб қолган ва у ҳозирги Ушу, Сини, Шаолин мактабларига катта озуқа ва туганмас бой ахборот олиб кирган», – дейилади. Ваҳоланки, ислом дини ўн тўрт асрдан буён дунёнинг кўплаб мамлакатларида тарқалган, бу дин таълимоти, амалиёти ва маросимлари ҳақида минглаб китоблар ёзилган бўлса, уларнинг бирортасида ҳам «мусулмонларнинг жанг қилиш санъати» деган гап айтилмаган.

Иккинчидан, ислом тинчлик ва осойишталик дини. Унда одамларнинг ўзаро осойишта ҳаёт кечиришлари, ўз юртларини обод қилишлари тараннум этилади. Шунинг учун исломда алоҳида урушиш услуби бўлгани ҳақида гапириш ўринсиз. Бундан ташқари сўфийлар мусулмонлар орасидаги энг хоксор, дунё бойликларию

бошқа манфаатлардан юз ўгириб, фақат охиратни ўйлайдиганлар ҳисобланадилар. Бир неча босқичдан иборат жанг усулини айнан сўфийларга боғлаш ҳам ўта мантиқсизлиқдир. Агар Хитой ҳудудларида яшаган мусулмонлар ўша ерлик аҳолига хос тарзда ушу, кунфу, каратэ каби жанг санъатларини ўзлаштирган бўлсалар буни дин билан боғлаш нотўғри бўлади.

Масаланинг бошқа тарафи ҳам бор. Уламолар маърифий ислом ҳақида гапириб турган бир пайтда, қандайдир жанг қилиш усулини ҳам бу динга олиб келиб тақаш ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир этади. Юртимизда ўнлаб шарқона кураш турлари ривожланиб бормоқда. Ёшларимиз жаҳоннинг турли майдонларида мусобақаларда қатнашмоқдалар. Бироқ уларнинг ҳеч бири қайсидир дин билан боғланаётгани йўқ-ку! Шундай экан, юқоридаги каби фикрлар ва ёндашувлар Ўзбекистондаги динлараро бағрикенглик тамойилларига ҳам мос келмайди.

«Нурсафардия мактаби нима?» номли китобда нурсафардийга йўналишининг мақсадлари, ғоявий ва амалий асослари баён қилинган. Агар мавзудан ташқарига чиқиб, тафаккур қилиб кўрсак, тасаввуф тариқатлари ўз-ўзидан, кимнингдир ихтиёри билан ташкил этиладиган (фирма очишга ўхшаган) иш эмас. Биринчидан, бутун ислом оламига донг таратган Нақшбандия тариқати мисолида кўрадиган бўлсак, унинг вужудга келиш ва шаклланиш даври Абдуҳолик Гиждувонийдан (1103–1179) Баҳоуддин Нақшбандгача (1318–1389) деярли 300 йилга чўзилган. Бундан ташқари, Нақшбандия тариқатининг шаклланишига хизмат қилганларнинг барчаси ислом илмларидан бохабар етук уламолар бўлган. Шундай экан, шариат илмларини ўрганмаган, Сафарбой Кушкаронинг янги тариқат – Нурсафардияни тузганини эълон қилиши ислом илмларидан озгина бўлса–

да хабардор бўлган киши томонидан ҳам умуман қабул қилиб бўлмайдиган ҳолдир.

Нурсафардия Шарқ якка кураши турларидан ушу, кунфу, каратэ кабиларнинг унсурларини ўзлаштириб «Сўфий жанг санъати»ни ёхуд Шарқ табобати сирларини ўзлаштириб «сўфий табобати» деб эълон қилади. Шунинг тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу йўналиш ҳеч қачон ислом динидан хабардор бўлган мусулмонлар, уламолар томонидан қабул қилинмайди.

Тариқатнинг шартларидан бири унинг давомийлигидир ва бу давомийлик силсила (занжир) тарзида етиб келаётган рухсатнома билан тасдиқланади. Кимнингдир тариқат раҳбарлигини олиши учун унинг устозлардан олган йўлланмаси бўлиши керак ва муайян тан олинган тариқатлардан бирортасига мансуб бўлиши керак. Нурсафардиянинг бундай асослари йўқ.

Нурсафардия «сўфий йўналиши» томонидан тақдим этилган китобларнинг таҳлили йўналишнинг диний жиҳатдан асосга эга эмаслигини кўрсатади. Уларнинг тарқатаётган ғоялари ислом дини, сўфийликнинг тарихий манбаларига мос келмайди.

Масаланинг яна бир томони бор. Ёшларнинг ёки умуман фуқароларимизнинг англаб-англамай, кўркўрона тариқат мақомига даъво қилаётган гуруҳларга аъзо бўлиши, айниқса, Нурсафардия каби диний асосга эга бўлмаган гуруҳлар фаолиятига кўшилиши Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида мавжуд бўлган экстремистик кучлар, Ватанимиз тинчлигини кўра олмаётганлар учун кўл келиши шубҳасиз. Шу боис фуқароларимизни мавжуд турли тариқат шаҳобчалари ёки шундай мақомга даъво қилаётган гуруҳлар ва уларнинг фаолиятидан етарлича бохабар қилиш чора-тадбирларини кўрмоғимиз керак.

## *Тўққизинчи суҳбат*

### **МИЛЛИЙ, ДИНИЙ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР**

*Мавлуд, ақиқа, пайгамбар ёши, олтин ва қумуш тўйлар, «Мушкул қушод», «Биби сешанба» каби маросимларни ўтказса бўладими?*

Асрлар мобайнида ўтказиб келинаётган маросимларни тўғри ташкил қилиш, уларни турли бидъат амаллардан тозалаш ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик ўта муҳим масалалардан бирidir.

Мавлуд (Мавлуд ан-набий) Пайгамбар алайҳис-саломнинг тугилган кунлари бўлиб, уни ўтказиш уламоларимиз томонидан маъкул деб, топилган. Бу маросимда ихчам тарзда зиёфат уюштирилиб, унда йигилганларга Пайгамбаримизнинг тавсифлари битилган китоблардан, хусусан, Имом Барзанжийнинг «Мавлуд ан-набий» китобидан парчалар ўқиб, таржима қилиб берилади. Пайгамбаримизнинг ҳадисларига биноан у зотга салавот айтиш савобли иш бўлиб, мавлуд ўтказишдан мақсад ҳам Расулulloҳга жамоат бўлиб дуруд салавотлар йўллаш, у кишининг сийратлари ҳақида маълумот олишдир. Ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўйилмаса, ушбу амални ўтказишдан зарар йўқ.

Ақиқа чақалоқ тугилганда фарзанднинг дунёга келгани ва унинг шукронаси сифатида қилинадиган маросимдир. Ақиқа чақалоқ туғилгандан кейин 7, 14, 21-кунларнинг бирида ўтказилади. Унда бир қўйни сўйиб, уни учга тақсимлаб, бир қисмини ҳомиладан бўшаган она қайта куч-қувватини тиклаши учун олиб қўйилса, бир қисмини ёш гўдакнинг ҳаққига дуо қилишлари учун камбағал оилаларга тарқатилади, бир қисмини зиёфатга ишлатилади. Сўйилган қўй танасини

бутунлигича талабалар, қариялар ва болалар уйларига бериб юборилса, учга тақсимлангандан афзалдир. Зиёфатга қудалар, қариндош ва яқин қўшнилар таклиф қилинади. Ақиқа маросимида маҳалла фаоллари билан бир қаторда масжид имом-хатиби ҳам ишгирок этади. Бу шаръий маросим бўлгани учун Қуръон тиловати ва дуои фотиҳалар қилинади. Қуда-анда, таниш-билишларга тўн кийгазиш ақиқа маросими амалларидан хисобланмайди. Чақалоқ сочига қайчи уриш, қулоғига азон айтиш, танглай кўтариш, хатна амалларини ҳам шу куни ўтказиб олса бўлади.

Аммо, ақиқа маросимини катта дабдаба, юзлаб кишиларга ош бериш шаклида ўтказиш диний ва миллий қадриятларимизга мос келмайди.

Одатда олтмиш уч ёшга кирган отахон ва онахонлар мен Пайғамбарнинг ёшларига етдим, қолган умримни Аллоҳнинг ибодатига, Пайғамбарнинг суннатига амал қилиб ўтказишга сарфлайман, деган мақсадда ош берадилар. Буни чин ихлос билан, Аллоҳнинг розилигини топармиканман, деб ихчам шаклда, исрофгарчиликка йўл қўймай ўтказса жоиз.

Ўзбек оилалари ҳаётига 1960 - йиллардан бошлаб олтин, кумуш ва олмос тўйлари кириб келди. Улар эр-хотиннинг биргаликда 25, 50, 75 йил бахтли ҳаёт кечирганлари муносабати билан ўтказилади. Ушбу тадбирга қариндош-уруғлар, дўст-ёрлар, маҳалла фаоллари таклиф қилинади. Ёш оилаларга 50, 60 йил тинч-тотув, аҳил яшаган оилаларни ўрнатиб қилиб кўрсатиш маъносида ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказилса зарари йўқ.

Мушкул кушод – мушкулларни осон қилиш мақсадида (масалан, қизга совчи келмаганда, йигитга муносиб қиз топилмаганда, бирор иши юришмаганда) қилинадиган хурофот амаллардандир. Биби сешанба ва шунга ўхшаш Анбар она каби маросимлар муҳтарам зотларнинг руҳидан

мадад сўрашдан иборат бўлгани боис, ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас.

*Исломда аза (мотам) тутиш ҳақида нима дейилади?*

Шариатда аза (мотам) тутиш уч кун қилиб белгиланган. Ким вафот этишидан қатъи назар, унинг яқинлари уч кундан кўп мотамсаро бўлиб юришлари ножоиздир. Аммо эр ўлиб иддада қолган хотинга мотам муддати тўрт ою ўн кундир (идда – эри вафот этган ёки талок қилинган аёлларнинг ҳолатига қараб тўрт хилдир. Ҳомиладор аёлнинг иддаси – ҳомиласини тукқунча. Ҳайз кўрмайдиган ва ҳайз кўриш ёшидан ўтган аёллар иддаси – уч ой. Ҳайз кўрадиган аёллар иддаси – тўрт ою ўн кун. Никоҳдан сўнг қўшилмасдан ажраган қизга идда кутиш йўқ). Шариатда эри ўлган хотинга идда муддати давомида мотам тутиш жорий қилиниши эрига ҳурмат юзасидандир.

Шариат кўрсатмаси бўйича таъзияли хонадонда маййитни тезроқ дафн қилиш, васиятлари бўлса адо этиш, жанозага улгура олмаганларга дафндан кейинги уч кун ичида ҳамдардлик билдириш учун келишларини назарда тутиб, таъзияхона эшиги тагига таъзия белгиси сифатида курси қўйиб қўйиш биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган амаллардан ҳисобланади.

Фикҳ китобларида, жумладан, ҳанафий мазҳабида оид ҳуқуқшунос олим Ибн Обидиннинг «Раддул Мухтор ала дуррил мухтор» китобида баён қилинишича, таъзияни уч кун қилиб белгиланиши аслида таъзия билдирувчилар учундир. Жанозада иштирок эта олмаган киши шу уч кун ичида кўнгил сўраб, ҳамдардлик билдирсин, кейин келиб маййит соҳибларининг ярасини янгиламасин. Шундагина ваъда қилинган савобга эга бўлади, дейилган. Шундан келиб чиқиб, ҳайит кунлари яна келиб таъзия билдириш жоиз эмас, чунки таъзия бир маротаба билдирилади. Агар маййитнинг эгаси дафндан олдин сабрсизлик қилиб



жазавага тушса, унда дафн маросимидан олдин сабр тилаб юпатилади. Дафндан кейин қайғу-аламга тушса, уч кун ичида таъзия билдирилади. Таъзияхонада узок қолиб кетиш ҳам яхши эмаслиги фикҳий манбаларда баён қилинган.

Асосан марҳумлар хотирасини ёд этишга қаратилган уч, етти, йигирма, қирк, пайшанбалик ва якшанбалик каби маросимлар ҳам мавжудлигини қайд этиш зарур. Ҳозирги кунга келиб йигирма ва йил ошларини бошқа номлар билан кафе ва ресторанларда ўтказиш одат тусига айланмоқда. Аслида эса, бу каби маросимларни ўтказиш шариат томонидан белгилаб берилмаган бўлиб, бидъат, яъни ислом динида бўлмаган ва ҳеч қандай шаръий қоидага асосланмаган амаллардан ҳисобланади.

***Аллома ва авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилишга динимизда қандай муносабат билдирилади?***

Пайғамбаримизнинг ҳадисларига асосланиб уламоларимиз томонидан қабрларни зиёрат қилиш тартиб-қоидалари кўрсатиб берилган. Масалан, азиз-авлиёлар мазорига борганда Каъбани тавоф этгандек атрофини айланмасдан, одоб сақлаб, тиловат ва дуо қилиб, савобини қабристон аҳллари руҳига бағишланади. Хайр-эҳсон қилмоқчи бўлса, ўша ернинг тартиб-қоидасига қараб, расмий йўл билан амалга оширилади. Авлиёлар номига, қабрларига жонлиқ аташ ва ўша ерларга олиб бориб сўйилиши мумкин эмас. Жонлиқ каерда, қайси мақсадда сўйилмасин, албатта, Аллоҳ номи билан билан сўйилиши шартлиги уламоларимиз томонидан қайта-қайта таъкидланган. Шунингдек, уламолар мазорда ётган авлиё ёки алломадан мадад сўраб, бирон бир ҳожатини раво қилишини талаб этиш мумкин эмаслиги, бу бевосита Аллоҳнинг Ўзидан сўралиши кераклигини ҳам уқтирганлар.

Демак, асл ислом таълимотида қабрларни, азиз-авлиё, алломаларнинг мақбараларини зиёрат қилиш савобли иш бўлиб, уни ўрнатилган тартиб-қоидалари бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қабрларга шам ёқиш, қабр тошларини ўпиш жоиз эмасдир. Қабр устида ўтириш, босиб юриш, намоз ўқиш ҳам дуруст эмас. Қабр йўқолмаслиги учун бош ёки оёқ томонига бирон тош ёки тахта қўйиш мумкин, лекин ҳозирги кунимиздагидек чиқими кўп ва дабдабали қилиб, қабр тошлари ўрнатиш дуруст эмас.

Қабристон зиёрати учун белгиланган тайин бир вақт йўқ, исталган вақтда зиёрат қилиш мумкин. Шариатда қабрларга гул, дарахт, турли кўчатлар экиш яхши амаллардан саналади.

***Диний экстремистлар Наврўз байрамини нишонлаш гуноҳ, деб даъво қиладилар. Бу тўғрида нима дейиш мумкин?***

Маълумки, Наврўз Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг қадимий, анъанавий Янги йил байрамидир. Тарихий манбаларда Наврўз катта байрам сифатида жуда қадимдан нишонлаб келиниши қайд этилган. Марказий Осиёга ислом дини тарқалгач, Наврўзни аввалгидек тантанали бўлмаса-да, байрам қилишда давом этилган.

Наврўз байрами Ҳамалнинг биринчи куни, милодий йил ҳисоби билан ҳар йили 21 март куни нишонлаб келинади. Наврўз байрами баҳор ойига – қишлоқ хўжалиги ишларининг бошланишига тўғри келган. Ҳозирда Наврўз республикамизда умумхалқ байрамларидан бири сифатида нишонланади ва дам олиш куни деб эълон қилинган.

Собиқ Совет иттифоқ даврида - 1980-йиллар ўрталарида Наврўз асоссиз равишда диний байрам деб ҳисобланиб, нишонланишига йўл қўйилмаган бўлса, ҳозирда баъзи мутаассиблар уни диний байрам бўлмагани учун нишонлаш гуноҳ деб таъкидлайдилар. Наврўз диний байрам бўлмагани учун уни нишонлаш мумкин эмас,

дейиш нотўғридир. Абу Ҳанифанинг «Ал-урфу кан-насси» («Урф қонун кабидир») қондаси машҳур бўлиб, ҳанафийлик мазҳаби халқларнинг ислом динигача бўлган маданияти, урф-одатларига ҳурмат билан қараб, улардан баъзиларини ҳуқуқ манбалари қаторига киритган. Шунинг учун Наврўзни диний байрам эмас, деб нишонламаслик мутаассиблик руҳидаги оқимларга хос бўлиб, урф-одатларимизга беҳурматлик ҳисобланади. Урф-одат ва маросимлар (байрамлар) шариатга қарши бўлган фикрлардан холи бўлса, ундай байрамларни нишонлаш гуноҳ ҳисобланмайди.

Қолаверса, ислом таълимотида очиқ ҳаром деб ҳукм қилинмаган нарсаларни, урф-одатларни ҳаром дейиш тажовузкорлик, ҳаддан ошиш ҳисобланади. Наврўз байрами эса, илоҳий матнларнинг бирон бир жойида тақиқланмаган. Шунингдек, куйидаги оят билан Аллоҳ бандаларига яхши нарсаларни ҳалол қилганини баён этади: «... У (пайғамбар) уларни яхшиликка буюради ва ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қиладиди...». (Аъроф, 157). Бу оятдан кўринадики, пок нарсалар ислом таълимотида ҳалол қилинган.

Наврўз ҳам халқимизнинг азалий миллий қадриятларидан бири ҳисобланади. Бу кунда бева-бечоралар, ғариб ва мусофирларга мурувват кўрсатилади, кексалар ҳолидан хабар олинади. Шунингдек, аксарият ўлқаларда кун билан тун баҳорий тенг бўлган, ушбу кундан деҳқончилик ишлари бошланади. Демак, Наврўз ислом таълимотига зид эмас, юқоридаги фикр эса, кишилар онгини чалғитиш, ўз гаразли ниятларига эришишни кўзлашнинг бир воситасидир.

*Мустақиллик шарофати тўфайли ҳайит байрамлари эркин нишонланадиган бўлди. Уларни қандай нишонлаш тўғри бўлади?*

Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий ва диний қадриятларимиз тикланди. Ҳайит республикамизда

умумхалқ байрамлари қаторида нишонланадиган бўлди. Пайгамбаримиз ҳайит байрамлари тўғрисида шундай деб марҳамат қилганлар: «Ҳар бир миллатнинг ўз байрами бор. Мусулмонлар байрами рўза ва қурбон байрамидир».

Ҳайит араб тилида ийд – байрам деган маънони англатади. Қурбон ҳайити ҳаж маросими ва қурбонлик қилиш билан, рўза ҳайити эса, рамазон ойи ниҳоясида оғиз очиш билан боғлиқ. Қурбон ҳайити (ийд ал-кабир, ийд-ал-Адҳо) ҳижрий зул-ҳижжа ойининг 10-кунида, рўза ҳайити (ийд ас-сағийр, ийд ал-Фитр) эса, шаввол ойининг биринчи кунида байрам қилинади. Ҳайитда масжидда эрталаб ҳайит намози ўқилади, рўза ҳайитида (ҳайит намозидан олдин) фитр-садақа берилади, қурбон ҳайитида эса, қурбонлик қилинади. Ҳайит байрамлари дунё мамлакатларида турлича нишонланади. Масалан, араб мамлакатларида ҳайит байрамига бир неча ой илгари тайёргарлик кўриш одат тусига айланган. Ҳайитда янги кийим кийиш, сайил қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳозирда бизда ҳам ҳайит байрамлари ҳурсандчилик ва байрамона кайфиятда ўтказилмоқда. Лекин ҳалигача ҳайитни нотўғри талқин қилаётганлар учраб туради. Ҳайитни байрам қилиб нишонлаш ўрнига, марҳум чиқарилган уйда 3 кун давомида бел боғлаб туриш ва ўтганларни ёд этиш мақсадида мозорларни зиёрат қилиш ҳоллари учрамоқда. Шунингдек, ҳайит деганда, ёш келинчаклар хонадонидаги зиёфатлар тушуниб қолинмоқда.

Икки ҳайит мусулмонлар учун байрам қилиб берилган экан, ана шу байрам кунлари ота-она, яқин қариндошларни байрам билан табриклаш, уларни зиёрат қилиш, арафа куни ош улашиш, муҳтожларга мурувват кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, ҳайитда ғам-кайғуларни унутиб, яхши кайфиятда бўлиш ва уни байрам руҳида нишонлаш керак.

*Расмий рўйхатдан ўтмасдан туриб, фақат никоҳ  
билан турмуш қуриш тўғрими?*

Маълумки, никоҳ инсон ҳаётининг давомийлигини таъминловчи воситадир. Ислолда ҳақиқий эр ва хотин бўлиш учун уч нарса шарт қилинади. Булардан биринчиси, эр-хотиннинг никоҳга розилиги, иккинчиси, гувоҳлар ва учинчиси эса маҳрдир. Шу уч шарт бажарилганда масжид имоми икки ёшнинг никоҳини ўқийди, шаръий боғланиш ҳосил бўлади. Ҳозирда халқимиз орасида никоҳ аксарият ҳолларда келиннинг уйига борилганда ўқилмоқда. Расмий рўйхатдан эса, никоҳ оқшоми, яъни, тўйхонада ўтиш одатга айланмоқда. Бу албатта ижобий ҳол. Лекин баъзиларда расмий рўйхатдан ўтмай фақатгина имомнинг никоҳи билан кифояланиш мумкин деган тушунча мавжуд (Расмий рўйхатдан ўтмаганларга имомлар томонидан никоҳ ўқилиши ҳам тўғри эмас). Бундай саёз тасаввур расмий рўйхатдан ўтмаган шахслар учун бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Инсон жамият аъзоси бўлганидан кейин жамият билан бирга ҳаёт кечириши, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаши керак. У ўзини жамиятдан ажратиб қўя олмайди. Қолаверса, фуқаролик бурчларини адо этмоғи зарур.

Шу билан бирга, жамиятда қабул қилинган қонунларга риоя қилиш зарурлиги асосини Қуръон ва Сунна ташкил этадиган ислом ҳуқуқида ҳам белгилаб қўйилганини таъкидлаш зарур. Жумладан, «саддуз зароиъ» («кутилмаган зарарларнинг олдини олиш») ва «масолиҳул мурсала» («умумманфаатни кўзлаш») тамойилларига кўра, шахс ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган, турли муаммоларнинг олдини олишга қаратилган тартиб-қоидаларга бўйсиниш мусулмонлар учун мажбурий амаллардан ҳисобланади.

*Аёллар ўртасида «исломий тўй» деб  
юритилаётган маросимнинг мазмун-моҳияти  
нимада ва у асл диний урф-одатларга мос  
келадими?*

Маълумки, азал-азалдан икки ёшни унаштириб тўй қилишдан асосий мақсад уларни эр-хотин деб эълон қилишдан иборат бўлган. Ана шуни эълон қилиш мақсадида ўтказиладиган тўй маросимлари турли халқлар орасида миллий ва диний қарашларга суянган ҳолда ўтказилади.

Охирги йилларда «исломий тўй» деган тушунча пайдо бўлди ва бу тушунча жойларда ҳар хил талқин қилинмоқда. Баъзилар «исломий тўй» деганда ичкиликсиз, мусиқасиз, амри-маъруф билан ўтказиладиган, айримлар эса, фақат аёллар иштирокида (аёл хонандалар билан) ўтказилиши керак бўлган маросимни тушунадилар.

Тўй маросимини «исломий тўй» деб аталишининг ўзи қанчалик тўғри?! Шу давргача ота-боболаримиз томонидан ўтказиб келинган тўйлар «исломий» деб аталмаган. Тўғри собиқ иттифоқ даврида тўйларимизга бир қатор ўзгаришлар киритилган. Лекин ўша пайтларда ҳам ўзбекона миллий урф-одатларимизга мос келадиган тўйлар ўтказилган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирда тўй маросимларини ўтказишда тўйларни алоҳида «исломий» деб ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки мусулмонлар кўпчиликини ташкил этадиган халқ орасида ўтказилаётган тўйни «исломий тўй» деб ажратиш мантиққа тўғри келмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тўйларимизни миллий урф-одатларимизга мослаб, ихчам, исрофгарчиликдан холи бўлган тарзда ўтказишга ҳаракат қилиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## Ўнинчи суҳбат

### ВАТАННИ СЕВМОҚ ИМОНДАНДИР

*Исломда Ватанга муҳаббат ҳақида нима дейилган?*

Ислом инсонпарвар дин. У барча инсоний туйғу ва кадриятларни улуглайди ва кишиларни шунга ўргатади. Мана шундай туйғулардан бири меҳр-оқибат, соғинч, муҳаббатдир. Улар аввало ота-она, ака-ука, ёр-биродарлар билан боғлиқ. Бошқача айтганда, уларнинг барчаси инсон тугилиб ўсган уйи, маҳалласи, қишлоғи – Ватан деган тушунчада мужассамдир.

Ватан атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она-юрт маъносини англатади. Ватан тушунчаси кенг маънода ва тор маънода қўлланилади. Бир халқ вакиллари жамул-жам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши тугилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса бу тор маънодаги тушунчадир.

Қуръони каримда «дор» (кўплиги «диёр») сўзи жами 47 марта такрорланган бўлиб, у араб тилида Ватан, мамлакат, ер, диёр, яшаш манзили каби маъноларни англатади. Бу сўзнинг шунчалар кўп такрорланиши ҳам у ифода этган маъноларнинг нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Бир инсонни ўз Ватанидан бадарга қилиш, мажбурлаб чиқариб юбориш оғир гуноҳлиги таъкидланади. Жумладан, Қуръони каримда: «Эсланг, сизлардан «Бир-бирларингизнинг қонингизни тўкмайсиз, ўзларингизни (бир-бирингизни) юртингиздан бадарга қилмайсиз», деган аҳдингизни олган эдик», дейилади («Бақара», 84). Бундан кўриниб турибдики, Ватандан бадарга қилиш қатл қилишдан кейинги энг оғир гуноҳлардан экан.

Яна: «Сўнгра сизлар яна ўша, ўзларингизни (бир-бирингизни) ўлдираяпсиз, бир қисмингизни юртларидан чиқариб юбораяпсиз, уларга қарши гуноҳ ва зулм ила ҳамкорлик қилаяпсиз», дейилган («Бақара», 85). Юқоридаги оятда айтиб ўтилган «гуноҳ» ибораси ушбу оятда «зулм» сўзи билан бирга келтирилмоқда.

Пайғамбаримиздан ривоят қилинган ҳадисда, Мадинага ҳижрат қилаётганларида: «Агар қавмим мени Маккадан чиқиб кетишга мажбур қилмаганида, ҳеч ҳам ўз ихтиёрим билан уни ташлаб кетмаган бўлар эдим», – деганлар.

Имом Бухорийнинг «ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ» тўпламида Ватанни кўмсаш, уни севиш ҳақида келтирилган бир ҳадисда шундай дейилади: «Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида Абу Бакр билан Билол иситмалаб қолишди. Мен уларнинг хузурига кириб: «Эй, падари бузруквор (яъни, Абу Бакр), эй, Билол, ўзингизни нечук ҳис этмақдасизлар?», – деб сўрадим. Абу Бакр иситма зўриққанда:

*«Уйимда бўлсайдим жон чиқар маҳал,*

*Пойабзал ипидин яқиндир ажал»,*

– дер, Билол эса, иситма бироз пасайганда, йиғлаб:

*«Тақдирим не эрур, билмасман э воҳ,*

*Бошимга ажалдан келурму сипоҳ?*

*Бир кеча бўлса ҳам, она водийим,*

*Қўйнида ётсайдим, меҳрибон Аллоҳ!*

*Қониб ичсам эрдим, шаффоф сувларин,*

*Қанийди, ташласам, унга бир нигоҳ!»,*

– дер эдилар. Мен бу ҳақда жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига бориб айтиб эрдим, ул киши: «Ё, Аллоҳ! Бизга Мадинани Макка сингари ёқимли, ундан ҳам ортиқроқ маҳбуб этгил! Ё, Аллоҳ, унинг тошу тарозисига барака ато этгил, уни (аҳлини) ҳамиша бардаму соғлом қил, мана буларнинг безгагини эса Жухфага кўчиргил!» – дедилар».



Кўриниб турибдики, икки улуғ саҳоба – Абу Бакр ва Билол ҳам Пайгамбаримиз билан бирга «саодат асри»да яшаб, кундалик нозил бўлаётган ваҳийдан баҳраманд бўлишдек бахтга муяссар бўлсалар-да, ўз Ватанларини соғиниб яшаганлар.

Ота–боболаримиз, улуғ аждодларимиз ва алломаларимиз ҳам ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериб, ўз юртларига муҳаббатни ифода этиш борасида ажойиб намуналар кўрсатишган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фаргоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Лайс Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий, Қафқол Шоший, Мажзуб Намангоний каби буюк мутафаккирларимиз ўзларининг таҳаллусларини киндик қонлари тўкилган юрт билан боғлаганлари, уларнинг номини дунёга маълуму машҳур қилганликлари ҳам бир ибратдир.

Буюк шоир ва саркарда, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ҳам Ватанни севишга ёрқин мисол бўла олади. Ўз даврининг йирик ва қудратли давлатларидан бири – Ҳиндистондек мамлакат ҳукмдори бўла туриб, бир умр Андижонини, сўлим Фарғонасини, бобокалонларидан мерос Самарқандини қўмсаб ўтди, ижодининг салмоқли қисмини Ватан соғинчига бағишлади.

Келтирилган оят, ҳадис ва ибратли мисоллардан маълум бўладики, Ватан инсон учун муқаддас, уни ҳеч бир нарса билан алмаштириб бўлмайди, у ўз-ўзидан севилишга, ардоқланишга ва қадрланишга лойиқдир.

### *Ватан ҳимояси қандай амаллардан саналади?*

Ватан – муқаддас даргоҳ. Уни ҳимоя қилиш, душманлардан асраш, равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Пайгамбаримиз: «Молини, жонини, динини ва аҳлини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган киши шаҳид мақомидадир», – деганлар. Ҳадисда санаб ўтилган

мол, жон, дин ва оила киши ҳаётининг мазмуни, унинг Ватанини ифода этади.

Шариат манбаларида Ватанни ҳимоя қилиш фарзи айн, яъни барчага баробар буюрилган амал деб белгилаб қўйилган. Агар душман бостириб келса, аёл киши ўз эридан, кул ўз хожасидан изн сўраб ўтирмасдан жангга чиқиб кетавериши мумкин.

Ватан ҳимояси муқаддас амаллардан экани, ундан юз ўгириш ёки бирор баҳонани рўқач қилиб, уни ҳимоя қилмаслик огир гуноҳ.

Ислом тарихига назар соладиган бўлсак, мусулмон муҳожирлар Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб келишгач, ансорлар билан бирлашиб ислом умматини ташкил этдилар ва фаровон, осойишта ҳаёт кечира бошладилар. Уларни ўз Ватанларидан қувиб чиқарган Макка мушриклари бу осойишталикни кўра олмай, ҳижратнинг иккинчи йили Рамазон ойида (мил. 624 й.) Мадинага бостириб келдилар ва улар билан мусулмонлар қўшини ўртасида «Бадр» жанги бўлиб ўтди. Бу ислом тарихидаги биринчи жанг бўлиб, Мадинадан 80 мил (тахминан 150 км.) узоқликда Сурия карвон йўлида жойлашган Бадр кудуги яқинида бўлганди. Муросасиз кечган жанг мусулмонлар ғалабаси билан тугади. Орадан бир йил ўтиб (625 йил 23 мартда) – Мадина шаҳри яқинидаги Уҳуд тоғида мусулмонларнинг маккаликлар билан иккинчи жанги бўлиб ўтди. Бадр жангида маккалик мушриклар маглубиятга учрагач, мусулмонлардан ўч олмоқчи бўлишган эди. Учинчи жанг Хандақ воқеаси бўлиб, ҳижратнинг тўртинчи йили (626 й.) бўлиб ўтди. Бунда мусулмонлар ўз Ватанлари – Мадинани ҳимоя қилиш учун душман бостириб кириши мумкин бўлган тарафдан чуқур қилиб хандақ қазиб чиқдилар.

Юқоридаги жангларда эркаклар билан бир қаторда аёллар ва ҳатто, ёш болалар ҳам қатнашганлар. Модомики, Пайғамбар алайҳис-салом уларни бу ишдан қайтармаган, балки рағбатлантирган эканлар, демак, ислом таълимоти

бўйича Ватан ҳимояси муҳим ва муқаддас бурч экани маълум бўлади.

Юртимиз довруғини дунёга таратган буюк аждодларимиздан, ислом оламида кенг тарқалган тасаввуф тариқатларидан бири кубравия таълимоти асосчиси Нажмиддин Кубро Ватан ҳимоячисининг ёрқин мисоли бўла олади. Замонасининг йирик алломаларидан, минглаб муридларга эга бўлган тариқат пир-муршиди бўлган бу шайх Ватанига мўғуллар босқинидан хабар топиб биринчилардан бўлиб унинг ҳимоясига отланди. Нажмиддин Кубронинг халқ орасидаги обрў-эътиборини назарда тутиб, мўғуллар ҳукмдори унга шахарни ташлаб, ўзи ихтиёр қилган тарафга кетишни таклиф қилади. Ўз жонини сақлаб қолиш йўлида Ватанини ёвга топширишни ор билган аллома босқинчиларга қарши жангга киради ва мардларча, туғ кўтариб, лашкарни олға чорлаб бораётган ҳолатда шаҳид бўлади. У туғни шунчалар жон-жаҳди билан ушлаган эдики, байроқни унинг қўлини кесибгина ола олдилар.

Бунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

*Ўз Ватанига қурол кўтариб, бостириб кириш йўлидаги ҳаракатлар ҳақида нима дейиш мумкин?*

Ватанни ҳимоя қилиш нақадар улуғ савоб, ҳар бир мусулмоннинг зиммасидаги фарзи ҳисобланса, унга хиёнат қилиш, қурол билан бостириб келиш шу қадар катта гуноҳ, энг олий жазога лойиқ жиноят ҳисобланади.

Хандақ жангида (627 й.) Пайғамбар Мадинага бостириб келган мушрикларга хайрихоҳ бўлган, уларга зимдан ёрдам берган қабилаларга нисбатан ниҳоятда қаттиқ чоралар кўрдилар: хиёнаткорларнинг раҳбарлари қатл этилиб, уларга эргашганлар Мадинадан бадарға қилинди.

Ислом тарихида ўзларини дин ҳимоячилари деб эълон қилиб, бошқа мусулмонларни кофир санаб, улар бошига кулфатлар ёғдирган тоифалар жуда кўп ўтган.

Улардан азрақийлар ва қарматийларни зикр этиш мумкин. Хорижийлардан чиққан азрақийлар гуруҳи ўзларининг сўзларига юрмаган мусулмонларнинг қонини тўкиш, уларнинг молларини ўлжа сифатида олиш, аёл ва болаларини чўри ва кул қилишни ўзларига ҳалол қилиб олдилар. Қарматийлар эса Каъбага отланган ҳожиларни тошга сиғинувчи бутпарастларга чиқариб, йўлда уларнинг карвонларига ҳужум қилдилар. Ўзларини ўлдириб, молларини таладилар. Аббосий халифалари доимий равишда қарши курашишларига қарамай, уларнинг бундай фаолиятлари узоқ давом этди. Ушбу ҳаракатнинг оғир оқибатлари Мовароуннаҳр тарихида ҳам кўринади. Мовароуннаҳрлик буюк муҳаддис олим Абдулмуъмин ибн Халаф (XI аср) масжидда туриб Мовароуннаҳрда, хусусан, Насафда босқинчилик қилган қарматий гуруҳларини дуоибад қилган эди. Ҳанафий-мотуридий мазҳаби ақидасини ўзида мужассам қилган «Ақоид ан-Насафий» муаллифи Абу Ҳафс ан-Насафийнинг (1068–1142) ўғли ал-Мажд ан-Насафий ҳаж сафарига экан, уларнинг карвонига исмоилийлардан бўлган аҳл ал-қилоъ (қалъа аҳллари) гуруҳи вакиллари ҳужум қилди. Уларнинг молларини талаб, ҳожиларни ўлдирдилар.

Бу каби гуруҳлар ўзларининг жиной ишларини турли йўллар билан ёқламоқчи бўладилар. Буни айрим экстремист гуруҳларнинг хорижга чиқиб кетиб, террорчилик амалиётини ўрганиш, Ватанга бостириб киришга тайёрланиш жараёнини «ҳижрат» деб айтаётганлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

«Ҳижрат» (арабча: кўчиш, тарк этиш) сўзи Қуръони каримнинг 27 жойида турли шаклларда келади. Бунда асосан милодий 622 йили Маккадан Мадина шаҳрига Пайғамбар бошчиликларидаги мусулмонларнинг ҳижрати назарда тутилган. Лекин баъзи ҳолатларда (масалан, «Нисо», 34; «Марям», 46; «Муддассир», 5) ҳижрат сўзи гуноҳдан қочиш, бирор нарса ёки кишидан узоқлашиш маъноларида келган.

Исломнинг илк даврида Макканинг нуфузли кишилари – зодагонлардан иборат мушриклар Пайғамбар ва муслмонларни ўз дину эътиқодларидан қайтаришга бор куч ва имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилдилар. Исломдан қайтмаганларга қаттиқ қийноқ ва азоблар бердилар, уларни қамал қилиб, очликка маҳкум этдилар. Шундан сўнг, мўминлар ўз имон ва эътиқодларини сақлаб қолишлари учун Аллоҳ таоло уларга ҳижрат қилишни буюрди. Ҳижрат қилишнинг савоби улуғлиги Куръон оятлари билан бир қаторда ҳадисларда ҳам таъкидланади.

Аммо кейинги даврда баъзи экстремистик кучлар оммани ўз томонларига оғдириб олиш мақсадида ўзларини Пайғамбар изидан қадам-бақадам борувчилар қилиб кўрсатишга интилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Буни «ат-Такфир ва-л-ҳижра» каби ҳижрат сўзини ўз ҳаракатларига байроқ қилиб олаётган гуруҳлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Худди шу каби, мустақил Ўзбекистонга нисбатан хиёнат қилиб, дин ва эътиқодни ҳимоя қилиш эмас, сиёсий мақсадларга эришиш учун Ватанни тарк этаётган, зимдан ўз юртига қарши ҳаракат олиб бораётган кимсаларни исломнинг илк давридаги муҳожирларга тенглаштириб бўлмайди. Бу қуйидаги далилларда яққол намоён бўлади:

– 622 йилда ҳали ислом дунё бўйлаб кенг тарқалиб улгурмаган, кўп кишилар унинг асл моҳиятини тушулмаган ва шу сабабли муслмонларни ўз динидан қайтишга мажбурлаб азобга солган эдилар. Шунинг учун ўша даврда ҳижрат зарурий амал деб белгиланди. Ҳозирги кунда ислом дунё бўйлаб тарқалган, хусусан, мамлакатимизда исломий кадриятларга кенг ўрин берилган бўлиб, виждон эркинлиги қонунан кафолатланган. Айни пайтда, мамлакатимиздан муслмонларнинг ҳижрат қилишлари шарт қилинмайди.

– Пайғамбар алайҳис-салом ҳижратдан сўнг Маккани фатҳ этдилар, яъни унга исломни олиб кирдилар, ҳозирда муслмонлар яшайдиган мамлакатларда, хусусан,

Ўзбекистонда диндорлар бемалол ўз ибодатлари билан машғуллар. Бу ерга куч билан исломни олиб киришнинг ҳеч ҳам ҳожати йўқ.

– Пайгамбар алайҳис-салом Мадинага боргач, у ердаги қабилалар орасидаги низоларга барҳам бериб, мусулмонларнинг намунавий ҳаёт тарзини шакллантирдилар. Натижада кўплаб қабилалар бу ердаги биринчи мусулмонлар давлатини тан олдилар. Хўш, ҳозирги кунда ўзларини муҳожир деб атаётганлар қаерда ҳаётни ана шундай намунали тарзга келтирдилар? Ҳеч қаерда! Аксинча, улар қаерга бормасинлар, у ерда низо оловини алангалатиб, террористик хуружларни авж олдирмоқдалар.

Ўзларини муҳожирлар деб жар солаётган Ватанфурушлар имон, намоз, закот, рўза ҳаж каби асосий дин арконларидан, исломнинг асл тинчлик, чиройли хулқли бўлишга буюрувчи моҳиятидан одамларни чалғитиб, ҳижрат, қон тўкиб «жиҳод» қилишни мусулмонликнинг асосий шартларидан қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Шундай экан, жиноятлар содир этиб, Ватанидан қочиб юрганларни Пайгамбар алайҳис-салом давридаги муҳожирларга ўхшатиш, уларнинг ишларини ҳижрат қаторида санаш мумкин эмас.

*Тинчликка раҳна солиш, одамлар орасида ваҳима ҳамда фитна уйғотиш кечирилмас, катта гуноҳ.  
Шундай эмасми?*

«Ислом» сўзининг маъноси «бўйсунуш», «китоаткорлик», «тинчлик», «саломатлик», «омонлик» маъноларини беради. Бу динда «ислом» сўзи билан «имон», тушунчаси бир қаторга қўйилади. Шундай экан, халқ орасида фитна кўзгатиш, осойишта ҳаётга раҳна солиш, одамлар орасида ишончсизлик кайфиятларини уйғотиш исломнинг моҳиятига мутлақо зиддир. Қуръони каримда «Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир», дейилади («Бақара», 191).

Бу ўринда Пайгамбар алайҳис-саломнинг жуфти ҳалоллари ҳазрат Оишага қилинган тухмат воқеасини ибрат сифатида келтириш мумкин. Унда Пайгамбар алайҳис-салом бошчилигида сафардан Мадинага қайтаётган карвон йўлда вақтинча тўхтайди. Зарурат юзасидан четроққа чиққан ҳазрат Оиша карвондан қолиб кетадилар. Карвон ортидан келаётган Сафвон ибн Муаттал исми саҳоба уларни ўз туяларига миндириб манзилга етказадилар. Шунда қалбларида ҳасад ва адоват бўлган кимсалар Сафвон ва Оиша ҳақида ҳар хил миш-мишларни тарқатадилар. Расулуллоҳ ҳам бу гапларни эшитиб, бир қанча муддат ўз аёлларига совуқ муомалада бўлиб юрадилар. Сўнг Аллоҳ таолодан «Нур» сурасидаги 11–21-оятлар ваҳий қилинади. Унда миш-миш тарқатганлар учун бу дунё ва охиратда тайинланган жазолар ҳақида хабар берилиб, унга ишониб қолганлар ҳам қаттиқ маломат қилинади.

Демак, жамиятда фитна-фасод, бўхтон-тухматлар тарқатиб юрадиганлар учун юқоридаги воқеа ибрат бўлиши лозим. Ўз навбатида, кишилар орасида обрўга эга бўлган, яхши бир инсон ҳақида ёмон гап эшитган пайтда мусулмонлар дарҳол «бу тухмат» дейишлари ва уни бошқа кишига етказмасликлари лозим бўлади. Агар бу гапни гапирувчи киши ҳақ бўлса, ўз гувоҳларини келтиришлари талаб этилади. Агар у далил келтира олса, жиноятчи жазоланади, аксинча бўлса, шу гапни айтган киши жазо олади.

Шу ўринда бир оғиз сўз учун ҳам жисмоний жазо бериш ҳақлими деган савол пайдо бўлиши мумкин. Аллоҳ таоло инсонлар учун енгил кўринган бундай сўзни жуда оғир гуноҳ дея таърифлайди.

*Ислом динида Ватан тараққиёти, юрт равнақи  
учун фидойилик қандай баҳоланади?*

Инсониятнинг фақат бу дунёда эмас, икки дунёда ҳам бахтли бўлишига эришиш ислом динининг асосий

мақсадларидандир. Бунга икки тарафлама: моддий ва маънавий гўзаллик орқали эришиш мумкин. Тарихда ўтган пайгамбарларнинг асосий вазифалари ҳам инсониятни мазкур гўзалликлар сари етаклашдан иборат бўлган.

Пайгамбарларнинг барчасини буюк мақсад йўлида жонбозлик кўрсатган ўз даврининг «фидойилари» дейиш мумкин. Чунки улар инсоният учун зарур бўлган хидоятни Аллоҳдан ваҳий олиб одамларга етказдилар. Бу оғир йўлда машаққатли синовларга дуч келдилар. Аммо инсониятни саодатга бошлашдан иборат масъулиятли ишдан бўйин товламадилар. Қачонки бир пайгамбар қавмнинг исёнкорлигидан қийналиб, тушкунликка тушса, Аллоҳнинг ўзи ваҳий орқали уларга далда берар, ҳеч бир пайгамбар машаққатсиз мақсадга эришмаганини таъкидлаб, бу хизматлари эвазига уни катта мукофотлар кутажоғининг хабарини берар эди.

Пайгамбарлар Аллоҳнинг кўрсатмасига биноан «Эй, қавмим! Сизлардан у (пайгамбарлик хизмати) учун мол-дунё сўрамайман. Менинг мукофотим фақат Аллоҳнинг зиммасидадир», дер эдилар (Ҳуд, 29). Буларнинг барчаси исломда фидойиликнинг юқори баҳоланганини кўрсатади.

*Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, унга садоқат руҳида тарбиялаш учун нималарга эътибор бериш керак?*

Халқимизда: «Ватанни севмоқ имондандир», дейилиши бежиз эмас. Демак, инсон ўзи тугилиб ўсган юрти, ёр-дўстлари ва яқинлари билан боғловчи Ватанини севиш, уни ардоқлаш имон даражасига кўтарилмоқда. Ватанни ҳимоялаш ислом шариатида фарзи айн – эркак ва аёлларга тенг бажариш зарур бўлган амал даражасига кўтарилгани ҳам унинг нечоғлик улуг ва муқаддаслигидан далолат беради. Модомики шундай экан, унга муҳаббат қўйиш, унинг равнақи йўлида куч-ғайрат сарфлаш барча қилиши лозим бўлган вожиб амалдир.



Фарзандлар қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш учун ота-она ва устозлар биргаликда ҳаракат қилишлари лозим. Афсуски, кўпинча ота-оналар томонидан бу устозларнинг иши, дея лоқайдлик билдирилади. Фақат бола тарбияси издан чикиб, ўз юрти, халқи, Ватанига нисбатан жиноят содир қилгандагина нега шундай бўлди, кимлар уни йўлдан урди, деб яна айбни бошқалардан кидирилади.

Ватан оиладан бошланади. Ватанга муҳаббат – кишининг ўз атрофидагиларга муносабатда ҳурмат, эътибор, кадрлаш туйғуларидан келиб чиқади. Баъзан ўзимиз сезмаган ҳолда гийбат аталмиш иллатга бепарволик қилиб, ёшлар олдида бировларнинг айбларини ноўрин гапириб қўямиз. Ваҳоланки, Куръони каримда гийбат қилиш катта гуноҳ ҳисобланиб, ўлик гўштини ейиш билан тенглаштирилади («Хужурот», 12). Билмай туриб атрофимизда бўлаётган воқеаларни нотўғри талқин қиламиз. Бу эса ҳар бир эшитган нарсасини дарҳол ўзлаштириб оладиган, зийрак гўдакда нотўғри дунёқарашнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Диний-экстремистик гуруҳлар таъсирига берилиб қолган ёшлар билан ўтказилган суҳбатлар натижаси шуни кўрсатадики, уларда энг аввало Ватан тушунчаси сўндирилади. Улардан «Ватан деганда нимани тушунасиз?» деб сўралганда афсуски, «Ватан тушунчаси исломга ёт нарса», «бутун Ер юзи Ватанимиз» ёки энг яхши ҳолатда «яшаб турган еримиз» дея жавоб берадилар. Аммо ана шу ер устида яшаётган инсонлар, уни вояга етказган муҳит, инсонни инсон қилган ота-она, устозлар, ака-опа, дўст, қариндош, қўни-қўшни, умуман киши учун энг азиз одамлар ва кадрдон ўлка ҳақида лом-мим демайдилар. Аслида шуларнинг барчаси умумлашган ҳолда «Ватан» тушунчасини ифодалаши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Ислом таълимотига кўра, инсон энг аввало ўзига, сўнг онасига, отасига яхшилик қилишга, вафот этган тақдирларида улар яхши кўрган кишиларга эътиборни

қаратишга буюрилади. Қўшни олдидаги мажбуриятнинг улуглиги ҳақида Саҳобалар: «Пайғамбар алайҳис-салом менга Жаброил доимо қўшни ҳаққини адо этишга чақирар эдилар, ҳатто мен қўшнига мерос беришга ҳам буюрсалар керак деб гумон қилиб қолдим», - дея эътироф этадилар.

Агар кишининг инсонлар олдидаги юқорида зикр этилган мажбуриятлари ҳисоблаб чиқиладиган бўлса, Ватан олдидаги бурчнинг нақадар салмоқли экани яққол намоён бўлади.

Ёшларни Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган масала ҳисобланади. Бу борадаги энг долзарб вазифа Президентимиз таъкидлаганларидек: «Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни, «Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдақлар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлиқ адо этишингга боғлиқ» деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига сингдиришимиз даркор».

Ана шунда тарихда ўтган улуг аجدодларимиз қолдирган буюк маънавий мерос, уларнинг ибратли ҳаёти улкан тарбия қудратига омил сифатида чиқади, ёшларимизда Ватан тақдирига, юрт истиқболига дахлдорлик туйғуси янада камол топади.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Биринчи суҳбат.....	7
Мустақиллик ва маърифий ислом ривожига.....	7
Иккинчи суҳбат.....	25
Ҳанафийлик – муътадил мазҳаб.....	25
Учинчи суҳбат.....	38
Ислом дини никоби остида фаолият кўрсатаётган оқим ва фирқалар.....	38
Тўртинчи суҳбат.....	61
Диний экстремизм ва террорчилик – жамият барқарорлигига таҳдид.....	61
Бешинчи суҳбат.....	76
«Ҳизбут-таҳрир» даъволарига раддиялар.....	76
Олтинчи суҳбат.....	92
Соф исломий тушунчалар: аслият ва талқинлар.....	92
Еттинчи суҳбат.....	101
Ёшлар ва аёллар диний-экстремистик ҳаракатларинингасосий объектлари: муаммолар ва вазифалар.....	101
Саккизинчи суҳбат.....	117
Замонавий тариқатчилик ҳаракатлари.....	117
Тўққизинчи суҳбат.....	134
Миллий, диний урф-одат ва маросимлар.....	134
Ўнинчи суҳбат.....	143
Ватанни севмоқ имондандир.....	143

1958c

# ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МУТААССИБЛИК

(юз саволга - юз жавоб)

*Тулдирилган, қайта ишланган наشري*

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2013

Мухаррир: Д.Раҳимжонов  
Саҳифаловчи: З.Улуғбекова

Нашриёт гувоҳнома рақами А1 № 224  
Босмаҳонага 2013 йил 25 июнда берилди.  
Бичими 84×108 <sup>1/32</sup> Шартли б.т. 8,19. Нашр т. 8,20.  
Адади 4890 нусха. Буюртма № 41.

Баҳоси шартнома асосида.  
«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.